

ОКТАБРЬ 10 1988

ISSN 0215-1277

ШКОЛА



ЁШ КУЧ





Ҳаяжонли дамлар.

ПИОНЕР — КОМСОМОЛНИНГ ЎРИНБОСАРИ

Энди, В. И. Ленин музейига...

А. КУДРЯШЕВ фотолари



ҲАЁТИЙЛИГИМИЗ МЕЗОНИ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТДАДИР

Абдурашид ҚОДИРОВ,
ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг секретари

Мамлакатимизда ёшлар союзи — Ленин комсомоли ташкил топганининг 70 йиллигини нишонлар эканмиз, ушбу юбилей қайта қуриш даврига ўтказилган турли саналардай тантанавор — офаринбозлик руҳида эмас, ишчанлик кайфиятида қаршилаётганлигини ҳис қилишимиз қийин эмас. Биз бу тантанани комсомол ташкилотларининг ҳашамдор «ғалаба рапортлари» билан эмас, ёшлар муаммолари ҳақидаги амалий суҳбатлар, уларнинг қайта қуришдаги ўрнини аниқлаш билан кутиб оляимиз. Бугунги кунда — мамлакат Бутуниттифоқ XIX Партконференцияси руҳи, ундаги ошқора суҳбат таассуротлари, жамиятимиздаги юз бераётган ўзгаришлар ва янгиланишлар кайфияти билан яшамокда. Ошқоралик, демократия меҳнаткашларнинг, жумладан барча комсомол ва ёшларнинг ижодий фаолиги, улкан ташаббускорлик туйғусини уйғотиб юборди.

Республика комсомол-ёшлари экономика, маданият ва социал соҳалардаги ўткир муаммоларни, ижтимоий аҳамиятли муайян вазифаларни ҳал қилишга фаол киришди. Умуман айтганда айнан шу, қолаверса союз ички ҳаётини демократлаштириш комсомол фаолиятидаги қайта қуришнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Ҳақ гапни айтадиган бўлсак, бу масалалар илгарилари ҳам кўтарилган. Ушанда ҳам қатор программалар ишлаб чиқилган, ишни яхшилаш учун кўплаб кўрик, мусобақалар эълон қилинган. Бироқ яхши бошланган ташаббуслар, пировардида расмий тус олиб кетиб, кўпинча иш охирига етказилмай унинг ўрнини сафсатабозлик, дабдабабозлик эгаллаган. Бир гап билан айтадиган бўлсак, жамиятимизнинг турғунлик давридаги барча иллатлари комсомол фаолиятида ҳам зуҳур топди. Қолаверса, айни шу даврда ёшларнинг ишлаб чиқаришдаги меҳнатини ташкил этиш ва муҳофаза қилиш, унинг билим олиши, маъший ҳаёти, моддий

аҳволи, бўш вақти билан боғлиқ муайян муаммоларни ҳал қилиш ўрнига ҳайбарақаллачиликка, ишнинг ҳақиқий аҳволини бўяб-бежаб кўрсатишга зўр берилди. Бу жиҳатдан айниқса қишлоқларимиздаги комсомол ташкилотларига қийин бўлди, ҳаёти ва дам олиши масалалари мутлақо хотирадан фаромуш қилинди.

Республика комсомол фаолиятидаги бу салбий тенденцияларни қандай бартараф этиш мумкин? Ёшларни муайян социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга қандай сафарбар қилиш, комсомолларга ўз ташкилотларининг зарурлигини қандай ҳис қилдириш мумкин? Уларда союзларининг ёшлар манфаатини наинки кўзлайдиган, балки ҳимоя ҳам қила оладиган ташкилот эканлигига ишончни қай йўл билан мустаҳкамлаш мумкин?

Бизнинг олдимизда айни шу муаммолар кўндаланг турарди — шу жиҳатдан республика комсомоли фаолиятида ВЛКСМ XX ва ЎзЛКСМ XXIII съездлари туб ўзгаришларга йўл очиб берди. Мана шунга ҳам бир ярим йилдан зиёд вақт ўтибди. Бу давр ичида республика комсомол ташкилотиде муайян силжишлар юз берди. Ёшлар ўртасида муайян социал аҳамиятли вазифаларга йўналтирилган ташкилий ва тарбиявий ишлардаги расмиятчилик анча барҳам топди. Республика комсомол Марказий Комитети, область, шаҳар, бошланғич комсомол ташкилотлари диққат марказида республика комсомоли съезди белгилаб берган вазифалар ва уларни ҳал қилиш йўллари турибди. Бу вазифалардан бири жамиятнинг социал ва иқтисодий сиёсатида унинг ёшлар манфатини мумкин қадар тўлароқ ва ҳар тарафлама ҳисобга олиш нуқтаи-назаридан фаол таъсир қилишдир. Эндиликда жамиятимизнинг асосий йўналиши шу экан, бу борада қандай ишлар амалга ошмоқда?

Республика ҳукумати билан ҳамкорликда



ёшлар уй-жой комплекси қурилишини тобора ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилинди. Республикадаги 2000 йилгача бўлган уй-жой қурилиши белгиланган ҳажмдаги ёшлар турар-жой комплекси программасини ишлаб чиқиш юзасидан вазифалар аниқлаб олинди. 1990 йилга келиб бу комплекснинг давлат марказлашган капитал қурилиши ҳисобига амалга ошадиган уй-жой умумий ҳажмининг 7 фоизини ишга тушириш белгиланди.

Республика комсомоли Марказий Комитетининг III Пленуми қарорлари ёшларнинг илмий-техник ижодкорлиги (ЕИТИ) марказларини ривожлантиришга тўртки берди. Ҳозирги пайтда ЕИТИ нинг 16 та маркази билан ёшлар учун конкрет программаларни амалга ошириш юзасидан 7,5 миллион сўмга яқин миқдорда шартнома тузилган. Шуниси диққатга моликки, бундай марказлардан бири қишлоқда — Оқдарё район комсомол комитетида тузилган.

Ёшлар ҳозир амалий иқтисодни ўрганмоқдалар, хўжалик юртишнинг янгича йўл-йўриқларини эгаллашда фаол иштирок этмоқдалар. Утган йили 2240 комсомол-ёшлар пахтачилик бригадаси план топшириқларини бажаришди, уларнинг асосий қисми бригада, коллектив пудрат усулида меҳнат қилишмоқда. Бу коллективлар орасида Раҳмат Пиримов бошчилиги қилаётган Ульянов район Дзержинский номи совхоз ва Солиҳ Жўраев етакчи бўлган Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхозини комсомол-ёшлар бригадаси фаолияти диққатга сазовордир. Бу коллективлар сўнгги икки йил давомида меҳнатда юқори натижаларни қўлга киритишди. Мирзачўл район комсомол комитети комсомол-ёшлар коллективларини хўжалик юртишнинг прогрессив методларига ўтказишда катта ташкилотчилик ишларини амалга оширди. 34 та район комсомол-ёшлар коллективи ўтган йили сарф-ҳаражатларни назорат қилишнинг чек системасини жорий қилдилар. Райком қошида бригадирлар Совети тузилди. Ёш раҳбар кадрларни ўқитишга катта эътибор берилмоқда. Чорвачиликни анъанавий оталиққа олиш ишида Фарғона областида қизиқарли тажриба тўпланган. Ҳар ойнинг сўнги жума кунини Фарғона область комсомол комитети область агросаноат, маъший хизмат бошқармаси билан ҳамкорликда «Ёш чорвадор кунини» ўтказди. Сўнгги икки йилча вақт мо-



Мирзачўлни ўзлаштиришга биринчи бўлиб отилиб чиққан андижонлик комсомол ёшлар.

Мирзачўл станцияси, 1949 йил.

В. ЛЕЙН фотоси.

Ёш куч 1

байнида бу тадбирларда фермаларнинг 5 мингдан ортиқ аъзолари иштирок этишди, қишлоқларда 5 миллион сўмдан зиёд ҳажмда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилди. Фермадаги сермашаққат жараёнларнинг 62 фоизи комплекс механизациялаштирилди, 178 та қизил бурчак ташкил қилинди. Областнинг 60 та ёш чорвадорлари республика учмингинчилар клубининг аъзолари ҳисобланади.

Ёшларнинг бўш вақтини ташкил этишга эътибор анча кучайди. Сўнгги йилларда 250 га яқин ёшлар маркази ва кафелар ташкил этилди. Айниқса, Фарғонадаги ёшлар маданий маркази ташкилоти бўш вақтни уюштиришнинг қатор муаммоларини ҳал қилиб берди, унинг базасида ҳаваскорлик ташкилотлари, қизиқишлар бўйича клублар, комсомол-ёшлар кинотеатри ишлаб турибди. Марказ биносида кундуз пайтида ўсмирлар клублари кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ўз атрофига уюштиряпти.

Шуниси эътиборга сазоворки, ёшларнинг ўзи ўз турар жойларида бўш вақтларини қизиқарли ташкил этишда тобора кўпроқ ташаббус кўрсатмоқдалар.

Андижон Давлат педагогика институти комсомоллари «Бирлик» маҳалласини оталиққа олишган. Талабалар бу ерда концертлар, агитбригада чиқишлари, спорт мусобақаларини ташкил этмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, муайян амалий ишлар ҳар бир комсомол ташкилотининг фаолиятида бош мақсадга айланган. Албатта, ҳамма ишлар силлиқ кетяпти, деб бўлмайди. Комсомол фаолиятида ҳали кўпгина муаммолар мавжуд. Муҳими: комсомолларда шижоат ва ташаббускорлик, яратувчилик туйғуси уйғонмоқда. Бу жуда муҳим, зеро бу ташкилотимизнинг ҳаётийлигини таъминлайдиган омилдир.

ВЛКСМнинг 70 йиллиги арафасида кўпгина комсомол ташкилотлари «Комсомолец Узбекистана» газетаси эълон қилган — ёшларнинг жонли, қизиқарли ишлари кўригида қатнашиш истагини билдиришди.

Айнан шундай зарур ишлар, кўтаринки меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлик руҳида республика комсомол ва ёшлари ВЛКСМнинг 70 йиллиги юбилейини кутиб олмоқдалар!

70
ВЛКСМ

Шонли тарих саҳифалари



Катта Фарғона Канали қурилишида фаол иштирок этган комсомоллар М. Маҳмудов, А. Тошматов ва Д. Мўминовлар. (Улар кунлик нормани бир неча баравар ошириб ўрناق кўрсатганлар).

Фарғона области, 1939 йил.



30-йиллар комсомоллари.

1930 йил, Тошкент.

ПЕНСОН фотоси.



КПСС Марказий Комитетининг секретари Нуриддин Акрамович Муҳиддинов Узбекистон комсомолнинг XVI съездида нутқ сўзламоқда.

Архив суратларини нашрга УзССР Марказий Давлат архив бўлим мудири Раъно ФАРИЗИЕВА тайёрлаган





Эзгу тилакларга ёрсан, ёш дўстим! Орзу-инти-лишларинг, демак келажагинг бор. Ширин таш-вишларинг, сирли изтиробларинг билан бахтиёр-сан. Қолаверса, сенга ҳамма нарса ярашади, ҳатто виқор ҳам!

Сентябрнинг файзиед тонгида оқ нурларга чўмилиб ўқишга, ишга, бир сўз билан айтганда, кела-жагингни яратишга ошиқдинг. Уйин-кулги, вақ-тингни хуш ва мазмунли ўтказадиган машғулот-ларга ҳам улгурасан. Бу виқоринг... албатта яра-шади-да! Аслида, сенга бу ғуруру виқорни ота-бо-болар ҳада қилишган. Сен ҳам ажодларга мерос қолдиришинг керак: ўзингни шундай сақлаб, инти-лувчанлигинг, ҳур фикрлилигинг, адл ва одилли-гинг билан!..

Бобоназар ва Рўзихонлар ҳар йили меҳнат чора-ғини синов фаслига айлантириб олишган. Ўзлари студент бўлатуриб илмий ишлари, изланишлари-даги муваффақиятлари билан устозларини хур-санд қилишмоқда. Ҳамкурсларнинг фахри ҳисобла-нишади. Бобоназар Мингниёзов бу йил тўртинчи курсда, Рўзихон Рўзиева эса учинчи курсда ўқияпти. Тошкент тўқимачилик институтининг аълочи, жа-моатчи яратувчан студентлари билан баҳслашмоқчи бўламан:

— Талабадан талаблар — билим олиш, билим-ларини мустаҳкамлаш учун қайта-қайта мутолаа қи-лиш, келажагини олдиндан кўра олиш.

— Олган билимларини ҳаётга татбиқ қила би-лиш, — қўшимча қилишади улар.

— Лекин бу ҳамма олий ўқув юртларида мум-кин бўлмаган ҳақиқат-ку!

— Кунини тўғри тақсимлай билса, асосий вази-фаси нимада эканлигини ҳис қилиб яшаса, бу — ҳар бир талабага насиб этадиган бахт!

Балки, шундайдир? Балки талабанинг тўғри тушу-надиган, ёшлиқнинг кучи, қудрати, ғайрати, ҳара-катчанлигига чин дилдан ишонган устозларнинг оталарча йўл-йўриғи, тўғри йўналтиришларидан-дир бу?.. Улар умумий ва анорганик химия кафе-драсининг мудир профессор Латиф Юнусовнинг шоғирдлари. Кафедра қошида 29 нафар студент илмий иш олиб бормоқда. Мақсад битта: бир вақт-лар жаҳонда биринчи ўринда турган ипакчилик борасидаги ютуқларимизни қайтадан қўлга кири-тиш, шойи-атласларимизнинг пишиқ-пухталиги, ял-тироқлиги охори ва жилазини ошириш.

Бобоназар Мингниёзов бир неча йилдан бери Шаҳрисабздаги ипакчилик фабрикасида синов муддатини ўтаб келмоқда. Бу йил ҳам корхонада-гилар ёш мутахассиснинг келишини сабрсизлик билан кутишди. У факультет илмий ходими Ғофур Усмонов, ҳамkursи Адиба Салимовалар билан иш-лаб чиқариш практикасида бўлди. Бултур фабри-ка ишчилари ёшларнинг тажрибасидан 46 минг сўм фойда кўрган бўлсалар, бу йил ҳам натижа чакки бўлмади.

Кафедрада яратилган препарат ипакнинг ялти-роқлигини яхши сақлади. Эзгу ниётлар сари таш-ланган илк қадам бўлди. Аммо уни бир шаҳардан иккинчисига олиб бориш бироз мушкуллик тўғди-ради. Чунки суюқ моддани шисаларга солиб тар-қатиб юришдан кўра унинг қуруқ порошокини олиб бориш ҳам осон, ҳам беҳавотир. Ана шу порошок-ни қандай олиш мумкин? Суюқ модданинг фойда-ли хусусиятларини чекламаган ҳолда талқонини тайёрлаш фикри Бобоназарга тинчлик бермади. Изланди, интилди, натижа кутилганидан яхши бўл-ди. ПСРК препарати корхонадагиларга қўл келди!..

Бобоназар Херсон технология институтида, сту-дентларнинг илмий кенгашида қилган докладыда шундай деди:

— Биз яратган препаратга бугунги кунда Ҳин-дистон, Покистон, Япониядан ҳам патент олдик. Талабаларимизнинг изланишлари сўнгги икки-уч йил ичида 120 минг сўмдан зиёд фойда келтирди.

Шу кун Рўзихон Рўзиева ҳам доклад қилди. У она шаҳри Чоржўйда ўтган синов дамлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Корхонадагилар ёш Рўзи-хонга катта ишонч билдиришганидан фахрланган-ини айтди. Аммо бу фахр — корхонага келтирил-ган беҳисоб ютуқ бўлиб, қизгина тилга олиб ўтган факт ва рақамларда шундоққина билиниб турар-ди...

Бобоназар Мингниёзов ва Рўзихон Рўзиевалар ВЛКСМ XIX съезди шарафига ўтказилган студент-ларнинг Бутуниттифоқ илмий конкурси голиби бў-лишди. Бобоназар Мингниёзов яқинда Германия Демократик Республикасига сафар қилади. Рўзи-хон эса қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Умуман олганда Тўқимачилик институти талаба-лари студентликнинг олтин даврини қадрлашади. Олтинга тенг вақтларини фойдали ишларга сарф-лашни билишади. Улар Бутуниттифоқ Халқ хўжа-лиги ютуқлари кургазмасининг икки марта кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди. Бунда Бобоназар ва Рўзихон каби талабаларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Бобоназарга, факультет касаба союзининг раи-сига савол бераман ва биламан, тенгдошларининг

ди. Сиртқи актив моддалар ўз активлигини кўрсат-ди!

Яқинда жамиятимизни янада олға силжитишда катта аҳамият касб этган коммунистик партиямиз-нинг XIX конференцияси бўлиб ўтди. Сўнгги олти-миш йил мобайнида самимият билан ўтган бундай одил фикрловчи анжуман бўлмаганин таъкид-лашди. Конференция ҳужжатларини синчиклаб ўрганаётган, нотиқларнинг сўзларини теран ҳис қилиб тинглаган студентлар ҳаётида ҳам янги ўқув йилида бурилишлар бўлди. Эндиликда факультет-да умумий химия эмас, балки тўқимачилик химия-си ўқитиладиган бўлди. Бу — ҳаётга яқинлашиш, ростлик, самимият оламининг тантанаси, аслида. Эрта-индин ишлаб чиқаришга қанот қоқадиган ёш мутахассислар институтдаёқ ҳаёт билан, ишлаб чи-қариш билан яқин бўлишлари керак-да, ахир! Рўзи-хон ҳам Бобоназар каби курсдошларининг муста-кам билим олишлари, эртанги кунларини барка-молликда кўришлари учун қайғуради. «Ётоқхона — уйимиз экан, дейди у, ўз ётоқхонамизга талпиниб яшашимиз керак. Курсдошларим шаҳарнинг хуш-манзара жойларида кўнгил очишга кўникиб қо-лишди. Аммо ётоқхонада бир пиёла чой устида тенгдошлар билан гурунғ қилишга, орзу ва режа-ларингни ўртоқлашишга нима етсин? Бунинг учун албатта шароит керак. Факультетемизда 470 сту-дент бўлиб, шулардан 100 нафари ётоқхона билан

СТУДЕНТЛАР САҲИФАСИ


СИР ОРТИДАН САФАРГА

қувончи — унинг қувончи, ташвиши — унинг таш-виши...

— Факультетда лаборатория хоналари етиш-майди, — куйиниб сўз бошлайди Бобоназар. — Баъзан керакли приборлар билан керак вақтда таъ-минланмай қолаяпмиз... Шунда ҳафсаланг пир бў-лиши ҳеч гап эмас. Бу — албатта, енгил ҳаётга тез берилувчан тенгдошларимга хос хусусият. Қола-верса, қобилият эрта билинади, уни уқувга айлан-тириш учун чидам керак.

У хаёлга берилади. Эҳтимол, ёшлигидан техника-га, трактор, машиналарни тузатишга қизиққан, кел-ажакда «машина доктори» бўламан деб қилган урунишлари ҳақида ўйлаётгандир? Болалик орзу-лари, Тошкентга қанот қоқиб келганлари чипакка чиққанда ўшанда. Биринчи кунидек, Автомобиль транспорти йўллари институтининг кириш имтиҳон-ларидан йиқилди! «Тамом, деди, Шўрчиға, она қиш-лоғимга энди жимгина қайтиш керак. Ота-онам, авлод-ождошларим пахтакор ўтишган. Мен ҳам...» Лекин вокзалда қайсарлиги тутди. Дуч келган поезд-га билет олди. Қизиқ, «қайда экан менинг насибам» деб куйланганидек эртага қаерда бўлишингни баъ-зан олдиндан билмайсан. У қардош Тожикистон-да, Душанбе технология техникумига ҳужжатлари-ни топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб олди. Тушида ҳам кўрмагани — кимёгарларнинг оламига шўнғиб кетди. Курсдошларининг таъсири натижасида, сир-синаотли бу дунё ўзига банд қи-либ олди. Бора-бора забт этилган чўққилар орти-дан янги чўққилар қад ростлай бошлади. У техни-кумни қизил диплом билан битириб, яна Тошкент-га келди. Бу гал Тўқимачилик институтига ҳужжат-ларини топширди ва (гўё) оппа-осонгина студент бўлиб олди. Ҳозирги замонда чиндан ҳам били-минг бўлсагина, мақсадинга етишиш мумкин экан. Яна мумкин — талабадан, вазирим ўқишдан ибор-рат деб турмай излансанг, интилсанг, кашфлар ола-мига шўнғисанг... Рўзихон каби нафақат курсдош-ларининг, балки институтнинг фахрига айлани-шинг мумкин экан.

Туркман қизи Рўзихон ўзбек ҳамкурслари ора-сида бироз тил билмасликдан қийналди. Лекин қал-бан яқинлиги, илмга, келажакка, орзуга юрагида ҳар дақиқа соғинч ҳиссини туюб яшаши... У яратган кашфиёт натижасида пилладан ажратиб олинати-ган ипак сифати яхшиланди. Яхшиландигина эмас, фақатгина биринчи сортга қабул қилинадиган бўл-



таъминланган. Дам олиш хонасида на радио, на телевизор бор. Синган стол-стуллари эса айтмай қўя қолай!..»

Улар ана шу шароитларни яхшилаш ҳақида фикр-лай бошлашди. Мен эса яна сен билан суҳбатлаш-гим келди, замондош дўстим!

Биласан, бизда ҳамма буюк ва суюқ нарсаларга «Она» сўзини қўшиб айтиш бор: «Она Ватан», «Она тупроқ», «Она тил». Ана шу буюк ва суюқ туйғуни англаб етмаган айрим ёшларга нафрат ошаркан баъзида... Шу боис ҳам сенга синчков назар таш-лагим, сендан қайта қуришда қандай иштирок эта-япсан? — деб сўрагим келди.

Суҳбатдошларим — Халқлар дўстлиги орденли Тошкент Қишлоқ Хўжалиги институти студентла-ри. Улар билан Ғалаба районидagi Киров номли ўқув ишлаб чиқариш хўжалигида, шода-шода узум

тутган сўрилар салқинидамиз. Студентларнинг сабоғича, ток навдаси тўрт жараёни бошидан кечирар экан. Куртаклаш, барг чиқариш, гуллаш ва мева тугиш...

Бу даврларда соҳибкорнинг озмунча пешона тери, қалб кўри тўкиладими?

Йил ўн икки ой ишқомдан чиқмасангина, кўзлаган ниятинга етишинг мумкин, дейди Шавкат Абдуазизов уларга бириктириб қўйилган 14 гектар майдондаги узумлар парваришини кўз олдига келтириб. Лекин бу мева — жаннат меваси кимларгадир асал, кимларга эса заҳар бўлиб боришига чидаб бўлмайди.

— Ораларингизда ичувчи, чекувчилар борми? — студентларнинг сўзларидан келиб чиқиб мавзунини давом эттирмаган.

— Бу ерда бўлмаса-да, институтда бор. Хатто айрим қизлар ҳам чекади, ичади...

— Бу — иродасизликнинг оқибати.

— Йўқ, менимча зериканликдан бу!

— Ота-оналарининг давлатида талтайиб кетганлигидан!..

Йигит-қизлар билим олиш, келажаги учун қайғуриш палласида умрини бекор ўтказаятган тенгдошлари ҳақида сўзлай кетишди.

— Нега уларга таъсир ўтказмайсизлар? Катталардан кўра, сиз тенгдошлар бир-бирларингизни осон йўлга солиб қўйишларингиз мумкин-ку!

— «Ундай қилма, бундай қил», деган билан иш битмайди, — гапга қўшилди Дилфуза Мухамедова, — қачонки ўзлари «қўлга тушиб» уят-андишда ёнсалар, тўғри йўллари топиб оладилар...

Беихтиёр, қачон «қўлга тушаркин»лар деб ўйга толдим. Уша куни, «такси»да келаятганимда содир бўлган воқеа хаёлимда жонланиб, кўнглим хижил тортиди.

Олдинги ўринида бир йигит ўтирар эди. Жойлашиб олганимиздан сўнг ҳамроҳим секин шипшиди: «Наша ҳиди келяпти». Кўзим шофёрга тушди. У кичик ойнадан лабини тишлаб, «жим ўтиринглар» ишорасини қилди. Лекин «жим» кетиб бўлмасди. 18-20 ёшлар атрофидаги бегона йўловчининг қўлида чўғ йилтиллади. «Тўхтатинг», дедик шофёрга. Сўнг, «Етиб келдингиз, тушинг» дедик. Лекин... Етиб келган биз эканмиз. Йигитнинг улкан, узун қўллари биз томон ёзилди. Нафақат қўлида, кўзида ҳам ёмон ифода, ёвуз чўғ йилтиллари... Қандай отилиб машинадан чиққанимизни билмай қолдик.

Биз ана шундай, айрим ҳолларда «тушиб қолаётимиз». Натижада битта алаф бутун гулзорнинг ҳавосини ўзгартиргани каби, ёмон деб ўйлаганимиз — ўша замондошимиз ҳам кўзимизга кўпга ўхшаб кўринмоқда... «Сўнги вақтда, гиёҳвандлар, ичувчи, чекувчилар сони ортмоқда»... Шундай сўзни эшитганда кўз олдима уруш ветеранлари жонланади. Беихтиёр тетиклашиб кетаман.

Бу амакни ҳар куни трамвайда учратардим. Уларнинг номларини билмасдим, билганим, кўксиларида шикрлаган орден ва медаллар оламдан нечта «фердинант»ни йўқ қилганининг саногини айтарди, назаримда. Ёғоч оёқнинг ёғирлашидан эса «ҳаёт — бебаҳо, унинг қадрига етиш учун ҳушёр бўлинглар» деган нидони туярдим. Бир йил бўлди, уларни учратмай қўйдим. Ҳаётбахш сиймоси, бироз маҳзун, аммо мағрур қиёфаси йўқ... Шундай, борган сари «амаки»лар ўз қаторларидан хато бўлиб бораётдилар. Лекин, сенинг сафдошларинг орасида ҳам ана шундай ёғоч оёқлилар, шалвирган енглар учраб қолса... титраб кетасан киши. Тинч осмон остида яшаймиз. Осида ҳаёт кечиряпмиз, аслида. Аслида деразаларимиз бомбалар зарбидан эмас, қувноқ қаҳқаҳалардан титрамоқда. Лекин бир ҳақиқат ҳам ҳамон ҳамроҳимиз: Уруш ва кураш эски нарса эмас экан!


Уруш кўрганларга қарайман: кўзларида ўт бор уларнинг. Ҳайратланиб яшайдилар дунёда. Сенинг у тенгдошинг эса аллақачоноқ ўз ҳайрат, ғайратини йўқотиб қўйган. Эҳтимол инсоннинг бу ноёб туйғулари дискорларда, маза-бемаза «кўнгилоҳар» ўйинларда йўқолиб бораётгандир? Эҳтимол... Улар китоб ўқиса, ўқиганларини ўқиса, бирор фойдали иш билан машғул бўлишса, чинакам ЕШЛИКка, орзу ва қувончлари бир олам ҳаётга қайтармидилар?! Донишманд айтмоқчи, барча ёмонликлар беркорчиликдан келиб чиқади, ахир!

Сенинг имкониятларинг улкан. Шунинг учун ҳам, яна такрорлайман, сен дўстинг, ўртоғинг, таниш-нотаниш тенгдошларингга кўз-қулоқ бўлиб яшашинг керак. Улар — ёт маданият, енгил ҳаётга ружу қўйган, ҳайратланиш-эзуликка ғайратланиш ҳиссидан бенасиб бўлаётганларни ўзлигимизга қайтаришинг шарт. Ахир сенда улғу кунларни етилатирган оталар қони гупирмоқда. Сенга саодатли оқ тонглари уйғотган оналар жони бахшида бўлган.

Сир ортидан сафарга чиққанинг — билимлар даргоҳи, ёҳуд яратувчанлик дастгоҳи сари қўйган қадаминг қўтлуғ бўлсин!

Умида АБДУАЗИМОВА.

ЎҚИТУВЧИ — ИЖОДКОР ТАРБИЯЧИСИДИР...



(Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Сурхондарё область Сарийосиё

районидаги 21-мактабнинг ўқитувчиси Бобораҳим Мирзаев билан мулоқот)

Узини ҳурмат қиладиган, ўз касбининг масъулиятини яхши ҳис қиладиган ўқитувчига ҳамма замонда ҳам осон бўлмаган. Ғаддор замонларда таъқибга учраган ўқитувчи бошидан жудо бўлса ҳам, эътиқодидан воз кечмаган. Ҳақни зиё сари етаклашда зиёлилар сафида ўқитувчи ҳамisha олдинги қаторда бўлган. Турғунлик даврида ҳам виждонли ўқитувчиларимиз бугунги қайта қуриш машаққатларини ўз елкасига олган авлодни маънан бу ишга тайёрлашда катта хизмат қилдилар. Бугун ҳам «ўқитувчи қайта қуришнинг асосий ижодкоридир», — деб бежиз айтилмаяпти. Бугунги суҳбатдошимиз ёш ўқитувчилардан. У ҳали ўттизга тўлмаган бўлса ҳам республикамиз маорифчилари орасида хийла танилиб қолган. Тўғри, ҳали у республикамиз маорифи соҳасида кўп хизматлар қилиши керак. Унга берилган ҳукумат нишонлари — комсомолнинг олий мукофоти ҳам келгуси хизматлари рағбат эканлигини унинг ўзи яхши тушунади.

Бобораҳим кўп изланади. Аммо ҳаётда шундай ижодкорлар ҳам бўлади — улар маълум бир даврларда хийла танилиб олгач, айниқса бирон-бир унвон, мукофот соҳиби бўлиб олгач, тамом, қолган изланишлари шу билан тақа-тақ тўхтади. Бобораҳим эса устозининг «ҳар куни лоақал битта брошюра солиб олинг ва ҳеч бўлмаганда ундан битта янги математик тушунча ўргангунингизча ўқинг» деган қондасига амал қилиб келади. У шу кунга қадар 50 дан ортиқ методик мақола ёзган. Айни пайтда у ўқувчилар учун «Алгоритм» номли қўлланма яратиш ташвиши билан банд. Навбатдаги китобнинг номи эса «Фокал программалаштириш тили» деб номланади. Унга биринчи саволимиз қуйидагича бўлди.

Савол: Сиз ўз услубингизда илғор педагогларнинг тажрибаларидан қандай фойдаланасиз? Сизнингча, педагог қандай бўлмоғи даркор!

Педагоглар идеология ишининг жонқуярларидир. Партия сиёсатини энг аввало улар оқилонга тушуниб, тарғиб қилишлари керак. Мен мустақил фикри бўлмаган ўқитувчиларни маорифда ушлаб туришга қаршиман. Улар халқнинг эмас, оломоннинг шаклланишига хизмат қиладилар холос. Сафимизда ўз ишига ижодий ёндашмайдиган ўқитувчи бўлмаслиги керак. К. Маркс тўғри айтган: «Меҳнат қилиш — ижод қилиш демакдир».

Ўқувчилик пайтимда менга география ўқитувчимиз жуда маъқул эди.

У ҳаммага сизлаб мурожаат қиларди. Таълим-тарбияда икки ёқлама ҳурматнинг аҳамияти жуда катта. Шунингдек, менга рус тилини ўргатган ўқитувчиларим — Нозимова, Парифуллиналардан доимо миннатдорман. Зеро, улар ўргатган тил орқали академиклар Ершов ва Раҳматуллинлар, новатор педагоглардан Шаталов ва Амонашвили, Лисенкова ва

Палтишев, Краковский ва Ильинлар иш тажрибалари билан танишдим. Палтишевдан бўш ўзлаштирувчилар билан ишлашни, Амонашвилдан дарс жараёнида ўйинлар ташкил қилишни, Пузик ва Лисенковалардан аввал назария билан ишлаш, кейин уни амалда қўллашни ўргандим.

Макаренко, Крупская ўғитлари коллектив билан ишлашда ёрдам берди. Сухомлинскийнинг ғоялари олдида бош эгиб таъзим қилишга ҳамisha тайёрман.

Классикларнинг ҳаёти ва фаолияти руҳида тарбиялаш учун уларни чуқур ўрганиш керак. Мен ҳар бир математика ўқитувчисига Ф. Энгельснинг «Анти-Дюринг» асарини ўқиб чиқишни тавсия қиламан. Зероки, бу асар теоремаларга контр теорема топишни, мисоллар топишни ўргатади.

Савол: Информатиканинг фан сифатида ўқитилишига муносабатингиз!

Жавоб: Ҳар бир фаннинг ўз ўқитилиш объекти бор. Масалан, математика объекти Ф. Энгельс таъбири билан айтганда «Фазовий шакллар ва микдорий муносабатлар», физиканики «табиат ҳодисалари ва қонунлари» ва ҳ. Аммо информатиканинг объекти яхши тузилмаганлиги туфайли «Информатика объектсиз фан» бўлиб туюлади.

Маълумки, ихтиёрий масалани ЭХМ да ечиш учун дастлаб унинг математик моделини яратишимиз керак. Менимча, информатикани ўқитиш учун ажратилган X синф программасидан 12 соат «ЭХМ тузилиши»ни олиб ташлаб, бу соатларни программалаштириш тилини ўрганишга бериш керак ва информатикани мустақил фан эмас, балки математика таркибига киритиш керак. Бунинг учун IX—X синфлардаги математика курсини ўқитиш ҳафталик соатларини 4—5 эмас, 6 соатга етказиш керак.

Савол: Сиз меҳнат қиладиган коллективда қайта қуриш билан боғлиқ қандай янгиликлар юз берди!

Жавоб: Дарс — семинар, дарс — конференция, дарс — лекция ва дарс — ўйинларининг кириб келиши, таълим-тарбия ишини демократлаштириш мактабни қайта қуришдаги дастлабки қадамлар бўлди. Мен танлаган касбимни ҳозир қатор олий ўқув юртларда ўқиётган ўқувчиларим ҳам танлаганлиги билан фахрланаман.

Муносабатга келсак мен ЎзССР Халқ маорифи аълочиси, Республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ва ниҳоят «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланганман.

Шунинг ўзи мени жамият келажаги бўлган болалар таълим-тарбиясига бор иқтидоримни сарфлашга даъват этади.

Суҳбатни Ақром АҚМАЛОВ, Жаҳонгир БОЛТАЕВ олиб борди

Улуғ Ватан уруши йилномасида совет халқининг оммавий қаҳрамонлиги, совет солдатининг жасоратини ифода этган ёрқин саҳифалар кўп. Тошкентлик Виктор Малясовнинг жасорати ҳам Ватан уруши йилномасига ўчмас ҳарфлар билан битилган. Улуғ Октябрь тоғида дунёга келган Виктор Малясов агар ҳаёт бўлганида 69 йиллик баҳорини қаршилаган бўлур эди. У инженер-ирригатор бўлишни, чўл-биёбонларга оби ҳаёт тарқатиб, уларни яшил либосга буркашни, боғу бўстонларга айлантиришни орзу қилар эди. У шу мақсадда 1937 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтига кириб ўқий бошлади. Ниҳоятда интизомли, хушчақчақ, атрофдагиларга меҳрибон Викторни фақат курсдошларигина эмас, ўқитувчилар ҳам ҳурмат қилишарди. Шу боисдан ҳам уни дастлаб механика факультети, кейинчалик эса институт комсомол ташкилотига секретарлигига сайлашди. У жамоат ишларини ҳам сидқидилдан бажара бошлади. Лекин институтни тугатишнинг иложи бўлмади. Орада уруш бошланди. Кекса-ю ёш она-Ватан ҳимоясига отланди. Институтнинг охириги курсларида ўқиётган Виктор қўлда қурол билан душманга қарши курашишга қарор қилди. 1941 йилнинг ноябрь ойида

визиядан бошқа дивизияга батальон командири қилиб юборишди.


76-гвардия ўқчи дивизия командири уни илиқ қарши олди. 1943 йилнинг март ойида бу дивизия Волхов шаҳридан 30 километр шарқроқда мудофаада турарди.

— Бизнинг дивизиямиз Одесса мудофаасида, Қрим учун бўлган курашларда қатнашган. Волгадаги жангларда влоҳида мардлик ва жасорат кўрсатгани учун гвардиячи номи берилган. Сиз ҳам бизнинг гвардиячи коллективимизнинг муносиб аъзоси бўлишингизга ишонаман, — дея унинг кўкрагида порлаб турган орден ва медалларга ишора қилди генерал. Дивизия командири хона ўртасидаги столга энгашди.

— Мана бу бизнинг марраларимиз. Бўёғи гитлерчилар мудофаасининг олдинги марраси. Сизда умумий тушунча бўлиши учун айтиб қўяяпман. Сизнинг 234-гвардиячи Қора денгиз ўқчи полкининг 2-ўқчи батальонига командир қилиб тайинлайман. Мана шу сиз командирлик қиладиган батальоннинг ҳозир турган жойи.

Виктор харитага диққат билан кўз югуртириб бўлгач ҳаяжонланганидан ўзини тўтолмади.

— Жуда кўп иш қилинипти.



— Тезроқ, тезроқ! — дея бақирди Виктор. Унинг овозини ҳеч ким эшитмасди.

Солдатлар қирғоққа етиб олиш учун жон жаҳдлари билан ҳаракат қилишарди. Ниҳоят душман батареялари устига артиллериядан кучли ўт очилди.

— Яна бироз зўр берсак қирғоққа етамиз, — дея ўзини босишга ҳаракат қилди комбат. У қайиғи ёнида мина портлаганини сезмай қолди. Фақат бир неча метр баланд кўтарилган сувга кўзи тушди. Қандайдир куч уни кемадан даст кўтариб олиб бирдагина ўз қаърига торта бошлади. Комбат сув бетига қалқиб чиққанида қайиқнинг ном нишони ҳам йўқ эди. Лекин қирғоқ жуда яқин эди...

Малясов бир зум муздек ерга бағрини босиб ётди. Қаердандир қулоғига одамларнинг ғала-ғовури чалинди: «Бизникилар қирғоққа тушишяпти», — деб ўзига-ўзи пичирлади у...

Батальон ҳужумга ўтди.

Гвардиячилар уч кечаю уч кундуз тепаликни ўз қўлларидан сақлаб қолишди. Жангчилар гитлерчиларнинг барча ҳужумларини қайтардилар. Уч кеча кундуз мижжа қоқмаган гвардиячи капитан В. Малясов зўрға оёқда турарди. Ниҳоят полкнинг асосий кучлари Днепрнинг ўнг қирғоғига етиб келди. В. Малясов батальони қўлга киритган плацдармдан бутун дивизия душманга қарши ёппасига ҳужумга ташланди. Жанговар топшириқ муваффақиятли бажарилди. Ана шу операцияни амалга оширишда кўрсатган мардлиги ва матонати учун кўпгина жангчилар орден ва медаллар билан тақдирланди. Батальон командири В. Малясов эса СССР Олий Совети Президиумининг фармонида биноан Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди.

Днепр қирғоқларидаги шиддатли жанглар туга-

МАРДЛИК —

В. И. Ленин номидаги пиёда аскарлар билим юртига ўқишга кирди. У аъло ўқиш билан бирга бўлинка комсомол ташкилотига бошчилиқ қилди.

1942 йил. Май. Тошкентдаги В. И. Ленин номи Қизил Байроқли ҳарбий билим юртида ёш офицерлар мактабини битирганликлари муносабати билан тантанали йиғилиш бўлди. Биринчидан кўҳли, қиличдай йиғитлар офицерлик либосида билим юртининг жанговар байроғи остига тизилишди. Кенг майдон одамлар билан лиқ тўла. Музика садолари остида ёш офицерлар қасамёд қилишди. Улар ота-Ватанга, совет халқига садоқат билан хизмат қилиш тўғрисида қасамёд қилишди. Ана шулар орасида В. Малясов ҳам бор эди.

Йиғилиш тугаши билан у ўз дўстларидан бир неча кишини олиб, уйига йўл олди. Викторнинг онаси Надежда Викентьевна деразадан дамбадам қараб, ўғлини орзиқиб кутарди. Уртоқлари билан келаётган Викторга кўзи тушиши билан югургилаб кўчага чиқди:

— Табриклайман, ўғлим! Табриклайман болажонларим, — дея уларни бағрига босди ва уйига таклиф қилди. Бир зумда Қирғиз кўчасидаги мўъжазгина хонадон одамлар билан лиқ тўлди. Надежда Викентьевна ниҳоятда шод эди. У меҳр билан Витяга термулар, унинг мовий кўзларидан кўз узолмас, гапларидан адашиб кетарди. Меҳмонлар тарқалишди. Эртасига Надежда Викентьевна ўз жигарбандини фронтга жўнатди.

У ҳаракатдаги армияда хизмат қилиб юрган пайтида Тошкентдаги севишли онажонига, билим юртидаги устозларига тез-тез мактублар йўлларди.

Мана, унинг 1942 йил май ойида билим юртига йўллаган мактуби:

«Бу ерда, айниқса, жанг майдонида совет кишисининг душманга бўлган ғазаби айниқса, яққол намоён бўлмоқда ва бу малъунларга ҳеч қанақа шафқат йўқ. Шунинг учун менинг ҳам бутун ҳаётим ҳозир шунга қаратилган.»

1942 йилнинг ёз ойларида гвардиячи ўқчи дивизия Ржев шаҳрининг жанубий шарқроғида шиддатли жанглар олиб борарди. Виктор хизмат қилган батальон эса Кривци қишлоғига ҳужумга ташланди. Гитлерчилар қишлоқни қўлдан бермаслик учун жонжаҳди билан жангчиларимиз ҳужумини қайтаришга ҳаракат қиларди. Энг нозик пайтда ҳужум эндигина сусайганда В. Малясов жангчиларни ҳужумга кўтарди. Ана шу жангда Виктор ярадор бўлди. Жангчилар уни бир амаллаб четга олиб чиқишди ва улар ўзлари душман билан курашишни давом эттиришди.

Ноябрь ойида ҳам дивизия душман билан жангларни давом эттирди. Ана шу пайтда гвардиячи катта лейтенант иккинчи марта оғир жароҳатланди. Уни даволаниш учун Москвага юборишди. Бу ерда уч ярим ой ётишга тўғри келди. У соғайгандан сўнг тўғри кадрлар бўлимига учрашди.

— Уртоқ Малясов, Подольск шаҳридаги ҳарбий билим юртида ўқитувчилик қилсангиз, — деб маслаҳат беришди кадрлар бўлимадгилар.

— Йўқ, асло бунга рози бўлолмайман, — рад этди В. Малясов.

— Ахир сиз жанговар тажрибага эга офицерсиз. Фронт орқасидаги қисмлар ва ўқув юртларида ҳам кимдир ишлаши керак-ку! Бу ҳам жуда муҳим иш. Унинг устига оғир жароҳатдан сўнг фронтга бир оз шошилмасангиз ҳам бўлади.

— Йўқ, ўртоқ майор, мени фронтга юборишингизни илтимос қиламан.

Гвардиячи катта лейтенантни ўзи хизмат қилган ди-

— Ҳали яна кўп иш қилиш керак. Чунки душман биз турган плацдармга яна янги кучларни ташлаяпти. Душман Волга бўйларидаги қақшатқич зарбаларимизнинг ўчини олмоқчи. Улар Орел—Тула—Москва йўналишида ҳужум бошлаш ниятидан ҳамон воз кечгани йўқ. Бизнинг дивизиямиз эса ана шу йўналишда мудофаада турганлигини унутмаслигимиз керак. Бир кунни дивизия кўмондони генерал-майор А. В. Кирсанов Қора денгиз полки командирига ўзаро суҳбатда луқма ташлади:

— Айтмоқчи, янги комбатингиз қанақа?

— Ажойиб, довурак офицер, — деди подполковник А. Павловский. — Уқиган, интизомли, талабчан, одамларга меҳрибон. Уни қўл остидагилар ҳурмат қилишади.

Яқингинада душмандан тозаланган Чернигов кўчаларидан ўтиб бораётган генералнинг ёдига шу гап тушиб қолди.

Полк командирининг хабарларидан ҳам гвардиячи капитан В. Малясовнинг батальони биринчи бўлиб Десна дарёсини кечиб ўтганлиги ва икки кеча-кундуз давомида балчиқ кечиб ўрмонзорлар оралаб жанг қилгани ва 80 қақирим йўл босгани, кейин Снов дарёсини ўтиб Чернигов атрофида биринчи кириб боргани ҳақида маълумотлар маълум эди.

— У билан бугуноқ учрашимиз керак, — кўнглига тугиб кўйди генерал. Шу дақиқаларда унинг бутун фикри ёди Днепрни кўчиб ўтиш режасини тузиш би-

МАНГУЛИК

лан банд эди. Қудратли Днепрни фақат қатъий, иродали, довурак, зийрак командирларгина кечиб ўтиши мумкин. Виктор Малясов ана шундай фазилатларга эга эди.

Виктор билан учрашиб кўнгли таскин топган генерал у билан илиқ хайрлашди ва омад тилади.

Мана, мовий Днепр. Ярим кечада разведкачилар тушган қайиқ қирғоқдан узоқлашмоқда. Орадан бир оз вақт ўтгач тахминан улар дарёнинг ўрталарига етгач, Виктор ҳам қайиққа тушди. Штаб бошлиғи, радио алоқачи ва уч жангчи ҳам у билан бирга йўлга чиқишди. Бироздан сўнг В. Малясов фонарни ёқди ва баланд кўтариб силкиди. Бу кечувни бошлаш ишораси эди. Қайиқ ва солларга ўтирган жангчилар шитоб билан қирғоқдан сузиб кетишди.

Бирдан ракетаининг ёп-ёруғ нури зулмат тун бағрини қиличда тилиб юборгандай бўлди. В. Малясов шу аснода рўпарадаги қирғоқда қоп-қора баҳайбат нарса устида у ёқдан бу ёққа югуриб юрган разведкачиларга кўзи тушди. Енгинасида эса тўлқинларда бешиқдай тебранаётган қайиқ ва солларни яққол кўрди. Балки буларнинг ҳаммасини яшириниб турган душман яхшилаб кўриб олгандир, — дея хаёлидан ўтказди.

Ҳавода ўнлаб ракеталар ярқираб кетди. Қирғоқдан ажал ўқлари визиллаб уча бошлади. Пулемёт ва бошқа қурол турлари тилга кирди. Снаряд ва миналар портлай бошлади. Днепр бамисоли дошқозондек қайнар, отишма зарбидан жонсарак тўлқинлар осмонга салчиб бир оздан сўнг қолдан тойиб пасаарди. Улар жангчиларимиз тушган соллар ва қайиқларни худди писта пўчоқдек уйнатарди.

гандан сўнг, Калиновичи, Ковель шаҳарлари, Пять дарёсини кечиб ўтиш учун шиддатли жанглар давом этди. Қўшинларимиз душманни давлат чегараларимиздан суриб чиқардилар.

1943 йил октябрида Виктор ўз онасига қуйидагиларни ёзган эди:

«Бизнинг ҳужумларимиз совет кураолининг ҳақиқий намойиши бўлди...»

В. Малясов батальони Украина ва Белоруссия шаҳарлари ва қишлоқларини озод қилишда, Припять ва Ғарбий Буг дарёларини кечиб ўтиб, Польша қирғоғини гитлерчилардан тозалашда қатнашди. Берлингача 510 километр қолган эди. Душман Варшава остоналарида қақшатқич зарбага учрамоқда эди. Гвардиячи В. Малясов Варшавага етиб келди. 1944 йилнинг 18 октябрида унинг батальони Радзининг аҳоли пункти учун шиддатли жанглар олиб борди. Ана шу оғир жангда гвардиячи майор Виктор Малясов қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Унинг жасади фашист босқинчиларидан у озод қилган Брест шаҳрига қўйилди. Чернигов шаҳри марказий кўчаларидан бири халоскор жангчи номи билан аталади. Тошкентдаги у туғилиб ўсган Қирғиз кўчасига Виктор Малясов номи берилган. У ўқиган 43-мактабда Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган ўқувчилар хотирасига ёдгорлик барпо этилган. Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жангчилар номи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Ана шулар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Малясовнинг ҳам номи бор.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.



Сўнги чора...

Мен газета-журналларсиз кундалик ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Шулардан бири сенсан, «Еш куч!» Маслаҳатдошим, мен ёрдамингга, насиҳатингга муҳтож бўлиб қолдим-ку! Хурматли редакция аъзолари, сизлар вақтларингизни аямай, менга раҳмларингиз келсин, умид билан хат ёзяман. Ешим 15 да. Оиламизда 3 та фарзандимиз. Энг каттаси мен. Онам бир йилдан ошибдики, Самарқанддаги касалхонадалар. Онамнинг касаллиги, оиламизнинг кичиклигига аввало отам сабабчи. Отам ичкиликка берилган, қўлига пул тушиди дегунча дарров араққа чопадилар. Онам турмушга чиққунларича ҳамшира бўлиб ишлаган эканлар. Лекин тўйдан кейин ҳар кун ичиб олиб, қилдан қийиқ ахтариб онамни дўппослашни бошлаганлар. Онам бечора шу таёқлардан қутулиш мақсадида севган касбларидан юз ўгирганлар. Афсуски, бу отамга камлик қилган. «Урганган кўнгили ўрганса қўйма» деганларидек, отам онамни касал қилмагунча бу одатини ташламади. Кўз олдимда онам чеккан азоблар менинг қалбимда бир умрга муҳрланиб қолди. Онам биз бўйи етган қизларини яшириб, ўзлари отамнинг аччиқ қалтак, тепкилари, баҳайбат панжалари орасида қолардилар.

Менинг юракларим қон бўлиб кетган. Мен тобора кичрайиб бораётган онамнинг жасоратига қойил қоламан. Онамнинг калтаклар зарбидан туролмай қолган кунлари бўларди, лекин шўрлик барисига чидарди, биз учун чидардилар. Онамнинг аҳволини мену, бундай зулмат кунларни бошидан кечирган — оиласида пианистаси бор шўрликларгина тушунишса керак холос.

15 йил орасида оиламизда 9 фарзанд нобуд бўлди. Ахир укажонларимнинг қотили ким, улар ҳам қаро ерга кирмасдан яшашлари мумкин эди-ку!!! Мана; мен нима учун отамни айбладим.

Энди эса хурматли редакция, онам кўрган кунлар менинг бошимга тушган — эндиликда калтаклар менинг бошимда синмоқда. Отам менга пичоқ ўқталиб урган кунлари ҳам бўляпти. Бу ташвишлар мени жуда қийнаб юборди. Мен мактабдан келиб дарс қилишим керак, дарс қилмасам ўқитувчиларим уришади. Ахир мен уларга оиламдаги аҳвол ҳақида оғиз очолмайман-ку. Биринчи фарёдимни қон йиғлаб сизларга ёзмамман. Отамнинг сўкишлари-ю, калтаклари жонимдан тўйдириб юборди.

Отамнинг оғзидан боди кириб шоди чиқади. Отамни сизларга тасвирлаб бериш учун дунёдаги сўзлар камлик қилади. Соғлиғим ёмонлиги учун сал гап таъсир қилиб ўзимни билмай ҳушимдан кетиб қоламан. Кейинги пайтларда ўзимни ўлдиришни кўп хаёл қиладиган бўлиб қолдим. Эҳтимолки сизлар бу сатрларни ўқиб «иродасиз жансан», дерсизлар. Чунки, кимки чидамсизлик қилиб ўзини ўлдирса (бунақа ҳодисалар кейинги пайтда кўп бўляпти-ку) уни иродасизликда айблашади. Бу тўғри эмас. Бунақа гапларни тинч-тоғув ҳаёт кечираётган, тили узун маданиятли кишиларгина гапириши мумкин холос.

Мен ўзимнинг чеккан азобларимга, ярим жон бўлиб қолганимга ачинмайман. Мен фақат «иродасиз» деб ноҳақ айбланаётган марҳума онамнинг ачинаман. Истардимки, шу аҳволга мен тушдим, лекин синглим ва укам бу кунларни кўрмасин. Менга ўхшаб бошқа оилаларга ҳасад билан боқиб, улардаги тинч-тоғув кунларни орзу қилиб, армонда қолиб, қон йиғлаб юрмасин. Эй худо! Бу кунлардан қутулишнинг бошқа иложи борми?

... Мен дилимни сизларга тўлиқ очолмадим, ишончим комил, «бўрттирма» деб ишонмас эдингиз. Ушбу хатимга жавоб бериш-бермаслик, насиҳат бериб йўл-йўриқ кўрсатиш-кўрсатмаслик ўзингизга ҳавола. Лекин мен маслаҳатдошим, тушунадиган одамим бўлишини жуда-жуда истардим. Бу ҳақда отам ҳеч нима билмаслиги керак, агар билса...

Демоқчиманки, ёрдам берамиз деб мабодо отамни тартибга чақиритишга беҳуда уринманг.

Салом билан, мухлисингиз Ойгул.

РЕДАКЦИЯДАН: Илтимосига кўра биз хат муаллифининг исмини ва турар жойини ўзгартириб бердик. (Бу оила тақдир ҳақидаги мақоламизни эса журналимизнинг навбатдаги сонларидан бирида ўқийсиз) Агар Ойгулга хат йўллашни истасангиз, уни редакциямизга юборинг.

Арзимизни эшитадиган борми?

Биз бу йил Сурхондарё область Қўмқўрғон районидagi 16-ўрта мактабни тугалладик. Лекин биз ёшлар турмушда ўз ўрнимизни тополмаймиз. Бунинг сабаблари бор албатта. Мактабимизда заррача ҳақиқат йўқ эди. Уқувчилар билимларига яраша баҳоланмас эди. Илтиҳонларда баъзи ўқитувчилар ўқувчининг отаси кимлигига қараб — агар у ёғлироқ соҳада ишласа калласида ҳеч вақо бўлмаса ҳам «4» — «5» баҳо қўйиб келдилар. Биз жаҳлдан тишимизни гижиллатганча мактабни битирдик, лекин келгусида укаларимиз, сингилларимиз бошига ҳам шундай кунлар тушишига мутлақо қаршимиз. Қишлоғимизда юқори синф ўқувчилари фақат қиш фаслидагина уйда бўладилар. Қолган пайтлар далада. Мактабимиз ҳам узоқ — нариги қишлоқда. Дарсдан сўнг соат учлардагина уйга етиб келамиз. Апил-тапил кийиниб, овқат ҳам еёлмай далага кетамиз. Пахта терими пайтида мактабдан 2 ойга жавоб берилади. Шундай қийинчиликларга қарамасдан ўрганган билимимиз халқимиз фаровонлиги йўлида сарфланмасдан, наҳотки кетмон остида қолаверса... Инсон бўлиб дунёга келган эканмиз, биз ҳам деҳқончиликдан бошқа бирор касбда халқимизга хизмат қилишни орзу қиламиз. Арзимизни кимга айтилик, «Еш куч»? Сенинг ўзингдан нажот кутамиз.

Бир группа ўқувчилар.

Ноҳақлик!

Хурматли редакция! Мен сизларга Хоразм область, Гулстан району Гулистон совхозидagi хунартехника билим юртининг фаолияти ҳақида ёзмақчиман. Гулистон совхозидagi хунартехника билим юрти бор-ку, лекин фақат номигагина. Билим юртига ҳар йили ўқиш бошида, яъни сентябрь ойида Ушинский номи ўрта мактабни битираётган 8-синф болаларидан олинади. Олиш тартиби ҳам жуда қизиқарли. 8-синфни битираётган болаларга синф раҳбари болаларни алдаб, «Келинлар, ўқувчилар, ариза ёзишни ўрганамиз» деб хунартехника билим юртига ариза ёздирди. Кейин мана шу ариза ёзган болаларнинг тўполончиларини, мактабга кам қатнаганларини хоҳласа-хоҳламаса ҳам сентябрь ойида ҳеч кимдан сўроқсиз хужжатларини билим юртига ўтказиб юбораверади. Бироқ мана шу аризаларнинг ичида ҳеч бир ўқитувчининг ёки бригадирнинг, бухгалтернинг, парткомнинг болалари бўлмайди. Бу болалар фақат совхоз ишчиларининг, тракторчининг болалари. Сентябрь ойида бу шўрлик ўқувчилар мактабга боришса «сенинг хужжатинг училишда», деб ўқитишмайди. Мана шунинг натижасида бизнинг совхозимизда кўп болалар 8-синфни битиргандан кейин билим олишдан маҳрумдир. Билим юртига бормайман, ўқишга, яъни 9-синфга борман, деб мактабга борсам Ушинский номи мактаб директори ўртоқ Лян А. Л. мактабга қўймайди. Билим юртига борайлик десак у ерда ўқиш учун ҳеч қандай шароит йўқ. Лекин унинг ҳам директори, ўқитувчилари бор, маош олишади. Бироқ училишга бола қатнамайди. Агар комиссия келадиган бўлса, ўқитувчилар болаларни уйдан чақириб келишади. Болаларга, яъни билим юрти ҳисобидаги болаларга ҳар йили озиқ-овқат ва формани ўзларига бериб юборишади. Болалар фақат стипендия оладиган пайтда келишади. Стипендияни олади, бошқа ерда ишлайди ёки уйда юради.

Масалан: Матнйёзов Кенжа исмли бола 1986 йил совхознинг 4-бўлими 3-бригадасида ишчи бўлиб шולי эки ва билим юртидан стипендия ва озиқ-овқат олиб юрди. Бир кун ҳам дарса келмади.

Буни ёзишимдан мақсад ҳозирги пайтда, яъни ҳукуматимизнинг қайта қуриш даврида кўзбўямачилик қилиб, қилмаган, ишни қилдим, деб давлат маблағини талон-тарож қилаётганлигига ачинасан киши. Агар бу хатнинг тўғрилигини билмоқчи бўлсангиз билдирмасдан шу билим юртига бориш, имоним комилки болаларни топа олмайсиз ва гапимга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Салом билан, Едгор САПАРБОВ.

Оилага тайёргарликни яхшилайдик

Мен ўрта мактабда 20 йилдан бери ишлайман. «Еш куч» журналининг янги сони чиқишини сабрсизлик билан кутаман. Уйлайманки, бу журнал ҳаммага манзур. Журналда берилаётган ахлоқ, одоб, муҳаббат, бахт мавзудagi мақолаларингизни биз оила давраида ва ўқувчилар билан дарс жараёнида муҳокама қиламиз. Ўзим «Оила этикаси ва психологияси» фанидан дарс бераман. Бу фан янги бўлса-да, лекин ўқувчиларимиз уни жону диллари билан ўқийдилар. Биз бир неча маротаба намунали ота-оналардан, ажойиб ёшлардан учрашувларимизга таклиф қилдик. Ота-оналаримиз бу фаннинг ўқитилишидан беҳад хурсанд эканликларини айтишди. Биз дарс жараёнида ўқувчилар билан муомала, мулоқот, одоб, оила ва оила бюджетининг сарфланиши, ўзаро муносабат, ота-она ҳақида, келажак ҳақида суҳбатлашамиз. Дарс пайтида мен халқ мақолларидан, доноларнинг фикрларидан, ҳаётий тажрибаларидан фойдаланаман. Мен ҳамда ота-оналарнинг бир таклифларини ўрганиб чиқсангизлар; бу фанни 8-9-10-синфларда иложи бўлса ҳафтасига 2—3 соатдан ўтиш мақсада мувофиқдир. Шунда ёшларимиз ҳаётга яна ҳам тайёр бўлиб чиқармидилар...

Салом билан
Гулнора ЖУРАЕВА,
Фаргона область Ўзбекистон районидagi
46-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Бизга ким ёрдам беради?..

Мана бу йил 10-синфни тугаллаб, ҳамма орзуси томон эркин қушдай учиб кетади. Ҳамма қатори мен ҳам борсам дейман, билимим ўртача. Ўқишга боришга оилавий томондан уйдагилар қарши эмас, аммо Самарқанд, Тошкент ёки Каттақўрғон шаҳарларига бориб келишга пулим йўқ. Албатта, ўзларинг ўқигансизлар — талаба учун қанча маблағ кераклигини мендан қўра яхшироқ билсаларинг керак. Сизлардан бир нарсани илтимос қилмоқчиман. Менинг отам йўқ, у киши 1980 йилда вафот этганлар. Оиламизда ҳозир фақат 8 киши яшаймиз. Мендан катта 3 та опачаларим турмушга чиқиб кетишди. Менинг отам «юрак» касалидан дунёдан бевақт кўз юмди. Отам вафот этганда менинг юрагимда галати бир тўйғу қолди. У ҳам бўлса, отамни докторлар тузата олмаганлиги тўғрисида доктор бўлиш орзусидир.

Хурматли «Еш куч» журнали, бутун умидим сизлардан. Менга ўқишга киришга ёрдам беринлар. Онам фаррошлик қилиб 35 сўм маош олади. Акам эса гоҳида 40 сўм, гоҳида 60 сўм олиб келади. Мана шу 90 сўм билан кун кечирши мумкинми? Ҳатто бу 90 сўм бир ойдаги озиқ-овқатимизга етмайди. Онам бечора бўлса, эндигина 45 га кирибдилар-у, лекин худди 60 яшар кампирларга ўхшаб кўринадилар. Мен акамга ўқишга борман деб айта олмайман. Агар айтсам онамнинг ярасига туз сепаиб, янгилагандек бўламан. Онам жуда кам кулиб, кўп ўйлайди. Уйда ҳозир 4 та ўқувчи бор. Бизларга давлат томонидан моддий ёрдам бериладими?..

Хурматли редакция ходимлари, сизлардан илтимос, исмим ҳамда адресимни эълон қилманглар.

* * *

Салом хурматли редакция! Айтингчи, нега Ўзбекистонда ўзбек тилида «Медицина» — саломатлик ҳақида журнал йўқ?..

Ахир республикамиз Иттифоқда болалар ўлими бўйича пешқадам ўринларни эгаллаб турган бўлса... Қолаверса биз буюк Ибн Синонинг авлодларимиз-ку. Буюк Абу Али Ибн Сино бобомиз ҳурмати ҳаққи шундай бир журналнинг «дунёга» келишига ёрдам бериш сизларнинг бурчингиздир.

Тракторчи Зарифбой ЕҚУБОВ,
Беруний район, Беруний совхоз.

Санъатсиз ҳаёт — ваҳшийлик-ку...

Қишлоғимизда дам олиш учун умуман шароит йўқ. Бурунги пайтлар қишлоғимизга 2-3 марта кино келганини ота-буваларимиз элас-элас эслашади. Уша кинолар ҳам бировнинг молхонаси олдига кўрсатиларкан. Кейинчалик молхона бузилиб кетиб кино кўриш қишлоғимизда орзуга айланиб қолди.

Сизлар қайта қуришни шаҳарларда ўтказиб олиб хурсанд бўлиб юрманлар. Қўлларингиздан келса бизникидек хароб қишлоқларни обод қилинлар. Ҳозирча лоқал ёзи клуб қуришда ёрдам берсаларинг ҳам катта гап.

Жиззах область Форин район Иланчи қишлоғи
30-мактабнинг бир гуруҳ ёшлари номидан
Шахло ИСЛОМОВА.

Адолатсизлик!

Шу йилдан бошлаб мен ҳам «Еш куч» журнаliga обун бўлдим. Журнал тобора сермазмун, рубрикаларга бойиб бормоқда. Бу жуда яхши. Лекин республикамиздаги жуда кўп муаммолар матбуотда ҳамон ёритилмай келяпти.

Маълумки Шимолда ҳарорат—30° дан паст бўлса, дала шароитида ишлайдиганларга маоши устига қўшимча ҳақ ҳам берилади. Нима учун бизнинг республикамизда бу нарса йўқ?.. Ахир бизда ҳам деҳқон ота-боболаримиз, студент йигит-қизлар, аёллар, болалар ҳарорат + 45, 50 бўлса ҳам далада ишлашади-ку? Улар учун қўшимча ҳақ берилиши керакми ёки йўқми? Йўқ бўлса нима учун? Журналнинг келгуси сонларида шу ҳақда мақола босилса...

Бахтиёр ШЕРАЛИЕВ,
Сурхондарё область Қумқўрғон район Ю. Гагарин
номли совхоз,
15-хунар-техника билим юрти ўқитувчиси.

Ортиқча хунар-мандлар

Хурматли редакция! Билим юртимиздаги касблар, муаммолар ҳақида сизлар билан фикрлашмоқчиман. Езмас эдим, лекин бизда ҳам муаммолар борку, деб ўйлаб қолдим. Мени ўйлатган муаммо шуки, билим юрти ҳар йили кўплаб кадрлар чиқаради. Бироқ булар фақат практикада ишлашади, холос. Сўнг ишлашмайди. Чунки шунча ўқувчига иш қайда? Ўқувчиларни билим юртига қабул қилишдан олдин уларни қаерда ишлашишни ўйлаш керак эди. Масалан, «Ипакчилик» соҳасини битириб турган ўқувчиларни олайлик. Гурпада 30 та ўқувчи бор. Шундан 14 таси бир қишлоқдан, булар битиргандан кейин қаерда ишлашади. Ишлай деса улардан олдинги йил битирган ўқувчилар ишсизу... Баъзи ўқувчилар эса мутлақо бу соҳада ишлашни хоҳламайдилар. Биринчи врач, яна бири педагог бўлмоқчи. Ўзингиз ўйланг, булар давлатга нима фойда келтиради? Шу соҳа бўйича фақат практика даврида ишлаганини айтмаса, ҳеч нима...

Яна бир гап. Тракторчи-машинист гуруҳидаги ўқиётган ўқувчилар билан суҳбатлашдим. Уларга «Сизлар шу соҳа бўйича битиргандан кейин ишлайсизларми?» десам:

«Йўқ,— деди,— фақат 3-4 тамиз ишлаймиз».

Бу ўқувчиларга давлат қанча маблағ сарфлаган ахир. Бизнинг билим юртида ҳам бошқа касбада ишлаш орзусида юрганлар оз эмас. Мен ўзим эса хизматга кетгунча шу соҳам бўйича ишлайман. Редакцияга ёзган бу мактубим учун билим юрти раҳбарлари мени ҳали албатта, сўроқ қилишади. Лекин мен ҳақ гапларни ёздам.

Олимжон ТУХТАНАЗАРОВ,
Наманган область Поп райондаги
36-СПТУ ўқувчиси.

Ким ноҳақ?

Гоҳида «ошкоралик деган нарса одамларнинг оғзини бевош қилиб юборди», деган сўзлар қулоққа чалиниб қолади. Балки бу гапда қисман жон бордир, умуман олганда эса одамларнинг ичига сирмай кетган дарди ниҳоят тошиб чиқаётгандай...

— «Еш куч»да босилган «Қизимнинг қотили ким?» сарлавҳали мақолани ўқиб жуда таъсирландим,— деб ёзади Амударё районида яшовчи пенсионер Х. Отамуродов.— Лекин бир нарсага ҳайрон бўлдим: Рўзигулнинг ким билан кетгани аниқ, ўғлини олиб келган одам аниқ, унинг икки хил гапиргани ҳам жуда галати. Бошқа воқеаларда ҳам кўп нарса очик-ойдин билиниб турибди. Тўғри, қотилни аниқлаш анча чигал бўлса бордир, аммо бир йилдан ошқ ўтган вақт бу чигалликни ечиш учун етарли деб ўйлайман. Мен юрист эмасман, лекин менимча орган ходимлари суеткашлик қилаётгандек.

Бир Х. Отамуродовгина шу фикрда эмас. Хукук-тартибот органлари ишидаги бюрократлик, юзакчилик, бефарқлик сингари камчиликлар ҳақида марказий матбуотларда ҳам кўп гаплар айтиляпти. Демак турғунлик даври бу соҳада ҳам ўзининг «қоғоз ҳақиқат» шаклидаги изини қолдирган.

Чинакам ҳақиқатга ташналик билан ёзилган шикоятлар эса сон-саноксиз, ҳар бири битта дoston. Мана, улاردан бирининг қисқача маъмуни:

«Акам А. Остонов 1987 йил 24 декабрь куни ўз «Жигули»сини ҳайдаб бораётиб олдидан чиққан итни эмаслик учун машинани кескин буради, яна ўз йўлига чиқиб олишга интилади. Аммо қаршидан келаётган «Газ-66» машинаси шофёри тезлигини пасайтирмай «Жигули»нинг ўнг тарафига уради. Акамни касалхонага олиб кетишганда «Газ-66»нинг шофёри А. Черняков машинасини «Жигули»дан ажратиб олиш учун орқага бир-икки бор тисариб кўрган ва «Жигули»ни ҳам бирга судраб кетган. Гувоҳларнинг айтишича авария йўл ўртасида содир бўлган, орган ходимлари машиналар тўқнашувини судралгандан кейинги ҳолатда чиқишган. В. Пармонов акамни касалхонага ташлаб келиб кўрсати, машиналар ўрнида эмас. Шунда у Черняковга «Нега машиналарни жилдирдинг», деган. Терговчи Хуррам Чориев бунга эътибор ҳам бермай кўйверган.

Бунинг устига «Газ-66» аллақачон хизматини ўтаб бўлиб, ҳисобдан чиқарилиши керак экан. Авариядан кейинчи машинани тезда бўлакларга ташлашган, ГАИ ходимлари автомобилнинг техник ҳолатини шахсан чуқур текшириб кўрмай, автобаза механиги миниб кўриб «тормози яхши» деган гапига асосланиб қолишаверган.

Акам ўлди, болалари етим қолди, шофёр Черняков эса лоқал бир марта келиб ҳамдардлик билдирмади, орган ходимларининг ҳомийлиги билан бемалол юрибди. Ҳақиқат борми ўзи?

Бу саволга Ғузур райондаги тегишли ташкилот раҳбарлари тўғри жавоб топишга ҳаракат қилдилар деб ишониб қоламиз.

Кишилар, айниқса ёшлар ҳатто нисбатан кичик ноҳақликларга ҳам муросасиз. Пахтачи райондаги 28-ўрта мактаб ўқувчиси Жамила Умарова ўзи ва икки дугонасининг комсомоллик хужжатига ёзиш шарти билан берилган ҳайфсан тўғри эмаслигини исботлашга тиришган. Мактаб гандбол командаси аъзоси бўлган бу қизлар район мусобақасида иштирок этмаганликлари сабабли жазо олишган экан.

— Уша кун дугонани Ф. Ҳасанова акиси аварияда оғир жароҳатланиб касалхонага тушгани учун уни кўргани борган,— деб ёзади Ж. Умарова.— Б. Баратова эса ўзи бетоб бўлиб қолганди. Менга келсак, уйимизни ремонт қилаётган эдик, касал онамнинг уринаётганини кўриб, ташлаб кетолмадим, қўлдан ишини олдим. Онам ўша кун қизимни ҳеч бўлмаса якшанбада бўш қўйинлар деб физкультура ўқитувчимизга илтимос ҳам қилган эди.

Редакциямиз ходими номига Олтиариқ райондаги ҳамқишлоғидан келган мактубдан ҳам «кичик ҳақиқат»ни қарор топтиришга интилиш сезилади:

«Хурматли Анвар Обиджон! Қишлоғимиздаги «Ленинобод» совхозни директори Х. Юсупов спортга ишқибозлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. У киши совхозимиз футболчиларини доимо транспорт, яхши формалар, ҳатто керак бўлса мусобақалар чоғида оғир вақт билан таъминлаб тургани

учун район биринчилигида юқори ўринларни эгаллаб келишяпти. Ҳозирда замонавий стадион қуриш учун жой ажратилган. Тўғри, қурилиш сал қўзилиб кетди. Бунинг «Муштум» журналича ҳам танқид қилишди. Лекин суриштириб кўрсак, бунга совхоз директори унчалик айдор эмас экан. Аввало, стадион қурилиши бошқа районда ишлайдиган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатига нақаз қилиб берилган, қолаверса, лойиҳа-смета тайёрловчи ташкилот ишчи орқага судрамоқда. Бу билан айтмоқчиманки, танқид доимо ўз эгасига тегиши керак, акс ҳолда у фойда ўрнига зарар келтириши ҳам мумкин.

Салом билан: ШАВКАТЖОН».

Яқин ўтмишнинг энг бедаво касалликларидан ҳисобланган қўшиб ёзишлар қанчадан-қанча кишиларнинг тинч оиласига бесаранжомлик келтиргани, бу ҳол айниқса ўша оилалардаги болалар руҳига ёмон таъсир кўрсатгани киши қалбини тиндалайди.

Қоракўл районда яшовчи М. Ҳимматова отаси колхозга раис бўлган даврда фақат юқоридагиларнинг кўрсатмасини бажаришга мажбур бўлгани учунгина қўшиб ёзишда айбланиб, 10 йилга қамалганини сира ҳам қилолмаётганини тушуниш қийин эмас. Бу фарзанднинг отани шунчаки суйгани ва соғинганидан эмас, ўзича ноҳақ деб билган нарсаларга беихтиёр куюнганидан дир. Хатда жумладан шундай сўзлар бор: «Отам катталарнинг буйруғи билан қонунни бузган бўлсам, бундан ўзи бир тийин манфаатдор бўлмаган, уйимизга текширгани келишганда ҳам ҳеч нима топилмади. Чунки отам зеб-ҳашамниям, текингомукликниям ёмон кўрарди. Мана охири чўнтакка урганлар қаторида у ҳам жазоланди. Ун йилгача энди бизнинг ҳолимиз нима кечада? Оилада етти нафар фарзандимиз. Иккита катта акам армияда, қолганлар ҳали ёш. Энг кичкина укамиз ҳеч нарсага тушунмай «отам қани?» деяверса эзилиб кетамиз, онам касалланди бўлиб қолди. Дадам ҳам кейинги йилларда кўп касал бўлар эди, айниқса қишда тез-тез тоби қочар, шунга қарамай уни Иркутск тарафдаги қамоқхонага юборишди, Сибирга сургун қилишди».

Энди бу қизчани қандай овутириш мумкин? Ҳозир бизда «Сибирга сургун» деган гап йўқ, деб уни ишонтириб бўлармикан? Кейинги пайтларда яхшироқ кийим сотиб олиш у ёқда турсин, ҳатто дастурхонимиз ҳам ғариблашиб қолди, деб ёзган фарзанд суд қарорини, дадасига босилган «юлғич» деган «тамга»ни тан олармикан?

Берунийлик Т. Ешмуротова, Қашқадарёдаги У. Юсупов районда яшовчи Р. Шодиева, самарқандлик Г. Хожиматоваларнинг ҳам хатини ўқир экансиз, қўшиб ёзишга алоқадор ҳар бир кишининг ишини чуқур ўргана олдикими, уларнинг ҳар қайсиси қилмишига лойик жазоландими, бу соҳада ҳам маълум даражада ҳайбаракалчиликка берилиб кетмадикмикан, дея беихтиёр ўзингизга савол берасиз. Чамаси, прокуратура ва суд органлари жиноятчи устидан тўпланган хужжатларга асосланишдан ташқари, вақт топиб, унинг оилавий шароити билан шахсан танишиб чиқиши, иш ва яшаш жойидаги кишилар билан ҳеч қандай расмиятчиликсиз эркин гаплашиб кўриши лозим бўлган фураст етиб келганга ўхшайди. Ишни қайта қуришда фақат бу борада юқоридан келаётган кўрсатмаларга асосланиб қолмасдан, шахсий изланувчанликка, инсонпарварлик билан суғрилган ташаббусга ҳам таянмоқ даркор. Шунда М. Ҳимматовага ўхшаганларнинг дадаси жазоланган тақдирда ҳам, лоқал соғлиги яхши эмаслиги ҳисобга олиниб, совуқ ўлкага юборилмаган бўлармиди...

Редакцияга келаётган хатлар ҳад-ҳисобсиз, муаллифларнинг аксарияти ёшлар, мактаб ўқувчилари. Варчасининг хулосаси бир — ноҳақлик рўй берди, барчасининг умиди ҳам бир хил — ҳақиқат қарор топишга ёрдам беринг. Ҳар бир хатни ўқиб, беихтиёр ўша ёққа отлангинг, арзодлар замиридаги фактларни синчиклаб текширинг, агар ҳақиқатан ҳам ноҳақлик рўй берган бўлса, ҳақиқатни қарор топтириб, ўксик кўнгилларга нур сочиб қайтгинг келади. Лекин редакция ходимларининг имконияти бирмунча чегараланган, афсуски ҳамма жойга оёқлари етиши, ҳамма ишга улгуришлари қийин. Биз фақат бир нарсани айта оламиз: ҳақиқат эртами кечми барибир қарор топади, ноҳақликнинг умри қисқа, кимки одил ҳукуматимиз номидан ноҳўй иш қилса, ўзининг ҳам оғир жазо олиши муқаррар.

Хатлар бўлими.



НОН



1.

Катта зўриқишлардан кейин лоақал жиндай дам олиш учун Владимир Ильич баъзан ҳафтанинг охирида сайр қилиб келгани шаҳар ташқарисига йўл оларди. Бундай ҳолларда у одатда йўл-йўлакай бирон қишлоққа кириб, қишлоқ аҳлининг туриш-турмуши билан танишарди.

Якшанба кунларининг бирида эрталаб Владимир Ильич Горьки яқинидаги чоғроқ бир қишлоқда автомобилдан тушиб, деҳқонларнинг ҳовли-жойларига разм солиб, кўча-бўйлаб пиёда юрди. Ҳадемай унга бир гуруҳ деҳқонлар рўпара келди. Уларнинг қашшоқ деҳқонлар экани шундоққина кўриниб турарди: устиларидаги бўздан тўқилган кийим-бошлари титилиб кетган, оёқларида ямалавериб соғ жойи қолмаган чорик... Деҳқонлар яқинроқ келишганда, улардан бири, сочи оппоқ, соқоли тарвақайлаган деҳқон рўпарасидаги одамга синчиклаб қаради-да, бирдан хитоб қилди:

— Ие, Ленин-ку!

Бу одам қишлоқдаги қашшоқ деҳқонларнинг топшириғи билан илгари Кремлга, Лениннинг хузурига борган экан.

— Қишлоғимизга хуш келибсиз, Владимир Ильич!— деб саломлашди қария.

— Яхшимисизлар, ўртоқлар!— деб жавоб қилди Ленин.— Ишлар қалай?

— Мазаси йўқ, Владимир Ильич,— деб зорланди қария. Кейин қолган деҳқонларга мурожаат қилиб баланд овозда гапирди: — Менга қаранглар, биродарлар! Мана қаршингизда большевикларнинг каттаси Ленин турибди. Бор дардимизни унга айтايлик. У ёрдам бермаса, ким ёрдам беради бизга!

— Тўғри, ҳаммасини Ленинга айтиб берамиз.

Шундан кейин деҳқонлар бир-бирларига гап бармай, дардларини айта кетдилар.

— Уйда бир кафтгина уним қолган эди — ўшани ҳам тортиб олишди.

— Менинг ертўламдаги картошкани бир дона қолдирмай олиб кетишди...

— Омборимни шип-шийдам қилиб кетишди. Витта дон қолдиришмади. Баҳорда нима ни экамиз?

Тартибсиз овозлар қўшилиб, шовқунсуронга айланди. Деҳқонларга қаттиқ жабр қилишгани кўриниб турарди.

Ленин қўлини кўтарди:

— Шошманглар, ўртоқлар! Бунақада иш чиқмайди. Сизларнинг шов-шувларингиздан ҳеч нарсани тушуна олмаяпман. Битта одамни танланглар — бафуржа гапириб берсин. Қолганинглар — эшитиб туришлар. Бирор нарса қолиб кетса — тўлдирарсизлар. Хато гапирса — тўғирлайсизлар.

— Тўғри. Битта одам гапирсин.

Уларнинг қишлоқ советида ишлайдиган одамлар озик-овқат солиғи ҳақидаги янги қонунни рўкач қилиб, деҳқонларнинг бор ғалласини тортиб олишибди. Ҳатто уруғликка олиб қўйилган донни ҳам олишибди. Деҳқонларда на бир кафт ун, на бир дона картошка қолибди.

Бу гапни эшитиб Ленин деди:

— Бу ишни баргараф қилмоқ учун сизлар айтган гапнинг ҳаммасини қоғозга тушириш керак. Сизларга етказилган жабрни, ҳамма ғайри-қонуний ҳаракатларни бирмабир айтишлар. Ҳеч нарса эсдан чиқмасин.

Бир неча соатдан кейин Ильич сайрни тугатиб, қишлоқ орқали қайтиб ўтаётганида, деҳқонлар қоғозни тайёр қилиб, уни кутиб туришганди. Лекин тезгина ўқиб чиқиб, деди:

— Кўриниб турибди — бу ерда одамларда норозилик уйғотмоқчи бўлган душманлар ҳаракат қилишяпти. Раҳмат ўртоқлар, биз буни аниқлаймиз ва айбдорларни жазолаймиз!

Ленин ҳақ бўлиб чиқди. Қишлоқда чиндан ҳам Совет ҳокимиятининг душманлари уя қурган экан. Уларни фош қилиб судга беришди. Деҳқонларга эса ғалла қайтарилди.

2.

У вақтлар — ғалати вақтлар эди — Халқ Комиссарлари Советининг қабулхонаси эртадан кечгача жуда гавжум бўларди. Одамлар орасида мамлакатнинг ҳамма томонидан келган вакиллар бор эди. Уларни деҳқонлар ўз йиғинларида сайлашар ва, албатта, Ленинга шахсан учраб, пишиб ётилган муаммоларни, одамларнинг эҳтиёжларини гапириб, Лениннинг маслаҳатларини эшитиб, қулоққа қўйиб олишни тайинлашарди.

Бу одамлар бемалол гаплашишнинг иложи бўлмаса, Ленинни лоақал бирор кўриб қолиш учун соатлаб кутиб ўтиришарди.

Бир куни қабулхонага бўздан кийим кийган, оёғида чориги билан учта деҳқон кириб келди. Уларнинг каттаси — соқоли кўрагига тушган, сочи оқарган қария кўпни кўрган одам янглиг қотибнинг столи ёнига келди.

— Биз Владимир Ильичга ёрдами учун миннатдорчилик айтгани келдик, бутун қишлоқ номидан.

Котиб келган одамлар ҳақида хабар бериб бўлгач, Ленин уларни кабинетига таклиф қилди. Ҳар бирининг қўлини сиқди ва ўтиришга жой кўрсатди, аммо кекса деҳқон деди:

— Ҳурматингиз учун раҳмат, Владимир Ильич, аммо биз сизнинг қимматли вақтингизни беҳуда нарсалар билан банд қилмоқчи эмасмиз. Шунинг учун гапнинг лўндасини айтиб қўя қолай: қишлоғимизда ўтган куни мажлис бўлди — ҳаммамиз бир овоздан қарор қабул қилиб, бизнинг одамларимизни, буткул хонавайронликдан қутқариб қолганлигингиз учун сизга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлдик. Миннатдорчилигимизнинг белгиси сифатида мана шу нонни қабул қилгайсиз...

Шу сўзлар билан деҳқон бўз халтасидан каттагина буханка нон олди ва уни кафтида кўтариб, тантанавор тарзда Лениннинг қўлига узатди.

Владимир Ильич ҳам нонни тантанавор қабул қилиб олди ва ҳижолат билан жилмайиб, хитоб қилди:

— Уҳ-ҳў!— Нонмисан — нон бўпти-ку! Мен шунча нонни ея оламанми? Лидия Александровна! Марҳамат қилиб, бу нонни ошхонага олиб бориб, умумий столнинг устига қўйинг.

Котиба нонни олиб, чиқиб кетгач, Ленин деди:

— Қани, энди ўтиринглар-чи! Ҳалиги воқеа нима билан тугади — гапириб беринглар.

— Ҳаммаси яхши бўлди,— деб гап бошлади кекса деҳқон, ўтирар экан.— Ғалларимизни қайтариб олдик... Энг муҳими — уруғлик ғалла эди.

Кабинетга қайтиб келиб, котиба ҳайрон бўлиб қолди: Владимир Ильич ўз ўринидаги ўзини суянчиққа ташлаган ҳолда, одатда дам олиш дақиқаларида қиладигандек, кўлларини шимининг чўнтагига тиқиб олиб ўтирар ва деҳқонларга ниманидир жуда берилиб тушунтирар эди.

Котиба бир оз кутиб турди-да, Ленинга эслатди:

— Владимир Ильич... Бир неча минутдан кейин Халқ Комиссарлари Советининг мажлиси...

— Ҳа, ҳа,— Ленин чўнтак соатига қаради, шитоб билан ўрнидан турди-да, деҳқонларга қўлини узатди.

— Кечирасизлар, ўртоқлар. Вақт шафқатсизлик билан ўтиб борапти. Раҳмат. Кўришгунча хайр!



ОВ

I

Ленин спортнинг бир қанча турларини яхши кўрарди. Қишда конькида учарди ва чангида юрарди, ёзда кўп чўмиларди ва гимнастика қиларди. Вазонидил шахмат ўйнарди. Швеция билан Польшада муҳожирликда яшаганида тоғларга чиқиб турар ва велосипед минарди.

Лекин шундоқ бўса-да, спорт турлари ичида унинг энг яхши кўргани ов эди.

Елкасида милтиқ билан сайр қилишларни Володя биринчи марта ўн етти ёшида бошлаган эди. Ушанда студентларнинг ғалаёнларидан кейин у Қозондан қирқ чақирим нарига — Кокушкино қишлоғига сургун қилинган эди. Бу қишлоқда Ульяновлар оиласи деярли бир ярим йил яшаган. Бу чоқларда Володя елкасида милтиқ билан ўз ўйларига ғарқ бўлиб, теварак-атрофдаги далаларда кўп кезиб юрган. Тўғри, у уйига доим ўлжасиз қайтарди. У отиш машқини ҳам, ўлжанинг изини олишни ҳам яхши ўрганиб олган эди-ю, лекин барибир овда сира омади юришмасди.

Владимирнинг сургун муддати тамом бўлгач, Ульяновлар оиласи бир неча муддат мобайнида Қозонда яшади, кейин Самарага кўчиб ўтди, ёзда эса шаҳардан эллик чақирим наридаги Алкаевка қишлоғида туришди. Акасининг қишлоқдаги ҳаёти ҳақида Дмитрий Ильич Ульянов хотираларида ҳикоя қилади.

«Алкаевкада биз чоғроққина ёғоч уйда яшаган эдик. Унинг олдида жуда қалин, лекин қаровсиз қолган боғ бор эди. Боғ билан кенг далани чуқур жарлик ажратиб турарди. Боғнинг шимоли-ғарбида «Володянинг бурчаги» бор бўлиб, у оёқлари ерга кўмиб қўйилган ёғоч столча билан скамейкадан иборат эди. Бу бурчак жуда салқин жойда эди. Унга деярли қуёш нури тушмасди. Столча ёнидан 10—15 қадам нарида Володя кўп ўтмай юравериб сўқмоқ йўл ҳосил қилди. Бу ерда у ўқиган нарсаларини ўйлаб юрарди. Одатда у бу ерга эрталаб соат 9 лар атрофида китоб-дафтарини кўтариб келарди-ю, соат 2 гача танаффуссиз ишларди. Беш йил мобайнида — 1889 йилдан то 1893 йилгача бу жой Ильичнинг ҳақиқий иш кабинети бўлган эди».

Гарчи Владимир Ильич жуда мунтазам ишлаган бўлса ҳамки, ҳар ҳолда баъзан эрталаблар у укаси Дмитрий билан бирга оёқларнинг чигалини ёзиш учун олисдаги ўр-

монга йўл олишарди. Дмитрий ҳам овни жуда яхши кўрарди.

Обдан юриб чарчамайдиган овни Ленин тан олмас эди. Бу биринчи марта ёзда овга чиққанидаёқ маълум бўлди.

Боғнинг орқа томонида катта-катта ҳовузлар бор эди — ака-ука бу ҳовузларда ҳар куни сузишни машқ қилишарди. Дмитрий эса тез-тез балиқ ушлаб турарди.

Бир куни эрталаб август ойининг охириларида Дмитрий ҳовуз бўйидан эрта қайтди. Бу пайтда Володя ўзи ясаган турникда машқ қилмоқда эди. Унинг ёнидан югуриб ўтар экан, Дмитрий хитоб қилди.

— Машқингни кўй. Югуриб бориб милтигингни олиб кел. Ҳовузга ўрдак тўлиб кетибди.

— Ўзинг боравер. Сайри йўқ ов ҳушимга ёқмайди.

Аммо Владимир Ильич Сибирда, Шушенское қишлоғида сургунда юрган кезларидагина чинакам овчига айланди.

Надежда Константиновна Крупская шу йиллар ҳақидаги хотираларида кўйидагиларни ҳам ёзади:

«Владимир Ильич эҳтиросли овчи эди. У шайтон теридан шим ҳам тиктириб олди. Шундан кейин унинг бормаган ботқоғи қолмади».

Худди шунга ўхшаган таърифни Ленинга унинг сафдоши, революционер Лепешинский ҳам берган:

Спортнинг ҳамма турлари ичида у овни жуда яхши кўрарди. Отиб олинган ўлжалар маъносида унинг овининг натижалари одатда унча зўр бўлмасди. Аммо бу ҳолдан Владимир Ильич сира хижолат бўлмас эди: овда одам табиат билан уйғунлашиб кетади. Сибирнинг қўл тегмаган табиати чиндан ҳам гўзал. Енисейнинг қояли қирғоқларида юз йиллик қарағайлар ва қоялар қудратли девордай мағрур тизилган. Ўрмонлар ортида олис-олисларда Саян тоғлари ғира-шира оқаришиб кўринади.

Шушенскоеда Ленин билан овга кўпинча Сосипатич деган камбағал деҳқон бирга борарди. У жуда абжир овчи, жуда яхши из қувар эди.

Баъзан Ленин овга истиқомат қилган унинг эгаси Зирянов билан бирга борар эди. Ўз хотираларида Зирянов бу тўғрида шундай эслайди.

«Биз у билан бирга тез-тез овга бориб турардик. Бир куни овда беш кун қолиб кетдик. Ертўлада ётдик, ботқоқма-ботқоқ юрдик. Владимир Ильич ов қилишни жуда яхши кўрарди. Баъзан ўзининг кўпни кўрган милтигини кўтариб олиб, кун бўйи ботқоқларнинг теварағида айланиб юрарди. Ленин кўп ўлжа отиб бўлмаса-да, ўша юришларнинг ўздан жуда ҳузур қиларди.»

2.

Революциядан кейинги йилларда овга Ленин билан бирга кўпинча Ян Рудзутак, Николай Криленко ва, албатта, Ильичнинг шофери Степан Гиль бирга чиқарди. Унинг хотираларида Владимир Ильич ҳаётининг сўнгги даврларидан унинг овчилик саргузаштларига доир бир неча воқеа сақланиб қолган. Бу чоқларда Ленин зиммасидаги ишнинг ҳаддан ташқари кўплигидан тез-тез толиққанини ҳис қилар ва овда ҳордиқ чиқаришга ҳаракат қиларди.

Бир куни ов чоғида у Николай Криленко билан бирга Смоленск губернасининг ўрмонлари ва ботқоқларида оқ какликлар билан каркуллар кетидан изгиб юришганда Владимир Ильич рўйи-рост шундай деган экан:

— Энг яхшиси шуки, Николай Васильевич, мана, икки кундан бери бирон марта ҳам телефон жирингламади, биронта мактуб кўпара келмади, биронта масала кўндаланг бўлгани йўқ.

Рус тилидан
Озод ШАРАФУДИНОВ таржимаси.

МУНГЛИМ КЎЗЛАР

(саргузашт романдан парча)

Акам, кейинчалик ўт ўчирувчиларнинг аниқлашича, уйни бензин сепиб ёққан экан. Миямга шу фикр ўтириб қолди. Икки конистрда тўлдириб бензин келтириб, омбухонага киритиб, устини эски тўн билан ўраб қўйдим. Сизга воқеа қандай юз берган бўлса, шундайлигича сўзлаяйман. Кейинчалик мен бу гапларни милицияда ҳам айтдим. Ҳаракатларимни ихтиёримдан ташқари аллақандай ёвуз, бешафқат бир куч бошқарганини, шу куч онгим ва шууримни ўз қўлига олиб, бошла, тез бўл дея буюриб турганини, энди сиздан ҳам яширмайман. Қизиқ, ўша дақиқаларда мен худди хайрли ишга қўл ураётгандек ўзимдан ўзим мамнун эдим.

Бадаловлар хонадонига кўп борганман. Уйлари бурчакда, икки томони кўча. Дарвоза очиладиган тараф серкатнов. Нариги тарафининг боши берк — қатнов йўқ ҳисоби. Шу томондан деворга тегиб ўрган олича дарахтлари ёрдамида ҳовлига тушса бўларкан. Деворга чиқилиши билан шундоққина пастроқда тандирхона турибди, у ёғи ҳовлига одам бўйи холос... Мен буларни кечаси, эл ухлаганда ўргандим. Илгари бунақа ишларни ҳеч қилмагандим, юрагим хаприкчиб, нафасимнинг қисилиши эҳтимол шу боисдандир. Қизиқ, юрагим хаприкчию, бутун борлигим билан илгари туймаганим галати ҳузурни ҳис қилаётгандекман. Ҳозир, сизга ҳикоя қилаётганим шу дақиқаларда, бу воқеаларни энди, шунча алғов-далғовлар бўлиб ўтгандан кейин, айниқса, Атоулло Исаевнинг сингариларнинг жиноятини жиноят билан тугатиб бўлмайди дея бунга мени ишонтирилганларидан сўнг, сал бошқачароқ таърифлашим мумкин эди. Ўша пайтда бутун руҳимда ўч, молу дунёга бўлган ҳирс — эҳтирос камраб олган, бу туйғу хавфсираш деб аталадиган бошқа бир туйғудан хийла устун эди. Шу устуниқдан ҳаракатларим дадил, оёғим чаққон, ишончим комил эди.

Тунги соат учларда бензин тўла конистрни олиб кўчага чиқдим. Осмон тўла қора булутлар. Эшиклар тепасида онда-сонда милтиллаб ёниб турган лампочкалар ўз ичини аранг ёритяпти. Атроф қоронғу. На бир шарпа, на бир тик этган овоз бор. Бутун борлик бамисоли менинг қалтис ҳаракатимни кузатиб, нафасини ичига ютиб тургандек. Ниятимни қандай амалга оширишимга қараб менга баҳо берадигану, тасанно айтадигандек. Ана шундай сирли сукунатлар ичида жиноят билан жиноятни тўхтатиши мумкин бўлган оми ўзаро келишиб, иккови ҳам томошабинга айланиб нафасини ичига ютиб жим қоларкан. Тўғри, кейинчалик қонун енг шимариб ишга тушаркану, терговчи, судья номидан гапириб ҳаракатингизни баҳолай бошларкан. Лекин, барибир қалбингизнинг туб-тубида нима борлигини, ўша дақиқаларда сизга нималар далда бериб, нималар туртки бўлганини, барибир, таърифлаб бера олмас экан.

Такрор айтаман, мен бу гапларни сиздан кўра кўпроқ ўзим учун такрорлаётганга ўхшайман. Ўзимни ўзим суд қилиб, ўша дақиқаларда қалбимнинг қайси бурчаги ёруғу, қайси бурчаги қоронғу, қоронғилик нимадан иборат эдию, ёруғлик ниманинг акси эди, у руҳимдаги жасорат, томирларимдаги қоннинг қайнаб туриши охири оқибатда ниманинг бошланишию, ниманинг рўёбга чиқиши эди, ана шуну билиб олмоқчиман шекилли. Назаримда ўша дақиқаларда мен мутлақо англамаган, қилмаган ҳолда руҳимдаги қўрқув билан жасорат юзма-юз келиб, қўрқувнинг орқасига ваҳимаю, жасоратнинг ортига далда беркиниб олиб бошла — тўхтат, бошла — тўхтат, деб шивирлаётгандек эди. Қизиқ, бу чиндан ҳам руҳимдан оқиб келаётган овозимди ёки юрагимнинг гурсиллаб уришимиди — англаб ета олмас эдим. Онгим, шуурим ихтиёримда эмас, елкамга девми, алвастими миниб олгандек эди... Тўғри, кейинчалик мени қайта-қайта суд қилишди. Лекин, такрор айтаман, ўша дақиқалардаги ҳолатимга барибир тўғри таъриф айтолмадилар.

(Охири. Боши ўтган сонларда.)

...Тандирнинг устига ўтач, нафасимни ичимга ютиб шоҳона ҳовлига назар ташладим. Ҳа, ҳа, чиндан ҳам шоҳона! Дадамга ўхшаган, онамга ўхшаган ўилаб кишилар бировларнинг ҳақидан уриб, еяётганини оғзидан тортиб олиб, милицияга чап бериб, назоратдан қочиб, қасам устига қасамлар ичиб тийинлаб йиққан ҳаром пуллар эвазига тикланган шоҳона иморат. Энди у куйиб кул бўлади. Тандирнинг устида бойўғлидек чўнкайиб ўтирганимда ана шундай фикрлар миямдан чарх уриб ўтаётганини ҳис қилдим. Пастга тушгач, кўзларимни йириб-йиртиб очиб, бензин сепишни қарердан бошласам экан, дея қоронғилик ютиб юборган ҳовлидан қулай жой ахтарар эканман шу дақиқадан, э товба, миямдан яна қарама-қарши фикрлар талашиб-тортишиб ўта бошлади. Назаримда иккига бўлиниб кетгандек бўлдим.

— Чакки қиялсан,— дейди биринчи қисмим.
— Тезроқ бошла,— деяпти иккинчи қисмим.
— Жиноят қиялсан!
— Жиноят эмас, ўч олялсан!..

Ўғри мушукдек шарпасиз қадам босаялман. Ўн саккиз метрлик катта айвонга бензин сепиб яна тандирхона ёнига қайтдим. Жимлик, оромли уйқуға кетишган ҳаммаси. Эҳтимол, Бадалов уйғоқдир, кўзини шифтага қадаб, кун бўйи олган пуллари овоз чиқармасдан, фикран ҳисоблаб ётгандир... Чиқиб келиб, шу ҳолимда ушлаб олишганда ҳам яхши бўларди. Ушлаб олиб судга беришарди. Суд давомиди мен унинг ўзини фош қилиб ташлаган бўлардим. «Волга» мизни қайтариб олардим...

— Ўт қўйма, фикрингдан қайт,— деяпти биринчи қисмим.

— Тезроқ бошла, ўч олялсан,— деяпти иккинчи қисмим.

Баданимдан ёпишқоқ, бадбўй тер чиқиб кетганини ҳис қилдим. Қўлларим қалтирай бошлади. Қўлтигимдаги газетани олиб коптокдек юма-лоқ қилиб ўрай бошладим. Тандирхона устига чиқдим. Ендириб узоқдан отаман, бўлмаса ўзим ҳам ёниб кетишим мумкин. Кундузи ўйлаб қўйганман бу усулни. Ёниб турган қоғоз коптокни қулочкашлаб отдим... Айвондаги аланга мен отгандан кейин кўтарилдим, ёки гугурт чақаётганимда кўтарилганимди — англолмай қолдим. Кўчадаги ариққа ўзим отилдимми ёки бензин юки конестр портлаганда ўшанинг тўлқини кўтариб ўрдими, буну ҳам пайқамай қолдим. Магазин томонга бораялман. Нега қочаялман, буну ҳам билмайман. Мактабимизга етганда тўхтаб, орқамга ўгирилдим — даҳшат! Ўша томон кундуздек ёришиб кетибди. Маҳаллани бошига кўтариб, ваҳимали сигналлар чалиб бир-бирини қувлашиб ўт ўчирувчи машиналар ўта бошлади. Қайтдим, қўрқадиган жойим йўқ-ку, ахир! Ушлашса, қайтага яна яхши — ниятим ҳам шу эди. Йўқ, ҳали Муҳамедов турибди. У билан ҳам бир гаплашиб қўяман. Олов тили билан, ловуллаб ёниб турган қизил аланга тили билан гаплашаман.

Одам демагани кўчага сизмай кетибди. Олов шундай баландки тафти икки юз метр ерга уряпти. Ёруғи ҳам кучли, игнада чок тикса бўладиган. Кўча тарафдаги деразаларни бузиб хонадон эгаларини тортиб олишяпти. Охири Қўмондон хола чиқди. Халатининг орқа томони ёнаётган ҳолда тортиб олиб, яланғочлаб аллақачон етиб келган «тез ёрдам» машинасига тикишди. Ичкарида олов гоҳ пасайиб, гоҳ кўтарилиб яна атрофни чароғон қилиб юборяпти. Томошабин кўпми, ўт ўчирувчи машина кўпми билиб бўлмайди. Ушлаб брезент шлангалар илондек билтанглаб гоҳ ўннга, гоҳ чапга тортиляпти. Олов пасайиб ҳаммаёқни нам, аччиқ тутун қоплаб кела бошлади.

Мен ўт қўйганимни одамлар пайқадимикан, шуну билмоқчиман. Гоҳ у тўдага, гоҳ бу тўдага ўтиб қулоқ соламан.

— Вой товба, бу маҳаллага нима бало бўлди ўзи!

— Шуну айтаманда, яқинда биттасиники ёниб кул бўлувди.

— Сиз ҳам ухлаб қолган экансизми?

— Кичкинамни тўсгани турувдим.
— Бадаловлар ўзи босар-тусарини билмай қолувди.

— Қарғишга қолди, десангизчи.

— Тўғри айтасиз, худоё уйинг куйгур деганлар каммиди.

— Айтишларича шаҳарда чайқовчиликни ўзи атайлаб авж олдираркан.

— Йўғ-е!

— Тушган фойда арра бўлади, шуну ҳам билмайсизми?

— Олган поралари камлик қилармикан?

— Пера ҳам оларди денг?

— Вой товба, худди бошқа шаҳардан келганга ўхшайсиз.

— Ёсизгина иморат-а!

— Ачинаяпсизми?

— Бўлмасачи.

— Ачинманг, ўзлари соғ қолди-ку... Юздан бир бойлиги ҳам кетгани йўқ. Қоп-қоп пуллари, жарақ-жарақ тиллолари бор дейишади.

— Сиз гумбуралаган овозни эшитдингизми?

— Гумбураладими?!

— Вой сиз-ей.

— Уйқум қургур қаттиқ-да.

— Газхонаси портлади шекилли.

— Тиллолари бўлса эриб кетди десангизчи.

— Тиллосини бу ерда сақламайди у.

— Ҳаромдан топган — оловда кетаркан-да.

— Кўп нараси ёнмабди шекилли?

— Ўзлари ўт қўйган бўлишлари ҳам мумкин.

— Қўйсангизчи.

— Комиссия устига комиссия босаётувди.

— Буларнинг қўлидан ҳар бало келади.

— Ҳой, кўшнилари, қўйсаларинг-чи шунақа гапларни. Нима бўлганда ҳам шулар худонинг бандаси.

— Тўғри айтасиз, овсин. Бойишса бойлигини Афғонистонга олиб ўтиб кетармиди. Ўзимизга тўй қилиб беришади-да.

— Мен борақолай, оёғимдан зах ўтиб кетди.

— Ҳой, болагинам, сен нега турибсан бу ерда?

— Ўзингизчи, ойижон?

Тўдадан-тўдага тез-тез ўтиб турибман. Ўт ўчирувчиларнинг ландовурлигини писанда қилувчи сўзларни ҳисобга олганда ҳаммасида бир хил гап. Нафрат билан қувонч, ачиниш билан қаноат аралашиб турибди. Менга буларнинг қизиги йўқ. Жиноятчини сезишдимми, йўқми — шуну билмоқчиман. Сезишмаганга ўхшайди.

— Вой Зафаржон, сен ҳам шу ердасан? — дея билгимдан ушлади Лутфи холам, — айтди-ма, кўча эшик очик деб. Мендан олдин югуриб чиққан экансан-да. Совуқ қотиб кетибсан, юрақол тойлогим. Бунақа нарсаларни кўрмаганинг маъқул. Зўрга оёққа турғазиб олдим сени... Атоулло муаллим жиндек доводирроқ бўлса ҳам ҳамиша тўғри гапни айтади. Бу дунёда ёмонлик жазосиз, яхшилик муқофотсиз қолмас экан, қарғишга учради булар. Юрақол арслоним.

Янаги ҳафтанинг худди шу кунда, чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси Муҳаммедовнинг уйига ҳам ўт қўйдим.

VII боб

Ўт қўйдиму, Мутал ошпазнинг ҳовлиси орқали кўчага чиқиб, қўлимдаги конестрни саланглашиб, милиция идорасига қараб югурдим. Икки-уч бор тўхтаб орқамга ўгирилиб қарадим. Аланга кўтарилибди — демек ёнапти! Конестрни ташламайман. Бу менга ашёвий далил бўлади, бензин тўкиб ўт қўйганимни тасдиқлайди.

Навбатчи милиционер бошини муздек столга қўйиб мудраб ўтирган экан:

— Нима гап? — деди уйқусираган кўзларини қадаб.

— Мени қаманг, — дедим энтики.

— Нима?!

— Тезроқ бўлинг. Бўлмаса ушлаб олиб ўлдириб қўйишади.

— Уйқусираяпсанми?



- Йўқ, ўзингиз уйқусираяпсиз.
- Ким ўлдириб қўяди сени?
- Мен ўт қўйиб келяпман.
- Ўт қўйиб, қаерга?
- Судья Мухаммедовнинг уйига.
- Нима?!

Милиционер ўрнидан туриб кетди. Уйқуси очилди. Қайтиб ўтириб «01» га қўнғироқ қилиб, тинчликми, деб сўради. Анча маҳал так, так, деб турди-да, трубкани тақ этказиб ўрнига қўйиб хумрайганча, негадир кўзимга эмас, қорнимга тикилди:

- Аҳмоқ!
- Ўз ихтиёрим билан келганимни бир жойга қайд қилиб қўйинг.
- Аҳмоқ— энгашиб галадондан бир даста калит олди милиционер, — қўлингдаги нима?
- Конестр, шундаги бензинни тўкиб ўт қўйдим.
- Қани, буёққа берчи.
- Йўқ, ўзимда туради.
- Вер деяпман!
- Бўлмаса актингизга буням қўшиб қўясиз.
- Конестерниям ўз ихтиёри билан топширди дейсиз.
- Аҳмоқ.

Шу сўздан бошқасини билмайди шекилли, икки киши ётган хонага киритиб қўйгунча ўн мартача такрорлади. Хона ним қоронғу. Туйнукчага сим тўр орасига қўйилган лампочкадан оқишгина нур тушиб турибди... Юрагим уриб кетди, — ойижоним ётган хона-ку бу! Э товба, мана бу тасодифни қаранг. Қамалишимни билардим, лекин меҳрибоним ётган хонага тушиб қолишим етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Э товба!.. Бурчакда икки киши гужанак бўлиб ётибди. Бири мен тенги йигитча, наша сотибди, бир ўрамини уч сўмдан пуллаётганда қўлга тушибди. Бошқаси дадам тенги бир киши. Хотинини урибди. Бу гапларни мен эртасига эшитдим. Ҳозир бурчакда, икки тиззамни қучоқлаб, мунгайибгина ўтирибман. Ўзимни эмас, ойижонимни ўйлаяпман... Виринчи бор бу ерга киритиб қўйганларидан бечоранинг кўнглидан нималар кечди экан? Ҳойнаҳой, йиғлагандир. Мен ҳечам йиғламайман. Ўз ихтиёрим билан келдим-ку! Е қочишим керакмиди. Қочиб қаёққа ҳам борардим. Атоулло Исаевич одам ўздан ўзи қочолмайди, дерди, қизиқ гап-а... Ҳар қандай судга чап бериш мумкин, лекин виждон

судига чап бериб бўлмайди, деган гапларни ҳам айтган. Бу ҳам қизиқ гап-а, тўғрими?

... Эрталаб ҳамхоналаримни олиб чиқиб кетишди. Анчагача кайтишмади. Сўроқ беришадигандир-да. Ниҳоят, менга ҳам навбат келди. Битта эски стол, тўртта кир, қийшиқ стул қўйилган хона. Орқамдан терговчи ҳам кирди. Қўлтигида қоғоз папка, гап қўшмади. Ўтириб бир нарсаларни ёза бошлади. Урта бўй, миқтигина. Бугдой ранг юзи этсиз, териси суягига ёпишиб ётибди. Ангишвондан сал катта бурнининг остида ўрмалаб кетаётган, ҳа, ҳа ўрмалаб кетаётган кўнғизчага ўхшаш мўйловчаси ҳам бор. Сочи қуюқ, мум суртилгандек қоп-қора. Ҳаммаёғидан бурқсиб «Москва» атирининг ҳиди келиб турибди.

— Ниҳоят бошини кўтарди. Кўзи мулойимгина боқаркан. Исмин, фамилиям, турар жойим, ўқиган мактабимна аниқлаб олди.

— Қани, бир бошдан гапирингчи, — деди охирида.

— Мени тергов қилмоқчимисиз? — деб сўрадим.

— Баъзи бир нарсаларни аниқлашга тўғри келади.

— Жавоб бермайман.

— Сабаб?

— Менинг ёнимда адвокатим бўлиши керак.

— Бу қанақаси бўлди энди?

— Қоида шунақа экан. Касалхонада ётганимда эшитганман, — дея тушунтира бошладим, — ўн саккиз ёшга тўлмаганлар балоғат ёшига етмаган ҳисобаланаркан. Ўз қулоғим билан эшитдим. Бундай кишиларни адвокат иштирокида тергов қилиш керак экан.

— Закончи экансиз-ку, йигитча.

— Сиз ҳам отангиз қамалиб, онангиз ўлиб, бир йўла ҳам акангиздан, ҳам укангиздан жудо бўлсангиз, закончи бўлиб кетардингиз.

— Саид Каримовнинг ўғлимисиз?

— Ҳа.

— Мен тергов қилаётганим йўқ. Кечаси арз билан келган экансиз. Ўшанинг тафсилотларини аниқламоқчиман.

Барибир, савол беряпсизку.

— Жавобингиз протоколга ёзилмайди. Уни чинакам терговчи ёзади. Агар жиноят қилган бўлсангиз, сизга махсус терговчи тайинлашади. Адвокатни ўшандан талаб қилишингиз мумкин.

— Барибир, жавоб бермайман.

— Қайсарлик қилманг.

— Кейин яна бир илтимос, — аста-секин дадиллашиб бораётганимдан ўзим ҳам ҳайрон эдим, — қамоқхонада ётганимни шаҳар прокурори ўртоқ Ибодовга маълум қилиб қўйсангиз.

— У... кимингиз бўлади?

— Ҳеч кимим.

Терговчи менга тикилиб қолди. Мен ҳам тикилдим. Лекин кўзларида қандай маъно борлигини ўқиб ололмадим. Ачиняптими, нафратланяптими — билиб бўлмайди. Эҳтимол, эй, йигитча, шошмай тур, ҳали бедана бўлиб сайраб берасан, деб ўйлаётгандир. Сайраб бўпман! Мазах қилаётгандек бир жилмайиб қўйди, мен ҳам жилмайдим...

— Жавоб бермайман денг?

— Икки дунёда ҳам.

Папкасини қўлтиқлаб чиқиб кетди. Назаримда ниятимга эришиш йўлида биринчи галабага эришдим шекилли. Демак, қаттиқ турсам икковини ҳам судга тортиб шармаңдасини чиқариб, биридан «Волга» ни, бошқасидан ойижонимнинг тақинчоқларини ундириб олсам бўларкан.

Қанча ётдим билмайман, кеч кира бошлади шекилли. Туйнукчадан ботиб бораётган қўёшнинг қизғиш шафағи кўриняпти. Ташқарида ҳаво очик, осмон булутсиз бўлса керак. Ҳамхоналарим чўзилиб ётишибди. Мен билан деярли гаплашишмайди. Хотинини уриб келган киши ҳар замонда гурзидек оғир мушти билан полни гурсиллатиб уриб-уриб қўяди. Оғир, аламли ўйлар унга тинчлик бермаётганга ўхшайди. Наша сотиб қўлга тушган йигитча бўлса гоҳо бошини кўтариб:

— Емон хумор қияпти-да! — деб қўяди.

Индамайман. Кўз ўнгимдан гоҳ совуқ нигоҳли Мухаммедов, гоҳ кўзи илонникидек сариқ Бадалов ўтади. Хаёлан яна икковини суд қила бошлайман. Аҳволлари танг. Уятдан, номусдан бошларини эгиб олишган. Айбларини шартта-шартта очиб ташлаяпман.

— Гражданин Каримов!

Сакраб ўрнимдан туриб кетдим. Қия очилган эшиқдан олдин милиционернинг қизил шапкаси, кейин ишшайиб турган юзи кўринди:

— Терговга!

Хайрият, дея энтиқиб орқасидан эргашдим. Эрталаб кирганим хонада, ўша эрталаб мени сўроқ қилолмай хуноб бўлиб чиқиб кетган қорасоч йигит ўтирибди. Энди форма кийиб олибди — кичик лейтенант экан.

— Қани ўтирингчи.

Утирдим.

Ғалати қилиб тикилди. Мен ҳам тикилдим.

— Гап бундай, Зафаржон, сиз ҳозирча уйлариңга бораверинг. Керак бўлганда сизни ўзим чақираман.

Урнимдан туриб кетдим:
— Нега?
— Шунга қарор қилдик.
— Мен жиноятчидан ахир, суд қилишларинг керак.

— Суд қилиш — қочмайди.
— Кетмайман!
— Шовқин солманг.
— Бўлмаса, додлайман ҳозир. Мен... мен хону-монимдан жудо бўлган боламан. Ҳаммаси куйиб кўл бўлди, ҳаммаси ўлди. Энди уларни ҳам судга олиб келинмагунча қўймайман.

— Албатта, сизга осон эмас.
— Менга начальникни чақириб берасиз.
— Бошлиқ командировкада.
— Кетмайман дедимми, кетмайман. Судгача шу ерда ўтираман. Чиқсам ўлдиришади. Вилман, урншмайди, лекин бошқача йўл билан тинчи-тишади.

— Зафаржон, тушунсангизчи, ҳозирча сизга ҳеч кимнинг даъвоси йўқ. Узингизни ўзингиз айбдор ҳисоблаганингиз билан сизни айбдор ҳисоблаш учун милициянинг қўлида ҳам исботу далил бўлиши керак. Ҳозирча бизда унақа нарса йўқ. Сизни ушлаб туролмаймиз. Бунинг устига сиз шаҳарда анча машҳур экансиз, минг жойдан қўнғироқ бўляпти.

Икки одим ташлаб яқинига келдимда, кўзига қаттиқ тикилиб:

— Дадамни қамалганини эшитгандирсиз? — деб сўрадим.

Лейтенант хиёл орқага чекинди. Лекин худди илон ушлаётган овчига ўхшаб кўзини кўзимдан олмай турибди:

— Эшитганман.
— Онамнинг ўлганиничи?
— Вилман.
— Акамничи? Укамничи?
— Ҳаммасидан хабарим бор. Зафаржон, сизга қийин, жуда қийин. Шунинг учун ҳам уйга бор бир-икки кун дам олинг.

— Менинг яшашини истайсизми?
— Бўлмасачи, нега бундай дейсиз?
— Агар истасангиз, — дедим овозимга ваҳимали оҳанг бериб, — мени бу ердан зўрлаб чиқарманг. Чиқарсангиз ўзининг ҳам устимдан бензин қўйиб ўт қўяман.

Лейтенант яна бир одим чекинди-да, чекинган жойда кўй кўзлари бақрайганча менга баттарроқ тикилиб қолди. Ҳайрон қолдим, қурқиб кетдим, билиб бўлмайди. Елкасини қисганча чиқиб кета бошлади.

Қайтариб хонамга олиб кириб қўйишди. Ҳам-хоналарим тинчликми, дегандек бир-бир боқиш-дию, савол беришмади. Суҳбатларини давом эттиришди. Хотинини уриб келган киши чекар экан, хонани аччиқ тутунга тўлдириб юборибди, нафас олиб бўлмайди. Хиёл ўтмай менга кетма-кет иккита тутун кирди. Икковиям қоғоз халтада. Бирини даимлаб пиширилган товук, парникда ўсган сапча бодринг, янгигина узилган бўлса керак, сунинг таъмини берадиган ҳиди анқиб турибди. Емасимдан оғзим сув очиб кетди. Бошқасида колбаса, пишлок, беш-ўнта «Қорақум» шоколади ҳам бор... Кимлар келди экан...

Иккови холамми, Атоулло муаллимми? Бодринг муаллимдан бўлса керак, кўп одамларнинг уйига парник ясаб берган у.

Тутунларни ўртага қўйдим. Суҳбат кизиди. Хотинини уриб келган кишининг мен тенги ўгли, учта қизи бор экан. Кичигини, уч ёшлисини жуда соғинибди. Узидан кўра ҳам уни гапларини соғинганмиш.

— Сен ҳам наша чекканмисан? — сўради йигитча.

— Чекмаганман, — деб қўйдим.
— Наша чекмабсан, дунёга келмабсан. Айниқса у оғайнижон, иштаҳани карнак қилади. Бир лаган паловни кўрдим демайсан. Ох, ҳозир бир тортигимиздами!

Хайрият, тортиганинг, деб ўйладим ичимда. Бўлмаса, товукнинг битта ҳам оёғи менга тегмаган бўларди.

— Менинг фикрим бундай, — деб энди колбасага қўл чўзди йигитча, — милиция ходимларини ҳам наша чекишга ўргатиш керак. Ушанда бизни тинч қўйишади. Ох, унинг кайфи, одам қушдек энгил бўлиб осмонларда учеди... Шоколад янги экан. Қара, юмшоққина турибди-я! Ол, ўзинг ҳам егин. Сен бойнинг боласисан-да, ҳали сенга бунақа нарсалардан кўп келади. Визга эса алангали салом айтиб юборишади, холос... Дадангни отишганми?

— Нега ундай дейсан? — қўрқиб ўрнимдан туриб кетаёзим.

— Шаҳарда овоза тарқаб кетди-да... Пишлоқни ўзларинг тайёрлайсизларми?

Эқтирмай қолдим бу болани. Егуликни йиғиштириб халтага солдим-да, бориб ўрнимга чўзилдим. Эрталабгача гап қўшмадим. Кун бўйи ҳеч ким йўқламади. Қизиқ, нега жим бўлиб кетишди экан? Ёнган уйларни текшириш билан машғул

бўлишаётгандир-да. Учинчи кун эрталаб, хайрият йўқлаб қолишди. Тергов хонасига кириб тик турган Хусановни кўрдим. Майор, оймни тергов қилган одам шу. Демак, милициямизга бошлиқ бўлибдида.

— Ассолому алайкум, — дедим шоша-пиша. Кейин, ўз одатимга кўра кўзларига тикилдим. Сизга илгари ҳам айтганман, суҳбатдошимнинг гапидан кўра кўпроқ кўзларига ишонаман. Бу дадамдан юққан одат. Айтилмаган гапни кўпинча кўздан уқиб олса бўларкан. Кўз ҳақиқатчи, сўз алдамчи бўлади, дерди дадам. Майорнинг каттакатта кўм-кўк кўзларида мен қорасоч лейтенантнинг кўзларидан уқиганим лоқайдликни эмас, балки ваҳима аралаш ачинишни кўрдим. Сиз тубсиз жарликка кулаб бораётган боланинг тепасида туриб шу дақиқадаги ўз ожизлигини сезган отанинг кўзларини кузатганмисиз? Автобус оёғини қоқ иккига бўлиб кетган кишининг тепасига тўпланган одамларнинг кўзини чи? Уша кўзларда, билсангиз, ачинишдан ташқари айбдорлик ҳам аксланиб туради. Муштумдек бола бунча маҳмадоналик қилапти деманг. Йўқ, мен кузатганларимни айтганман. Майор тик турганча сигарет чекиб, оғзию бурнидан пага-пага кўм-кўк тутун чиқариб менга ана шу тутунлар орқали ҳамон тикилиб турарди.

— Хўш, йигитча, эшитаман, бошлиқда қанақа гапингиз бор эди? — шошмасдан сўради майор.

Икки хонадонга нима мақсадда ўт қўйган бўлсам, бу ишларни қандай бажарган бўлсам бирма-бир айтдим. Майорнинг кенг пешонаси гоҳ тиришди, гоҳ қошлари чимирилиб ўртасида асабий тугунчалар пайдо бўлди. Силлиқ юзининг яноқлари тез-тез пирпираб учиб турди.

— Оббо йигитча-ей, — деди ниҳоят гапим тугаши билан, — қани, ўтирингчи, ўтирайлик. Вафуржа гаплашадиганга ўхшайми. Мен билан кўрнимоқчи бўлганингизни эшитиб хурсанд бўлдим. Яхши қилибсиз. Бошингизга тушган ташвишларни бошқалардан кўра мен чуқурроқ ҳис қиламан. Шу йигитчага бирон ёрдам уюштириш керакми, деб ҳам ўйлаган пайтларим бўлган: уйларнинг ёниши масаласига келсак, бу ерда сизнинг айбингиз йўққа ўхшайди. Аввало, шунини айтиш керакки, сизга ҳеч ким даъво қилаётгани йўқ. Қолаверса, ўт ўчирувчиларнинг аниқлашича Бадаловнинг уйидаги ёнғин айвондаги сётчикнинг замеканисидан келиб чиққан. Муҳаммедовникида эса газхона портлаган.

— Елгон! — дедим полни тепиб, — икковига ҳам ўзим ўт қўйганман.

— Фараз қилайлик, ўт қўйдингиз ҳам дейлик, бунини ким тасдиқлайди?

— Ўзим.

— Узингиз ҳам жиноятчи, ҳам гувоҳ, ҳам айбловчи, шундайми?

— Худди шундай.

— Йўқ, бунақаси кетмайди. Бировни қамаш, жавобгарликка тортиш учун милициянинг қулида ҳам етарли асос бўлиши шарт. Унақаси йўқ ҳозирча.

— Демак, «Волга» ни мазза қилиб миниб юриверишар эканда? — йиғламоқдан бери бўлиб дедим.

— Қўйинг бу гапларни, — майор ўрндан турди, — менинг ҳам ишим бошимдан ошиб ётибди. Сизга камоли ачинганимдан олдингизга чиқувдим.

Майорнинг гапи чала қолди. Эшик зарб билан очилиб, қўлида каттақон қизил сумка, ҳовлиқчи Қози хола кириб келди. Кира солиб мени маҳкам кучоқлаб ўпа кетди. Упан сари юзимни илон ялаётгандек сесканиб кетяпман.

— Холагинанг ўргилсин, азаматгинам! — деб тинмай жавраб ҳам турибди, — қандай кунларга қолдик-а, Олтинхонимнинг яккаю ёлғизи! Киндинингиз ўзим кесувдим, роддомдан атлас кўрпачаларга ўраб ўзим олиб келувдим. Сени нега олиб келишди бу ерга. Муҳаммедов амаким бўлади, айтиб бераман, демандингми? Қой майор, нима қилик бу? Касал болани нега сўроқ қилайсиз... Ахир болагинамнинг миясида вос-вос бор, сал анақароқ бўлиб юрганини нахотки эшитмаган бўлсаларинг! Юр, тойлогим, ўзим олиб кетаман. Раънохонинг арвоҳи безовта қилапти мени, юрақол!

— Тақинчоқларни қайтариб берасизми? — негадир тилимга шу гап келиб қолди.

— Яна алаҳлай бошлади, шўрлик болам. Вой худойим-ей, майор, нега қараб турибсиз, тезроқ доктор чақиртирсангизчи?

— Мен, мен алаҳлапманми? — икки қўллаб бор кучим билан Қози холагини кўксидан итардим. Орқасига тисарилиб бориб боши деворга урилди. Йиғлаб юбордим. Кўксимни йиритиб, полни тепиб хонада айлана бошладим. Икковлари қочиб чиқиб кетганларидан кейин ҳам анчагача ўзимни босолмадим... Кечгача шу хонада қолиб кетдим. Кун ботиш олдиндан қора сочли лейтенант кириб, қани юринг бўлмаса, ўт қўйган уйларингизни кўрсатингчи, деди. Дилим сал ёришаётгандек бўлди. Бензинни қандай сепганимни кўрсата-

ман деб конестрни ҳам сўраб олдим. Белида қизил лентаси бор, усти берк машинага ўтирдик. Унча кўп юрмадик шекилли, тушаётганимизда... бу қанақа бўлди... мени яна жиннихонага олиб келишди! Дарвоза тепасидаги ёзувдан билиб қолдим. Силтаниб лейтенантнинг қўлидан чиқдимда, жинни эмаслигимнинг яккаю ёлғиз исботи конестерни саланглатиб дуч келган томонга қараб қоча бошладим. Етиб бўлсам, овоза бўлма, лейтенант! Бу ерга бир бор тушган одам тозидек чопагон бўлиб қолади. Керак бўлса ўзинг кира қол ўша ерга. Аслида мен эмас, сенларни ўзинг жиннисанлар-ку!

VIII боб

Уятдан, ору номусдан, иззат нафсим ҳақоратланганидан, кўчага чиқолмай қолдим. Ойижоним, мени не кунларга ташлаб кетдингиз? Нега ҳам қалбимда молу дунё, бойлик ишқини парпиратиб ёқиб кетдингиз? Мен ким бўлдим энди, қандай ашайман. Хўп, мен эндигина ўн олтига кирдим. Ҳали кўп нарсани билмайман. Мулоҳазам ҳам сизникичалик чуқур, тугал эмас. Қани бўлмаса у ёғига ўзингиз ёрдамлашиб юборингчи:

Отам қамалмаганда, онам ўлмаганда, акам куйиб кетмаганда, укам нобуд бўлмаганда, «Волга» ни олиб қўйишмаганда, тақинчоқларни беришганда, мен устларидан ёзармидим. Йўқ!
Уйларига ўт қўярмидим. Йўқ!

Ойижоним, мен қийналиб кетяпман, маҳалла тўла ваҳима, миш-миш, тортишув:

— Жинни!
— Соғ!
— Жинни!
— Соғ!

Мана, қанақа муҳокама қилишяпти улар. Ўзим билан гаплашганлариди, ташланиб қолмасин дея, хафсираб туришади. Кўзимни поилашади. Саволжавоб ҳам қисқа, тезгина жўнаб қолишади. Чиндан ҳам жинни бўлиб қолган бўлсам-а!

Йўқ, мен соппа-соғман!
Дунёга ўт қўйишга тайёр турган аламзадаман холос. Дадажоним, аҳволингиз қалай ҳозир? Вилман, сизга осон эмас. Кечқурунлари ёлғиз қолганингизда бошингизни деворга уриб йиғлаб-йиғлаб олаётгандирсиз. Йиғламанг!

Нега бундай бўлди а, нега шунча бойлик тўпловдингиз?

Уша бойлигингиз аждарҳо бўлиб ҳаммамизни ютиб юборди-ку, хонимонимиз барбод бўлди-ку! Нега, сиз дадажоним, Атоулло Исаевичдек муаллим бўлмадингиз, Илҳомнинг дадасидек автобус ҳайдамадингиз, нега марҳум акам орзу қилгандек юкчи бўлмадингиз, нега? Майли, бўлари бўлди. Мен сизни айбламайман. Бир марта суд бўлгансиз, ўша ҳам етар. Айбли бўлсангиз ҳам, барибир, сиз менинг дадамсиз, меҳрибонимсиз. Фақат йиғламанг.

Йиғламанг, дадажон!
Менга ҳам осон эмас. Ҳамма ўзини олиб қояпти. Лутфи холам кўчага чиқармасам дейди. Чиқсам, бир фалокат чиқармасан деб, орқадан пойлаб боради. Атоулло Исаевич деярли гаплашмай қўйди. Ўт қўйганим учун уйи куйганлар кечирдию, қизик, Атоулло Исаевич кечирмади. Жиноятчи, билан гаплашадиган гапим йўқ, тамом, вассалом, деди-қўйди. Гаплашмаса-гаплашмас, ўзи насиҳатлари ҳам жонимга тегиб кетган эди.

Қози хола, судьянинг хотини, нега бундай қилди а? Чиндан ҳам менга ачиниш гуноҳимдан ўтишдимикан? Еки мени жиннига чиқариб, шу жинни билан олишиб нима обрў топардик деб қўл силташдимикан? Товба, ҳеч тушуна олмадим...
Лекин, бари бир шаҳарда туролмай қолдим. Қалбим қиллоққа, амманникига талпинаверди. Холаларимнинг руҳсати билан якшанба кун эрталаб ўша ёққа отландим. Шаҳардан чиқишим билан, худди қамоқдан бўшагандек дилим яйраб кетди. Уриклар қийғос гуллаган, боғлардан тошиб кетай деб турибди. Ариқлар бўйида ўтлар кўқариб, чучмомалар ранг-ранг гуллаб, асалариларга эрмак бўлибди. Икки кўзим атрофда. Тўймайман. Қизалоқлар тол новдасидан сочпопук тақишибди. Янги тугилган қўзичоқлар сакрашиб, бир-бирлари билан қувлашмачоқ ўйнашяпти... Нега қўзичоқ бўлиб тугилмадим экан?..

Амман ўпиб, силаб-сийпалаб, йиғлаб-йиғлаб кутиб олди. Аммаваччаларим ҳам, назаримда, қувониб кетишди. Камгап почтам, одатича, кучоқлашиб кўришаркан, қани белларимизни ҳам бир сиқишайлик-чи, ким кучли экан дея ҳазиллашган

«Мардикор бозори» мавзусини муҳокама қилиш жараёнида муҳбиримиз шаҳримиздаги турли касб эгаларига, мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларига, «бозор»га иш талаб бўлиб чиққан айрим шахсларга муурожаат қилди. Мулоҳазалар, таклифлар ошкоралик ва демократия принциплари асосида давом этди. Қуйида шуларнинг баъзиларини журналимиз мухлислари диққатига ҳавола қиламиз.

Усмои ТОШМАТОВ: — Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхоз аъзоси.

Мен колхозда ишлайман, оиламиз билан пилла тутамиз. Зиммамизга олган планни давлатга топшириб бўлгач, деярли бўшман. Гапнинг индаллосини айтсам мардикорлик қилиб бой бўлиб кетмайди одам. Ҳаммаси етишмовчиликдан, ёки қўшимча озми-кўпми даромад қилиб, оиланинг паст-баландни текислаш учун чиқади бу ерга.

Хўш, биз нима қилайлик? Мана мен ўзимни олай: 6 та фарзандим бор, болаларим ҳали ишга яроқли бўлганича йўқ, даромад эса етарлик эмас. Шунинг учун имконият топилади дегунча шу ерга келаман. Қўлимда яхши ҳунарим бор, халол ишлайман. Лекин мана шу туришимиз ростини айтсам ўзимга ҳам ёқмайди, негаки орамизга кўп ноқобил кишилар ҳам қўшилиб қолган. Улар қорни тўйиб, озми-кўпми ичишга пул топса бас. На туриш-турмушнинг, на ишнинг фарқига боради. Ёмон ишлар қилишдан, қўли эгриликдан, ҳатто киноят қилишдан ҳам тойишмайди. Бундайларнинг кўпчилигида оила, бола-чақа ҳам йўқ, пропискисиз, қонунга хилоф тарзда яшашади. Лекин бизда нима гуноҳ? Ҳукумат ана ўшаларни тартибга келтирсин-да, бизга бемалол бўш вақтимизда ишлаш учун шароит яратиб берсин. Қўчанинг у юзидан бу юзига, нари-берига суриб, ваҳима қилишнинг нима кераги бор.

Исмоил БЕГМАТОВ: — Собир Раҳимов район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги.

Аҳолининг кўп таъналари бизга тегишли. «Ишлайман деб чиққан одамни ҳайдаш, ушлаш, ур... сур...» ва ҳоказо.

Мен бу таъналарга жавоб этишдан аввал, милиция раҳбари сифатидаги расмий гапимни бир чеккага суриб қўйиб, кўнглимдаги ўйларимни очиқ айтиб олай.

Гапнинг рости «Мардикор бозори» даги одамларнинг асосан кўпчилиги ёшлар, студентлар, усталардан иборат. Мана салкам ўттиз йил бўлапти, Собир Раҳимов ҳамда Октябр районлари территориясида, ички ишлар бўлимида ишлайман. Бу ер ҳамон кўз олдимида туради, ҳамон «Мардикор бозори» деб аталади. Қолаверса бу ерга иш талаб бўлиб келганларни айблашга тилим бормади, негаки бизнинг ҳам студентлик йилларимиз оғир кечган, биз ҳам ишталаб бўлиб шу ерга келганмиз, дўстим. Унда мардикорнинг бир кунлик ҳаққи 4-5 сўм бўларди, ҳозир 20-25 сўм. Лекин менинг айтадиганим мардикор баҳосининг ошиб кетганлигини таъкидлаш эмас, бу ердаги аҳволнинг ниҳоятда мураккаблашиб бораётганлигини жамоатчиликка баён этишдан иборат.

Бундай ўйласангиз нияти қора, безори, муттаҳам одамлар мардикорчилик қилиб, уст-бошини яхшилаб олай деб бу ерга келмайди. Шунинг учун ҳам буларга ёрдам қилиш керак деган фикрдаман.

— Сизнингча ким ёрдам қилади буларга?

— Бизни назарда тутаятган бўлсангиз, йўқ. Бу ерни маълум ташкилий ҳолатга келтириш бизнинг вазифамизга кирмайди, биз ижрочи орган ҳисобланамиз билсангиз.

— Ҳозиргина жуда самимий гапирётган эдингиз, келинг, шу йўналишда суҳбатлашайлик. Майли, сизларнинг вазифаларингизга кирмаса, бу аросатда қолган «дунё» ни ўнглаш кимнингдир вазифасига кирар, кимдир уни яхшилашни ўз зиммасига олар?

— Албатта, бу бевосита район, шаҳар ижроия комитетининг амалий тадбирлари билан тартибга келади.

— Сиз ўз тажрибангиздан келиб чиқиб, бу ишни яхшилаш мумкинлиги ҳақида бирор мулоҳаза айти оласизми?

— Айтишим мумкин. Масалан: кооператив тартибдаги расмий ташкилот тузиш керак, албатта расмий ташкилот, расмийчилик учун эмас.

— Сизлар қандай ёрдам қилишингиз мумкин?

— Қандай кўрсатма берилса, шундай.

— Аҳолининг таъналари ҳақида бирор нарса денг, ёки уларнинг гап-сўзлари ўринсизми?

— Йўқ, жуда ҳам ўринсиз бўлмаса-да, аммо айрим таъна қилувчи ўртоқлар масаланинг моҳиятини тўғри англаб етишмаяпти. Мана ўзингиз гувоҳи бўлибсиз, қанчадан-қанча ҳужжатсиз, пропискисиз, ҳатто шахси номаълум бўлган граждандар шу ердан топилади. Агар бу ер тамомила назоратсиз ташлаб қўйилса, ёки «Ишлагани чиққан одамлар экан» деб, биз ички ишлар ходимлари ўзимизни четга олиб турсак яхши бўлмайди. Қолаверса масаланинг яна бир муҳим томонига жамоатчиликнинг диққатини тортмоқчиман. Бу ерда милиция ходимлари томонидан ушланган шахси номаълум бўлган «Мардикор»ларнинг деярли кўпчилиги очиқ ва ўтқир юқумли касалликларга чалинган шахслардир. Ишчи кучига муҳтож бўлиб келган кишилар буларни билишмайди. «Мардикор»ни арзонроқ нархда олиб кетганига хурсанд бўлишади. Натижада арзиманган, бир кунлик зарур ишни битқазамаман деб, ўзларига бир умр дардибедаво кулфатни орттириб олишади. Шунинг учун бу ишга медицина ходимларининг ҳам диққатини жалб этмоқчиман.

Юқорида таъкидламоқчи бўлганим расмий ташкилот кооператив тарзда бўлдики, ё бошқа кўринишда ундан қатъи назар, агар у амалга ошадиган бўлса, ҳар томонлама ижобий натижа беришига ишонаман. Бизнинг фаолиятимизнинг самарасиз бўлаётгани ҳам бу ердаги аҳволнинг ниҳоятда мураккабланишига боғлиқ.

Илтимос, исми-фамилиямни ёзмасангиз дейман. Бу қилаётган ишимдан хижолат бўлганимдан эмас, узокда «ўғлим қачон келаркин?» деб, йўлимга кўз тикиб ўтирган мушфиқ онамни аяганимдан. Агар сизга айтганларимни кимдир ўқиб, уйдагиларга етказиб қўйса, «Мусофирчиликда бечора ўғлим мардикорчилик қилаётган эканми?» деб онагинамнинг юрак-бағри эзилиб кетади.

Мана икки йилдирки қурилиш техникумида ўқийман, стипендия оламан. Аслида борига қаноат қилиб, бир амаллаб тирикчилигимни ўтказишим мумкин эди. Лекин мен фақат ўзим учун яшолмайман-ку? Узокда онам, синглим ва яна битта укам бор. Отам бахтсиз тасодиф туфайли оламдан ўтган. Ўзи, ота ўрнида укаларимга бош бўлишим керак эди, лекин онам қўймади. «Отанг сени ўқитаман дер эди, ўқимасанг бўлмайди, болам, отангнинг васиятини адо этмасам, бу дунёда мен ҳам тинч юролмайман» деб, ҳамма қийинчиликни ўз бўйига олди, мени ўқишга жўнатди.

Ўқиётганимда деярли якшанба кунлари, каникул яқинлашганда бир ойдан зиёд шу ерда иш топиб, одамларнинг оғирини енгил қиламан. Ҳалол, жон-жаҳдим билан ишлайман. Кўпичча ишга борган жойимдан қайтмайман. «Уста йигит, ишингиз тамом бўлгач бизга ўтасиз» деб айтиб кетишади. Қўшнидан-қўшнига, маҳалладан маҳаллага ўтиб, бир ойдан зиёд кунимни ўтказаман. 700—800 сўмдан кўпроқ пул жамғариб, укаларимга мактаб формасидан тортиб, янги сумка, дафтар-қаламга-ча, онамга оҳорлик қўйлагу, иссиқ усти-бошга-ча олиб бораман. Онам бечора шодлигидан кўзларига ёш олиб: «Бунча дунёни қаердан олдинг?» деб сўрайди. «Қурилишда ишладим, ишлаганимга бе-

ришди» дейман. Онам, «Ҳам ўқитиб, ҳам ишлатиб, шунча пул берган ҳукуматимизга минг раҳмат» деб дуо қилади. Ниҳоят хотиржам, ошинганимни онамнинг қўлига бериб, ўқишга қайтаман. Хўш, бунинг нимаси ёмон ўртоқлар, менга тушунтириб беришлар.

Ваъзан милиция ходимлари қувиб қолишади. Бир гал мен ҳам уларнинг қўлига тушиб қолдим. Ростини улар ургани, сўккани ҳам йўқ. Лекин, «Менга қара, студент, бир марта сени кечирамиз, янаги сафар ушлайдиган бўлсак, тўппа-тўғри ўқишингга ёзиб юборамиз» дейишди. Албатта яна ушланиб қолсам, шундай қилишади. Бундан техникумимиз маъмурияти воқиф бўлса: «Яша ота ўғил, бўш вақтингда ўқимасдан мардикорчилик қилавергин» демайди. «Шундай фаровон замонамизда мардикорчилик қилишга уялмадингми? Совет студенти шаънига иснод келтиришга нима ҳаққинг бор?» деб, дағдаға қилишади. Айтганларига кулоқ солмасам, ўқишдан ҳайдашга минг бир баҳона топилади. Шундай бўлгач, милиция ходимларининг қорасини кўрдим дегунча қочаман.


Студент. М.

«МАРДИКОР»

Зафар САИДОВ: — В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг доценти, социолог.

Ошкоралик ва демократия деган сўзлар ҳаёт муаммоларининг хилма-хил чигал тугунларига, мураккаб тақдирларга юзма-юз келган сари ўз маъносини янада чуқурроқ, янада равшанроқ намён этипти. Бугун жамоатчиликнинг мулоҳазаларига демократик принципларимиз шунчалик имконият яратиб бераптики, ҳатто айрим ҳолларда изҳор этилган фикрлар социалистик турмуш тарзимизга унчалик тўғри келмаса-да, ҳеч ким улардан душманлик маъноларини қидираётгани йўқ. Масалан, айрим олимлар, социологлар «Бизнинг жамиятимизда ҳам ишсизлар бўлиши керак» деган мулоҳазани ўртага ташладилар. Тўғриси айтсам бу мулоҳазаларнинг орқасида ижобий маънодаги куйинчакликнинг аломатлари бор. Азбаройи ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг меҳнаткашлар талабларига жавоб беролмаётганидан, жаҳон бозорларида ривожланган капиталистик мамлакатлар товарлари билан рақобатлашиш уёқда турсин, социалистик ҳамдўст давлатлар маҳсулотлари билан ҳам тенглаша олмаётганидан куйиниб, жилла бўлмаса ишчи синфи «ёмон ишласам ишсиз қолишим мумкин» деган ҳадикни туйиб бўлса-да, яхшироқ ишлармикин деган ниятда айтилаётгани аён бўлиб турибди. Шу маънода мен ҳам мулоҳазаларимни жамоатчиликнинг ҳукмига, баҳсига ҳавола этаман.

«Бизда ишсизлар йўқ» деймиз. Лекин ишлайман деб турган, кучга тўлган, вояга етган йигит-қизларимизни иш билан таъминлай олаётганими? Агар таъминлай олмайган бўлсак, нега ишсизлар йўқ деб жар соламиз. Шаҳарда-ку ишлаб чиқариш кор-



Н. БЕГМАТОВ



М. ТОШПҮЛАТОВА



З. САИДОВ



Л. ТОШХҲАЕВА

хоналари бор. Қувадими, таъқиб қиладими, ҳар қалай «Мардикор бозори» ҳам бор. Аммо қишлоқларда нима қиларини билмай, иш тополмай юрган сон-саноксиз ёшларнинг оғир, ачинарли аҳволидан кўз юма оламизми? Айниқса Фарғона водийсидай аҳоли зич жойлашган областлардаги вазиятнинг ниҳоятда мушкуллиги, бугун яшириб бўлмайдиган ҳолатга айланиб қолди.

Буларни шунинг учун таъкидлашманки, «Мардикор бозори»нинг мавжудлиги ва унинг бир томони ишсизлик билан ҳам алоқадор. Бу ерга фақат Тошкент аҳолисининг хилма-хил табақаларига эмас, бошқа областлардан иш талаб бўлиб келган хунармандлар, ёшлар ҳам аянчагина, «Мардикор бозори» муҳокамасида буларни ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

«Мардикор бозори» дагилар ошиқча одамлар эмас, жамиятимизга керакли кишилар. Мардикор меҳнати билан элнинг мушкуллини осон қилиш мумкин экан, албатта, уларнинг тақдирига бефарқ қараб, тамошабинга айланиб қолмас бўлмас. Айрим ўртоқлар «бозор»даги дайди, ноқобил шахслар ҳақида гапиришяпти, албатта булардан ҳам

асосланган бу иш албатта мазкур «бозор» даги мураккаб вазиятни яхшилашга ёрдам беради. **Лола ТОШХУЖАЕВА:** — Октябрь район ижроия комитети аҳолини ишга жойлаштириш бўлимининг катта инспектори.

Шаҳар аҳолисини ишга жойлаштириш борасида бир қанча тадбирларни амалга оширганмиз. Шулардан бири — мактабларнинг юқори синф ўқувчиларини ёзги таътил пайтида иш билан таъминлашди. Ҳозирда бу фаолиятимиз яхши натижалар берапти. Ундан ташқари қурувчилар ва бошқа турли касб эгалари иттифоқимизнинг йирик саноат шаҳарларида ишлашни истасалар махсус ёрдам пуллари ажратиб, вақтинча ва доимий ишга юбориб турибмиз. Бу ҳаракатларимизнинг «Мардикор бозори» га таъсирини ўтказиш ниятида «бозор» га бир неча мартаба чиқдик. Афсуски «Мардикор бозори» дагилар бизнинг Томск, Архангельск, Донецк, Ростов, Владивосток каби иттифоқимизнинг катта саноат шаҳарларида ишлаш учун ўртага ташланган таклифимизга эътибор қилишмади, қизиқишмади. Биз вазиятни кузатиб шу нарсага ишондикки, бу жой билан махсус мутасад-

диган нарса йўқдай. Кимдир келади, мардикорга ишни айтади, маъқул бўлса «ҳа», бўлмаса «йўқ». Агар воқеа чиндан ҳам шундай бўлганида, бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Лекин жамиятимиздаги айрим ташкилотлар олиб бораётган самарасиз ишлар, ҳамда лоқайдлик ва бепарволик, адолатсизлик ва шафқатсизлик каби ноинсоний ҳатти-ҳаракатлар худди шу ерда содир бўляпти.

Назаримда биз айрим самарасиз ишларимизга аллақачон кўникиб, кўникма ҳосил қилиб, ўрганиб қолганмиз. Ваҳоланки йиллар давомида ҳеч қандай самара бермасе-да, «Мардикор бозори» даги одамларни уёқдан-буёққа суриб, шубҳали кўринганларини ушлаб тошшириб, яна ўша ишларни қайта-қайта давом эттириб келяпмиз. Бундай бесамара ишларни кўр-кўрона, кимнингдир буйруғи ва биз «кичик одам» деб давом эттиравериш, ўртоқлар, бу ниҳоятда хунук, инсон ақл-заковатини масхара қилишдай гап.

Ростини айтсам кўп гапирашми, чунки мулоҳазаларимиз натижасиз қоляпти. Мисол учун: нега бу тарихий ном билан аталадиган кўчани ҳеч ким билан ҳисоблашмай ўзгартириб қўйдингиз деймиз. Аммо ношудлик билан қилинган хато, мулоҳаза ва эътирозлардан кейин ҳам пешонамизда ялтираб тураверади. Шунинг учун ҳам, «Мардикор бозори» да кўрганларим, одамлардан эшитганларимни қанчалик куйиниб ёзишга чоғланмай, кўз олдимда пинагини бузмай, нима ёзаётганимизни ўқимай, эшитмай, яна ўз фаолиятини давом эттираётган ижроичлар намоён бўлади-ю, ҳафсалам пир бўлиб қаламини ташлайман.

Мана ниҳоят жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинди, неча замонлардан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган муаммолар ҳал этилди, дейладиган пайтлар келармикан? Мен «Мардикор бозори» мисолида шундай бир ажойиб мўъжизанинг рўй беришини жуда-жуда истайман. **Ҳ. М. УСМОНОВА:** — Октябрь район ижроия комитетининг раиси.

Мен ҳам шахсий мулоҳазаларимни, бу ернинг аҳволини яхшилаш юзасидан баъзи фикрларимни айтишим мумкин. Чунки аниқ амалий тадбирларни жорий қилиш — бу фақат бизнинг ташаббусимиз билангина амалга ошмайди.

Шаҳар ижроия комитетининг аҳолини ишга жойлаштириш бўлими бу борада зарур чораларни кўриши ва бизга ҳам тегишли ёрдам ва кўрсатмалар бериши керак.

Мардикор бозорида махсус тоқчалар очилиши ва бу жойлар мардикор билан ишга ёлловчининг келишувини назорат қилиб туриши керак деб ўйлаймиз. Бу ҳолат «бозор»даги кўпгина тартибсизликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Ана шунда балким ички ишлар ходимларининг тартиб ўрнатишларига ҳожат қолмас.

Иккинчи масала, яна бу жойга пенсионерларни жалб этиб, патентли иш усулини йўлга қўйса, ижобий натижаларга эришиш мумкин деб ҳисоблайман.

Менинг сизга айтадиган фикрларим шу, бошқа бирон нарса дейишим қийин. Аммо журнал ба-салани жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилиб савоб иш бошлабди, бундан хурсандимиз.

Ёқуб ЯКВАЛХУЖАЕВ.

60-30-РИ:

Баъзе давом этади

(9-сондаги мақоланинг давоми)

кўз юмиб бўлмайди. Лекин бу жойда расмий амалий иш бошланса, уларнинг ўз-ўзидан четга сурилиб қолиши табиий.

Ниҳоят аҳолининг қуйи табақасига қанчалик яқинлашганимиз сари ноҳақлик ва тенгсизликнинг хилма-хил кўринишларига шунчалик кўп дуч келаварамиз. «Мардикор бозори» деб аталган жойни менимча раҳбар ходимларимиз ҳам дабдабасиз, шунчаки эл қатори келиб бир бор кўрсалар ёмон бўлмасди.

Муборак ТОШПУЛАТОВА: — Октябрь район комсомол комитетининг биринчи секретари.

«Мардикор бозори»да мактаб ўқувчилари, студентлар тўлиб ётибди. Шундай бир шароитда бу муаммодан ўзимизни четга олсак яхши бўлмайди. Лекин бирор мулоҳаза айтиш ёки тақлиф кири-тишдан олдин ҳар бир шахс ва ҳар бир ташкилот раҳбари ўз имкониятларини ҳам ҳисобга олади.

Биз студент отрядлари, олий ўқув юрти ва техникумларда кооперативлар ташкил этганмиз, эндиликда улар фаолият кўрсатишяпти, натижалари ҳам ёмон эмас. Аммо мана шундай йўналишдаги ишимизни «Мардикор бозори» даги ёшларга нисбатан ҳам ишлатиб бўлармикан? Йўқ, қийин бўлса керак, қийинлиги ҳам майлику-я, ҳаракатимиздан натижа чиқишига ишонгим келмайди.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг аъзоси Тоҳир Мирзаев ҳозир Тошкент Политехника институтида ёшларнинг хўжалик асосидаги фаолиятини илмий тадқиқ қилиш ва текшириш лабораториясини ташкил этган, унинг ўзи бу соҳага раҳбарлик қиляпти. Бу илмий марказ ишга тушгач, унинг бир нуқтасини «Мардикор бозори»да очиш мумкин. Соф илмий тадқиқот йўналишига

ди ташкилотлар (жумладан ўзимиз биринчи навбатда) махсус шугулланмасак, амалий, тадбирий фаолиятга ўтмасак, бирор ижобий натижага эришиб бўлмайди.

Шодмонбек ОТАБОЕВ: — ёзувчи.

Ёзувчини «Халқнинг виждони» деймиз. Баъзан қалқнинг жиндақ дардига малҳам бўлолмаётганимизни ўйлаб, ўзимизни сўроқлашдан нарига ўтолмаймиз. Одатда ёзувчининг: «Мана бу жойда, мана бундай номаъқул иш бўляпти» деб айтиши ёки кимнингдир иззат нафси, яни кимнингдир гражданлик ҳуқуқи оёқ-ости бўлаётганини жамоатчиликка маълум этиши ҳозир унчалик қийин бўлмаса-да, лекин унга бевосита даҳлдор бўлган одамлар, ижодкор куйиниб, баъзан ёниб айтаётган гапларига пинагини бузмасдан ишини давом эттиришяпти. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Ҳозир муҳокама этаётганимиз, «Мардикор бозори» назаримда шу аҳволга тушиб, ҳаётимизнинг ачинарли бир қисмига айланиб қолган хунук кўриниши бўлиб турибди.

Ташқаридан қараганда бу ерда ҳеч ваҳима қила-

РЕДАКЦИЯ МУЛОҲАЗАСИ:

Мухбиримизнинг мазкур «Мардикор бозори» мавзусини жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилиб, улар билдирган мулоҳазалар билан танишиб чиққач, журнал редакция коллекцияси ҳам ўз фикрларини билдиришни лозим топди, булар қуйидагилардан иборат.

БИРИНЧИДАН: «Мардикор бозори»га иш талаб бўлиб келган граждандарнинг талаб ва истаклари ҳақди. Олим, ёзувчи ва умуман жамоатчиликнинг бу жойнинг давлат ташкилотлари эътиборидан четда қолиб келаётганлиги ҳақидаги эътирозлари ҳам ўринли. Аммо, бевосита мутасадди ташкилотларнинг мулоҳазаларида ҳамон сансалорлик, конкрет ишни амалга оширишда буйруқ кутиб ўтириш ва бунинг оқибатида масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилиш кайфияти сезилиб турибди.

Биз бундай номаъқул руҳни рад этамиз. Шаҳар ижроия комитетининг ўз территорияларида шундай «бозорлар» мавжуд бўлган районлар раҳбарларига амалий тадбирлар кўриш учун аниқ кўрсатмалар беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ИККИНЧИДАН: Собир Раҳимов ва Октябрь районлари территориясида жойлашган «Мардикор бозори» каби жойлар пойтахтимизнинг марказий вокзали атрофида, Қўйлик, Мировод, Тезекон, Олой бозорлари қошида ҳам мавжуд. Мазкур «бозор»ларнинг бу қадар пароканда, тартибсиз ҳолати ва кўриниши турмушимизда кўпгина салбий ҳодисаларнинг — хилма-хил ва катта-кичик жиноятларнинг содир бўлишига, халқ саломатлигининг ёмонлашувига, юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур жойларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, уни давлат ишига алоқадор бўлмаган ҳодиса сифатида назардан соқит қилиш яхши натижаларга олиб келмайди. Биз журналимиз саҳифаларида ёритилаётган мулоҳазаларнинг ижобий натижалари юқорида таъкид этилган барча «бозорлар»да амалга оширилса, халқ ва жамоатчиликнинг истаклари эътиборга олинган бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

УЧИНЧИДАН: масъул ташкилотлар ва айтилган, ички ишлар ходимлари мазкур бозорларда рўй бераётган салбий ҳолатларни рўқач қилиб, «Мардикор бозори»га иш талаб бўлиб келган граждандарга нисбатан турли маъмурий чораларни қўллашни бугунги ҳаётимизнинг демократик принципларига зид деб ҳисоблайди. Шунинг учун мазкур жойларда ишнинг яхши-ланishiга оид тадбир чораларни йўлга қўйиш, кўпроқ иш талаб бўлиб келган граждандарнинг истакларига қўлоқ солиш, ҳозиргача давом этиб келаётган самарасиз «ҳайдаш» усулидан тамомилан воз кечиш, мардикор ва ёлловчининг истаклари асосида жойларда давлат ёки кооператив йўли билан зарур амалий тадбирларни йўлга қўйиш, шароитни яхшилаш, кексаларнинг маслаҳатларини инобатга олиш ижобий натижалар беради деб ишонамиз.



Ш. ОТАБОЕВ

ЗУЛМАТ ИЧРА НУР

Фотима Сиддиқова 1908 йил 5 мартда Оренбург губернасининг Оқбулок қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Уша йиллари мамлакатда оғир вазият ҳукмрон эди. 1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон уруши халқнинг нотинчлигини яна кучайтирди. Бир томонда уруш, иккинчи томонда очарчилик давом этарди. Мушкул аҳволга тушган деҳқонлар ўз жойларини тарк этиб турли ерларга кўчиб кета бошладди. Оренбург губернасидаги жуда кўп хонадонлар ҳам Урта Осиё томон нажот излаб келдилар.

1916 йилда Сиддиқовлар оиласи Тошкентда, Қашқар маҳалласидаги бир хароба хонадонга ўрнашди. Бир томондан қимматчилик, иккинчидан қишининг оғир келиши натижасида Фотиманинг Зуҳра опаси бевақт вафот этди. Хонадон бошлиғи Зариф ака эса тирикчилик ғамида Самарқандга жўнайди. Етим қолган Фотимани шу маҳаллалик Сиддиқ ака асраб олади. Фотима бу камбағал хонадонда 3—4 йил яшади. Аммо Қашқар маҳалласида ҳам очарчилик бошланиб дастлаб Сиддиқ ака, сўнг хотини Салима опа ҳам вафот этади. Болалар уйига жойлашган Фотима шу ердаги «Ибрат» мактабида ўқиб бошлайди. Мактабда яхши ўқиган қиз 4-синфни тугатгач, Зебинисо номли қизлар билим юртида ўқишни давом эттиради. Фотима билим юртидаги актив ўқувчилардан бири бўлган. У ерда ташкил этилган рус тили тўғарагига бошчилик қилган. У 1924 йилда биринчилар қатори комсомол сафига киргач, 1925—26 йилларда Тошкентнинг Кафанов кўчасида ташкил этилган болалар уйида пионервожатий бўлиб ишлади. Фотима Тошкент эски шаҳар комсомол комитетининг топшириқларини яхши бажарар эди. Шу тўғрисида у 1926 йилдан бошлаб Тошкент эски шаҳар комсомол комитети хотин-қизлар билан ишлаш бўлимига раҳбарлик қила бошлаган. Бу вақтда «Хужум» даври бошланиб хотин-қизларни паранжи ташлашга, саводсизлиқни тугатишга, ишга жалб этиш зарур эди. Бу борада Тошкент эски шаҳар комсомол комитети яхши ташаббус кўрсатди. Айниқса, матбуот орқали билдирилган танқидий мулоҳазаларни тезда бюро йиғилишида муҳокама қилиб, кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун чора-тадбир кўрилди. Мана шундай танқидий мақолалар ёзилган «Шарқ гули» (ҳозирги «Тошкент ҳақиқати») газетасининг 1928 йилда босилган нусхаси (1-расм).

«Шарқ гули» газетасининг бу сонидида «Калтатой» маҳалласида сарлавҳали танқидий мақола босилиб чиқди. Мақолада маҳаллада ҳалигача бирон аёл ҳам паранжи ташламаганлиги ёзилган эди. Мақолани муҳокама қилишга бағишланиб Тошкент эски шаҳар комсомол комитетининг шошилиқ бюроси чақирилди. Бюро йиғилишида Ф. Сиддиқова, Н. Пўлатов ва Т. Тошхўжаевлардан иборат учлик комиссия тузилди. Комиссия аъзолари эртасигаёқ «Калтатой» маҳалласига бориб, аҳвол билан танишдилар. Шу маҳаллалик Карим ямоқчи деган кекса отахон билан суҳбатлашдилар. У бор гапни айтди:

— Маҳалламиздаги аёллар, — деди Карим ота Фотимага қараб, — икки киши: бири Махсум домла, иккинчиси савдогар Мирсалим Мирнаби ўғлидан ҳайқиб паранжи ташламайдилар. Айниқса, Мирсалим тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатмоқда. У бу атрофда ҳеч кимдан тап тортмайди. Фақат бозорком Раҳматулла саркордан кўрқади.

Бу гап Фотимани сергаклантирди.

— Раҳматилла саркорни яхши таниймиз, — деди у. — У киши бизнинг қадрдон отахонимиз, актив большевиклардан.

Улар бозор томон йўл олдилар. Тепалиқда жойлашган бешик дўкониди Саркор ота усталар билан

чақчақлашиб ўтирарди. У Фотимани кўриши билан ўрнидан туриб:

— Тинчликми, қизим? — деб сўради.

— Тинчлик, отахон. Сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолди.

— Жоним билан, — деди отахон, — кўлимдан келса...

— Биласиз, — деди Фотима Сиддиқова Саркор отани четга тортиб, — «Калтатой» маҳаллалик Мирсалим савдогар бозорда базозлик қилди. Маҳаллада ундан ҳамма кўрқаркан. Шунинг учун ҳам маҳалла бўйича ҳалигача биронта аёл паранжи ташламаган. Бу тўғрисида «Шарқ гули» газетасида мақола босилиб чиқди. Шу, маҳаллада йиғилиш ўтказсак, унга кўпроқ хотин-қизлар келишса-ю, паранжиги қарши кураш ва хотин-қизларни ишга жалб этиш масаласини муҳокама қилсак...

— Маъқул, — деди Саркор ота ўйланиб туриб, — эртага жума кунни эркаклар мачитда бўлганда Мирсалимнинг уйига ўзинг кириб аҳволни билиб чиқасан. Мен ўша Карим ямоқчининг эшиги олдида сени кутиб тураман.

Эртасига белгиланган вақтда Фотима етиб борди. Раҳматилла саркор Фотимани Мирсалимнинг уйига киритиб юборди. Фотима Мирсалимнинг хотини билан гаплашди. Маълум бўлишича, Мирсалимнинг етти қизи бўлиб, энг кичиги тўрт яшар экан. Улардан биронтаси ҳам янги очилган мактабга қатнамас, хонадондаги қизлар яширинча маҳалладаги Саври отинда сабоқ олар эдилар. Мирсалим ҳамма қизига паранжи қилиб берган. Бундан ўрнак олган бошқа хонадонларнинг қизлари ҳам янги мактабга қатнамас, кўчага паранжи ёпиниб чиқар эдилар.

Фотимадан бу маълумотларни билиб олган Саркор ота Мирсалимни мачит олдида кутди. Мирсалим мачитдан чиқар экан, отага кўзи тушди ва югуриб бориб у билан сертакаллуф кўришди, уйига таклиф этди.

— Уйга кириш қочмайди, — деди Саркор ота жиддий қиёфада, — яқшанба кунни маҳаллада катта йиғин бўлади. Бунда албатта, ҳар бир хонадондан аёллар чиқиши керак. Сеннинг хотининг ҳам чиқиши, паранжи ташлашни биринчи бўлиб бошлаб бериши зарур. Агар айтганимни қилмасанг, бозорга қадам босишингни ўйла.

— Хўп бўлади, хўп бўлади, — деди у кўлини кўксига қўйиб, ясама табассум билан, — албатта хотинимга тушунтираман, уқтираман...

Отанинг тadbиркорлигидан қувонган Фотима яқшанба кунги тантанага алоҳида тайёргарлик кўрди. Актив комсомоллардан Ҳикоят Ҳасанова, Ғози Тўраев, Қосим Дадабоев кабиларнинг иш тажрибасидан фойдаланди. Кечага Эски шаҳар хотин-қизлар жўзбасининг раиси Шамсиқамар Ғойибжонова ва Ҳалима Қозоқовалар ҳам таклиф этилди.

Нихоят маҳаллада катта йиғин бўлди. Хотин-қизлар биринчи бор бундай йиғинда қатнашаётган эдилар. Йиғилишда Тошкент эски шаҳар комсомол комитети секретари Солиҳ Юнусов хотин-қизлар овозлиги ҳақида сўзлади. Ш. Ғойибжонова эса хотин-қизларни ишга жалб этиш масаласини ўртага ташлади. Шу кунги мажлисда иштирок этган аёллар паранжи ташлашни бошлаб бердилар. Биринчи бўлиб Мирсалимнинг хотини паранжи ташлади. Йиғилишда 30 га яқин хотин-қиз маҳаллада ташкил этилган кўрпа артелида ишлашга ёзилди. Йиғилиш охирида Тўйчи Ҳофиз Тошмухамедов раҳбарлигида катта концерт қўйиб берилди.

Фотима Сиддиқова бошчилигида бундай йиғинлар «Қаландархона», «Қорёғди», «Чувалачи», ҳатто

шаҳарнинг шимолидаги «Қирариқ» қишлоғида ҳам ўтказилди. Аммо, минг афсуски, «Қирариқ»да ўтказилган йиғилишнинг охири фожияли тугади. Бу ердаги йиғилишда қишлоқни коллективлаштириш масаласи кўтарилган эди. Бунинг учун қишлоқда 10 гектардан ортиқ ерни эгаллаб ётган Абдумавлон бойнинг жойи ва янги колхоз идораси учун ҳовлиси олиниши зарур эди. Фотима ана шу масалани қишлоқда мажлис ўтказиб ҳал қилиш учун комсомол актив Ҳикоят Ҳасанова билан Қирариққа (ҳозирги Абдурахмонов номли совхоз) боради. Қишлоқ аҳли билан мажлис ўтказиб, бир ҳафта ичида Абдумавлонбой кўрғонни бўшатиб бериши ҳақида қарор қабул қилинади. Бу ишлардан хабардор бўлиб, ғазабда юрган бой 2 та хизматкорини ёллаб Фотимани ўлдирдиш тadbир-чорасини кўради. Шу кун мажлис тўғрисида, Ҳикоят олдинроқ Келес станциясига билет олиб туришга чиқиб кетади. Фотима мажлис қарорларини расмийлаштириб, бир оз вақт ўтгач станцияга ёлғизоёқ йўл — Ёвутевбой боғи орқали кетаётганда бойга ёлланган қотиллар — Рўзимат Шералиев ва Хидирали Машариповлар томонидан бўғизлаб ўлдирилади. Бу воқеа 1929 йилнинг 18 февралда содир бўлган. Фотиманинг жасади 22 февраль кунни янгидан ташкил этилган Чигатой кўчасидаги коммунистлар (ҳозирги Форобий) қабристонига катта митинг ўтказиб кўмилади.

Қотиллар орадан бир йил ўтгач қўлга тушади. Тошкентнинг Эски Жўва майдонидаги хотин-қизлар клубида очик суд қилиниб, Абдумавлонбойни отишга, 2 қотилни 10 йилдан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Бу маълумотни судда қораловчи сифатида қатнашган Солиҳ ота Юнусовнинг суҳбатидан олдим. (У кишининг айтишича 1930 йил 5—8 май кунлари суд ўтказилиб, суднинг бориши «Тошкент ҳақиқати» газетасида тўлиқ берилган экан.) 30-йилларда Фотиманинг қабрига ёдгорлик ўрнатишга имкон бўлмади. Фақат у билан бирга ишлаган комсомол активларидан маҳрум Неъмат Пўлатов (1911—1985) Фотима ҳақида ўз хотираларини ёзиб қўйган ва 20-йилларда ишланган бир неча деворий ва фотогазета нусхаларини сақлаб юрган. Булар оддийгина ҳужжатлар эмас, 20-йиллардаги ёшларимиз олиб борган жанговар ишлар ҳақидаги ёдномадир. Бу қимматли материаллар бир неча комсомол ветеранларини излаб топишга асос бўлди. Улар билан мактаб, пионер уйларида, радио ва телестудияда учрашувлар ўтказилди. Тобора янги-янги маълумотлар тўпланди. Уч марта «Ешлик» редакцияси телевизор орқали кўрсатув уюштирди. Бу кўрсатувдан сўнг студияга Фотиманинг авлодларидан раҳматномалар кела бошлади. Маълум бўлишича Фотиманинг 2 укаси (ота бир, она бошқа) — Шавкат ва Тальатлар Нурота шаҳрида, 3 холаси Жанубий Қозоғистоннинг Сарағоч районида яшар экан. Булар билан ҳам 2 марта учрашув ўтказилди.

15 йиллик изланиш натижасида унутилиб кетган Фотима Сиддиқова номи абадийлаштирилди. Унинг портрети Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, rassom Ҳикмат ака Раҳмонов томонидан тикланди ва шоир Тўхтамурад Деҳқоний «Фотима ҳақида кўшиқни яратди. Кўп йиллик изланишлар натижасида тўпланган материалларнинг кўпчилиги (киноленталар ҳам) Тошкент шаҳар Островский номи пионерлар уйдаги музейда, бир қисми Республика комсомоллари тарихи музейида ва В. И. Ленин номи пионерлар саройида, 24-ўрта мактаб музейида сақланмоқда.

Фотима Сиддиқова каби қахрамон комсомолларимиз, ўйламанки, кўп бўлган. Уларни излаб топиш фақат «қизил изтопар»ларнинг эмас, юрагида ўт чақнаган ҳар бир ёшнинг ҳам бурчи бўлиши керак!

Ҳамидулла ЙУЛДОШЕВ,
Республика комсомол ветеранлар совети
раисининг ўринбосари



Туркистондаги комсомол ташкилотчилардан бири В. Г. Колчин УЛКСМ XVI съезидида нутқ сўзламоқда.




Булунғур район Ленин номи колхоз стажановчи комсомоллари Ҳикматой Шодиева ва унинг дўгони-лари.
Самарқанд, 1946 йил.
КУЗЬМЕНКО фотоси.




ГУЛДАСТАЛАР
КЎРГАЗМАСИДА...



А. КУДРЯШЕВ фотолари.





ШОҚРУҶИЯ СИРЛАРИ

А. Кудряшев фотолари.

Мақолани 8—19-саҳифаларда ўқинг!



Абу Райхон Беруний

Агарда фаннимиз ўтмишига назар ташласак, унинг уфқида қуёшдек порлаб турган улуг олимларни кўрамиз. Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Ломоносов... Улар ўз умрларини илмга бахш этиб, инсоният тараққиётини бир неча асрга илгари сурган ақл ва заковат эгаларидир. Шундай экан, уларнинг ҳаёт йўлларини ўрганиш, бой ва бетакрор меросидан баҳраманд бўлиб бориш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Зеро, тарихимизни чуқур ўрганмай туриб илгари босиб қийин. Шунинг учун ҳам биз журналда «Барҳаёт сиймолар» деган янги рубрика очдик. Рубрикаданок муҳтарам журналистларимиз мақсадимизни тушуниб етдилар деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб бу гал ўрта асрнинг қомусий олими Абу Райхон Беруний ҳаёти билан танишасиз.

ланма сифатида фойдаланиш керак.

5. Предметни ўрганган пайтда фикрлаш зарур.
6. Бир маълумотни, фикрни, афсонани иккинчилари билан чоғиштириш, таққослаштириш ва улардан энг ишончлисини, яъни табиатда мавжуд бўлган қонулар ва тартиблар йўл қўядиганини ҳақиқий нарсаси сифатида қабул қилиш зарур.

7. Текширганда маълумдан номаълумга, яқиндан узоққа қараб бориш лозим.

8. Узоқ ўтмишга оид нарсани билишга келганда, шу нарсани тарихини ўрганиш лозим. У ҳақда илгари роқ яшаган халқ — кишилар афсона ва шаҳодатларида берилган маълумотларни ўрганиш керак.

Хуллас, Беруний табиат ва жамият ҳодисаларини тадқиқ қилишда фанга, тажрибага, кузатишга кўпроқ амал қилишга даъват этадики, бунинг бугунги кунимизда ҳам аҳамияти катта. Шу ўринда мен ҳаётни ўрганиш, тадқиқ қилиш билан боғлиқ юқоридаги йўл-йўриқларни диққат билан ўрганиб, фикрлаб, мушоҳада қилиб, ҳаётингизга, ўзингизга татбиқ этишингизни жуда-жуда истардим. Бир қараганда оддий ва жўн кўринган бу методларда ҳаётни ўрганиш, яшаш фалсафаси бор.

Биз бугун табиат ҳодисаларининг келиб чиқиш асосларини яхши биламиз. Сабабларини осонгина тушунириб бера оламиз. Аммо ўз фикрларимизни баён қилганда унинг туб илдизлари Берунийга бориб тақалишини ҳаёлимизга келтирмаймиз.

Беруний ўзининг «Минералогия» номли китобида — оҳанрабо (магнит)нинг хусусиятларини баён қилиш билан бирга, электрни ҳам қаҳрабо, яъни сомон тортувчи деб қарайди. Ушбу ўринда Т. Усмоновнинг «Берунийнинг физика тарихида тутган ўрни» номли мақоласидаги қуйидаги сўзларни эслаш ўринлидир.

«Берунийнинг магнит қутблари ва магнит хоссасининг (кучнинг) ташқи куч таъсирида ўзгартириш каби фикрлари XVII асрларда Гильберт ва ундан кейинги олимларнинг ишларида маълум бўлган бўлса, олимнинг магнит майдонининг кучланганлиги, яъни магнит майдонининг магнит массасига боғлиқлиги ҳақидаги ихтиролари Европада фақат XVIII асрдагина кашф қилинганлиги ҳайратомиздир. Марио Льюцци ўзининг «Физика тарихи» деган китобида (66—67-бетлар) Англиянинг машҳур олими Гильбертнинг юқоридаги фикрларини эслатиб, «Биз электр ҳақидаги фанни яратиб берганлиги учун Гильбертдан қарздоримиз» ёки «Уильям Гильберт электр ҳақидаги фаннинг отаси деган шарафли номга тамомла ҳақлидир», — деб таъкидлайди. Агар шундай деб аташ жоиз бўлгудай бўлса, у ҳолда бу шараф Гильбертдан қарийб 6 аср илгари, Гильбертга нисбатан электр ҳақида анча кенгроқ фикр юрита олган Берунийга мансубдир, десак ўринли ва тўғрироқ булар эди. Бизнингча, магнитизм ҳақидаги худди шундай шараф ҳам Берунийга мансубдек кўринади».

«Ер юмалоқ...»

Берунийнинг «Ҳиндистон» асарини ҳам дунёга маълум ва машҳур. У бу китобида Ернинг шакли ҳақида гапириб шундай ёзади: «Ер юмалоқ бўлмаганда одамлар яшайдиган жойлар кенглиги географик минтақаларга ажралмас эди, ёзу қишда кеча билан кундуз (узунлиги) ўзгармас эди, ёриткичларнинг (уфққа нисбатан) вазиятлари ва сутка йўллари ҳозиргидек кўринишда бўлмас эди». Беруний Ернинг шарсимон шаклда эканлигини тасдиқлаш билан кифояланмай, уни тўлароқ тасаввур қилиш учун 995 йилда глобус ясади. Ундан шаҳарларнинг географик координатлари ва масофаларини аниқлашда фойдаланди.

Беруний Ғарбий (Америка) ва Жанубий ярим шарларда ҳам қуруқликнинг мавжудлиги ҳақида фикр юритиб бундай деб ёзади: «Эҳтимол Ер чоракларидан бўлган икки чорак қуруқликка диаметрал қарама-қарши қуруқлик бордир, худди шунингдек, сув остида кўмилиб қолган бошқа икки чоракнинг ҳам бир-бирига диаметрал қарама-қарши бўлиши зарурдек кўринади».

Берунийнинг Ер айланаси узунлигини топишдаги қўллаган усули айниқса диққатга сазовор. Унинг «Ер ҳажминини тоғ чўққисидан кузатишдан горизонтнинг пасайишини аниқлаш орқали ўлчаш ҳақида рисола» деб аталганининг ўзи қўйилган масалани Беруний оригинал усулда ҳал қилганини кўрсатади. Хўш, бу қандай усул эди?

«Бу усул шундан иборатки, сен денгиз ёки текислик сатҳидан баландда жойлашган тоғнинг устига кўтарилсан, сўнгра, Қуёшнинг ботишини кузатиб, горизонтнинг пасайиш бурчагини топасан. Шундан кейин ўша тоғ перпендикулярининг ҳажминини (яъни тоғнинг баландлигини) аниқлаб, бу ҳажминини горизонт пасайишининг қўшимча бурчагини синусга кўпайтирасан, кўпайтмани эса ўз навбатида пасайишнинг ўз бурчагининг айлантирилган синусига тақсим қилсан. Сўнг икки марта оширилган йиғиндини ҳамма ҳолларда ҳам йигирма иккига кўпайтир ва ҳосил бўлган кўпайтмани еттига бўл, натижада ер айланасининг сен тоғ баландлигини ўлчашан сонларда ифодаланган ўлчови келиб чиқади».

Берунийнинг ўлчаш натижалари ҳозирги маълумотлар билан таққослаганда фарқ — 31,5 км бўлиб, бир градус ёйнинг узунлигидан фарқи эса атиги 252 метрни ташкил қилади.

Осмон жисмлари қандай ҳаракатланади?

Маълумки, ҳатто Коперник ҳам осмон жисмларининг ҳаракатини айланма ҳаракат деб ҳисоблаган эди. Хўш, Беруний-чи? Берунийнинг илмий кузатишлари унга осмон жисмларининг ҳаракат траекториялари эллипсоид шаклида бўлади, деб айтишга асос берди. Бу фикрни янада ойдинлаштириш учун академик М. А. Сальенинг асаридан олинган қуйидаги кўчирмага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

«Беруний кашф этган яна бир ғоя бор. У биринчилардан бўлиб осмон жисмлари ҳаракатининг траекторияси эллипсоид шаклига эга эканлигини айтган. Бу масала Берунийнинг Ибн Сино билан қилган баҳсида кўтарилган. Берунийнинг бу фарази шубҳасиз жуда муҳим аҳамиятга эга. У кейинчалик Кеплер томонидан қилинган буюк кашфиётга дебоча бўлди. Кеплер осмон жисмлари эллипс шаклидаги орбиталар бўйлаб ҳаракат қилишини, у ҳаракатлар фокуслардан бирида Қуёш ётишини илмий жиҳатдан исботлаб берди».

Маълумки, Берунийнинг 150 дан ортиқ йирик монографик асарларидан фақат бир қисмигина бизгача етиб келган.

Ушбу кичик бир мақолада қомусий олим Берунийнинг жаҳон фани хазинасига қўша олган ажойиб кашфиётларини баён қилиш мумкин эмас. Зеро, Беруний шуғулланган фанларнинг соҳалари чексиз қиррали биллурга ўхшайди, шунинг учун биз ушбу мақолада у ўчмас из қолдирган фанларнинг айрим соҳаларидан баъзи намуналар келтирдик, холос. Агар муҳтарам журналхонлар, улуг олим ижоди билан янада чуқурроқ ўрганишга шайланса, уларга қуйидаги китобларни ўқишни тавсия қиламиз.

1. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар тўплами. Тошкент.
2. Беруний. «Минералогия».
3. С. П. Толстов, Беруний Урта асрнинг буюк олими, Тошкент, 1951, 4-бет.
4. М. А. Салье. Абу Райхон Беруний. Тошкент, 1960, 59-бет.
5. Қ. Норхўжаев. Беруний ва унинг геодезия фанига доир ишлари. Тошкент, 1973.
6. Беруний туғилган кунининг 1000 йиллиги. «Тўплам». Тошкент, 1973.

Баҳодир УСМОНОВ,
Тошкент Политехника институти
физика кафедрасининг инженери.



«Билим олишга чанқоқ эдим»

Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний 973 йилда Амударёнинг шарқида, ҳозирги Урганчдан 120 чақирим олинсадаги Қиёт (Кот) (Ҳозирги Беруний райони ўрнида) деган шаҳарда дунёга келди.

Бу маълумотлар кўпларингизга дарсликларингиздан маълум эканлигига шубҳам йўқ, лекин яна бир эслаб қўйсак чакки бўлмайди. Биринчидан, ёдингизга тушади, билмайдиганлар эса билиб олади.

Энди икки оғиз алломанинг болалик йиллари ҳақида. Мен Беруний ҳаёти ва ижоди билан танишар эканман, аввало, унинг болалик йиллари ҳақида сизга кўпроқ ҳикоя қилгим келди. Сабаби, фан асосларини у қачон ва қандай ўргана бошлаган, деган савол мени жуда қизиқтирарди-да. Сизни-чи? Сизни ҳам қизиқтирадими? Ундай бўлса аллома ўз қўли билан битган қуйидаги сатрларга эътибор беринг.

«Мен болалик чоғимдаёқ (ўз) ёшим ва шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга чанқоқ эдим. Бунинг далили сифатида (қуйидагини) келтириш кифоя: биз турадиган жойга (ўшанда) бир юнон кўчиб келган эди: мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб унга кўрсатар ва бу нарсалар унинг тилида қандай айтилишини сўраб олиб, номини ёзиб кўяр эдим».

Берунийнинг улуг олим бўлиб етишишининг, илм-фан соҳасида қўлга киритган ютуқларининг илдизи ана шу синчковликда эмасми? Бўлажак кашфиётларининг пойдевори айна шу болалик йилларида қўйилмаганми? Бугун мактаб партасида ўтириб, илм-фан сирларини ўрганаётган йигит ва қизлар учун алломанинг бу сўзлари ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилиши керак.

Абу Райхон Беруний ўрганган ва шуғулланган фанлар шу қадар кўпки, уларни санаб адоғига етиш қийин. Унинг физика, математика, астрономия, география, геология, минералогия, геодезия, тарих, фалсафа, мантиқ, адабиёт, фармакогнозия, этнографияга оид кашфиётлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Берунийнинг яна бир улуглиги форс, араб, юнон, ҳинд ва яна бир қанча бошқа тилларни мукамал билган. Хўш, ўзини фан йўлига боғламоқчи бўлган умидли ёшларимиз қанча тил билишади? деган савол туғилади. Ҳа, бу ҳақда ўйлаб кўриш лозим.

Модомики, биз Берунийнинг илмий меросига қўл урган эканмиз, аввало унинг табиат ва жамият ҳодисаларини ўрганишда унинг ўзи ҳамisha амал қилиб келган методологиясини беш қўлдек билиб олишимиз керак. Улуғ ҳамюртимиз ишлаб чиққан бу услуб унинг ижодини ўрганишда сеҳрли калит вазифасини ўтайди. Беруний методининг характерли белгилари қуйидагича:

1. Онгни эскирган, фанатик нарсалардан, ғаразли мақсадлардан, ғайри объектив фикрлардан, субъектив хоҳишлардан тозалаш зарур. Ҳаммадан аввал, — деб ёзади Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида, — биз ўз миямизни кўпчилик кишиларни бузатурган фавқуллода шарт-шароитлардан, ҳақиқат олдида одамларни кўр қилиб қўядиган ҳар қандай сабаблардан, шахсан эскирган урф-одатлардан, фанатизмдан, рақибликдан, ўз таъсирига эга бўлишни орзу қилишдан ва бошқалардан тозалашимиз керак.

2. Табиат ҳодисаларини тушунирганда табиатнинг ўзидан келиб чиқиш керак ва унинг ўзида бўлган қонуниятга, мисол ва тажрибага асосланиш лозим.

3. Предметни ўрганишни ана шу предметни ташкил этиб турган унсур (элемент)ларни ўрганишдан бошлаш зарур.

4. Сезги органларининг берган маълумоти асосланган ҳолда, дедукциядан, яъни исботлашдан қўл-

Шохрухия сирлари

Эндиликда бу пасту баланд жойларга йилнинг фақат тўрт фаслигина меҳмон бўлади: баҳор яшнатади, ёз қовжиратади, куз ўзининг изғиринли, ёмғирли кунлари билан жунжиқтиради, қиш эса оппоқ кўрпасига ўраб, уйқуга толдиради. Аслида бу жойларда бутун бир сирли олам — шаҳар ухлаб ётибди. Ҳа, унинг бағри бир вақтлар одамлар билан ободу, ариқларида Сирнинг гоҳ бўтана, гоҳ тиниқ сувлари шарқираб оқарди. Бу ер саккиз юз йил муқаддам шундай эди. У юз гектардан зиёдроқ маконга қулоч ёзган шаҳар бўлиб — Бинокент деб аталарди. Сирдарёнинг ўнг қирғоғига жойлашганди.

Шаҳар унча-мунча шаҳарлар билан беллаша оларди. Ажойиб шиша буюм усталари-ю, кулларнинг довуғи узоқ-узоқларга кетганди. Машҳур ипак йўлининг карвонлари ҳам Бинокент орқали ўтарди.

Мозийга қараб туриб шаҳарлар ҳам худди одамлардек яшаб, кунлардан бир кун йўқликка юз тутишини ўйлаб кетасан киши. Бинокент ҳам XI—XII асрларда навқиронлик даврини бошидан кечирди. Аммо XIII аср инқирозга юз тутиш асри бўлди. Эҳтимол Чингизхон лашкарлари унинг устига юриш қилмаганида у чегарасини кенгайтиргандан кенгайтираверармиди. Ахир шундай катта дарёдан сув ичган шаҳар фақат униб-ўсиши керак эди-да. Ушанда шаҳар халқи билан Чингизхон аскарлари ўртасида олишув қаттиқ кечди. Охир-оқибат шаҳар ер билан яқсон бўлди. Унинг мард ўғлонлари, ҳунарманд усталари шаҳар билан бирга кўмилдилар. Қолган-қутганлари бош олиб кетишди. Тарих саҳифасидан беш бармоқдек бир шаҳар ўчди — мангуликка юз тутди.

Орадан неча-неча йиллар ўтди. Икки дарё оралиғидан бутун кучи-қудрати, силсиласи билан Темур салтанати ўсиб чиқди. Ҳукмдор ўз давлатини мустақамлаш ниятида қоровул тепалар, мудоффа иншоотлари қура бошлади. Бинокентга ҳам тақдир кулиб боққандек бўлди. Унинг ҳаробазорларига ҳам инсон қадами тегди. Темур нимагадир бу харобазорга алоҳида меҳр қўйди. Яна аркона уйлар оёққа тура бошлади. Шаҳар атрофи сувли хандақлар ва қалин деворлар билан мустақам ўралди. Темур бу ерни ўғли Шохрух номи билан атади. Унинг Шохрухия номи шундан. Шаҳар гўзалликда худди Сирдарё юзидаги узукка ўхшарди. Шунинг учун ҳам Темурнинг меросхўрлари кўпинча ўз вақтларини шу Шохрухияда ўтказишар, дарё ёқалаб шикорга чиқишарди. Тарихий маълумотларга қараганда улуғ аллома Улуғбек ҳам бу шаҳарда кўп бўлган, қадим Сирнинг сувларидан ичган, йўлбарс овларига чиққан. Бу Темур юришлари даврига тўғри келади. Буни қарангки, улуғ ҳоқоннинг довуғи ҳам абадий эмас экан. Унинг салтанати емирила бошлаши билан тақдир Шохрухия устида яна ўз ойболтасини яланғочлаб қолди. Тожу тахт илинжида бир-бирга қилич ўқталган меросхўрлар болалик дамлари кечган Шохрухияни унутишди. XVII—XVIII асрларда шаҳар сўнгги бор култепага айланди. Улдинг-ўчдинг деган мудҳиш шарпа ҳали ҳануз ўз кўланкасини харобалар узра ташлаб турибди.

Аммо Она ер бағридан макон топган шундай шаҳарлар борки улар неча минг йиллаб ҳам қилт этмай ўз авлодларини кутиб ётаверарди. Минг афсуски бундай тақдир Бинокентга насиб этмаган. Унга бир вақтлар сув берган, боғ-роғларини яшнатган Сирдарё бир неча асрдирки шаҳарга тинчлик бермайди. У нуқул ўнг қирғоқни ювиб шаҳар қолдиқларини емир-

гани-емирган. Ҳозиргача дарё шаҳарнинг ярмини ювиб бўлди. Шу кетишда яна 350—400 йилдан сўнг шаҳар ўрнидан ному нишон қолмайди.

Ҳа, гап келажак ҳақида, Бинокент — Шохрухияни келажак авлодларга етказиш ҳақида боряпти. Бизни қувонтирган нарса шуки, бу хайрли иш билан мактаб ўқувчилари — ёш археологлар шуғулланишяпти. Улар қадим шаҳар бағридан XI—XVI асрларга оид шундай маълумотлар топишдики, ашъвий далиллардан каттагина музей кўрғазмаси ташкил этиш мумкин.

Ёш илму толиблар

Хўш, ўлик шаҳарга жон бераётганлар кимлар дейсизми? Самарқандликлар! Ҳа, бир вақтлар уларнинг узоқ аждодлари тож-тахт курашларида шаҳарни эсдан чиқариб, абгор қилишган эди. Буни қарангки Шохрухияга яна тақдир кулиб боқди. Бу сафар абадий кулиб боққандек. (Лекин бундай дейишга шошмайлик. Бу ҳақда кейинроқ). Шаҳар ўз умри давомида икки марта гуллади, икки марта йўқликка юз тутди. Энди эса тарихнинг ўрганилмаган мукамал саҳифаларида ҳашаматли музейлар тўрида яшаш даври бошланаётгандек. Бундан буён музей ходимлари зиёратчиларга: «Қадимги — Чоч — ҳозирги Тошкентнинг ғарбий-жанубидан оқиб ўтадиган Сирдарёнинг ўнг қирғоғида Шохрухия шаҳри бўлган эди. Мана бу шиша идишлар, сопол буюмлар, сув узатиш қувурлари — бизнингча водопровод шаҳарнинг қанчалик гуллаб-яшнаганлигидан дарак беради» дея ҳикоя қила бошлайдилар. Ана шу пайтда бу бой тарихий маълумотларни сабр ва тоқат билан излаган ҳар бир зарра маълумот учун тонналаб тупроқни қил чўп билан у ёқдан бу ёққа сурган ёш археологларимиз номларини тилга олиб ўтсалар ажаб эмас.

Бундан олти йил муқаддам Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Самарқанддаги институтида ёш археологлар бўлими иш бошлаган эди. Бу бўлим ЎзССР фанлар академияси, ЎзЛКСМ Марказий Комитети ва Маориф вазилиги мактабларда кичик фанлар академиясини ташкил этиш ҳақидаги Низомидан кейин ташкил этилди. Аввалига мактаб ўқувчилари билан олимларнинг яқинлашуви шунчаки бир тарбиявий ишдек туюлди. Аслида шундайми? Йўқ! Секция бўлажак археолог-

ларга бир мактаб вазифасини ўташи керак эди. Бундан ташқари икки ярим минг ёшга кирган Самарқанд ўз атрофидаги юзлаб шаҳарлар билан алоқа қилганлиги, унинг тарихи ўша йўлдош шаҳарларсиз бутун бўлолмаслиги табиий. Буни ёш ўлкашуослар, кенг мактаб ўқувчилар кучи билангина амалга ошириш мумкин.

Секцияга институт директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори Юрий Федорович Бураков раҳбарлик қила бошлади. Институт ходими Валерий Иванович Набаков унга ёрдамчи бўлди.

Секция аъзолари ҳар гал Шохрухияга келгунча ҳар якшанба кунини ўз устозларидан таълим олишади. Бошқа қир-адирлардан фарқ қилмайдиган бу жойларда ота-боболарининг бой ўтмиши сақланаётганини ҳис этиб келишади. Улар шаҳарнинг ҳар бир қарич ерини «сизсираб» авайлашади. Бир вақтлар Чингизхон қиличидан қонга беланган шаҳарни кафтлари билан гўё силаб-сийпаб уйғотишади. Яна улар шаҳар билан тиллашгани баҳор қулф урган, ёки кеч куз салқинида эмас, мактаблардаги машғулотлар поёнига етганда, айни жазирама ёз саратонида келишади. Уч ой ёз шу ерда бўладилар.

Барибир тилсимларнинг эшигини очишни ўзи бўлмайди. Бунинг учун анча-мунча жафо чекиш керак. Ахир Шохрухия минг йиллик тарихга эга. Шунча йиллик ўтмиш тупроққа қоришиб ётибди. Беш йил давомида ёш археологлар чақа пуллар, бус-бутун кўзалар, шиша, чинни буюмлар топишди.

Фаннинг ҳукми — яшаш

Ёш археологларнинг қароргоҳи сўлим ўрмончага жойлашган. Бир томонга чодирлар тикилган, бир томонда ошхона, овқатланиш жойи. Бу ердаги ҳаёт эрта тонгда — бошқа болалар уйқунинг қаймоғини олаётганда бошланади. Чунки ялангликда узоғи билан соат ўн

бирларгача ишлаш мумкин. У ёғига қуёш сели шундай куйдирадики, чидаб бўлмай қолади. Ўқувчиларнинг вақти эса тизгиз, иш эса ҳали бир неча йилга етарли. Баъзан чироқ ёруғида ишлайдиган ташаббускорлар ҳам бор. Шундайлардан бири Рамил Носиев. У қидирув вақтида йигирмага яқин танга пуллар топди. Улар Қорахонийлар (XI—XII—XIII аср) ва Улуғбек (XV аср) даврига оид бўлиб чиқди. Албатта бундай омад ҳаммага ҳам кулиб боқавермайди. Энди бу топилмаларнинг баёнида Рамилнинг ҳам номи қайд қилиб қўйилади. Мана одамлар тарих саҳифаларига, илм оламига қандай кириб келадилар.

Рамилнинг тенгдоши Виталий Садков бўлса ўз группаси билан олтита қабри очишди. Ҳозирги давр билан ўрта аср ораллигида дафн маросимида қандай ўхшашликлар бўлган? Бу ҳақда бирон бир қарорга келишга эрта. Буни олимлар — антропологлар ўрганишади ҳали.

Нафақат Рамил, Виталий, балки Сергей Батюкно, Андрей Потелепен ва бошқаларнинг топилмалари ҳам археологларнинг ноёб фондидан жой олган. Лекин гап нафақат топилмаларда эмас, масаланинг бошқа томони ҳам бор. У ҳам бўлса бу ерда ишлаётган ўн тўрт, ўн беш ёшли болаларнинг катта одамлардек ўта жиддий, оғир, вазмин кўриниши. Уларда катталарга эргашадиган кўра мустақиллик, ўз ишига нисбатан ўта масъулият кучли. Гўё қадим Бинокентнинг оқил ва доноликлари уларга ўз таъсирини ўтказётгандек.

Ахир секцияда олинган назарий билимни қандайлигини амалда синаб кўриш, бир-бирига қийослаш, хато қилмаслик — буларнинг бари ўйинқароқликдан кўра жиддийликни талаб қилади-да! Лагерда навбатчилик қилиб эртдан то кечгача ош-овқат тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Ёки бўлмаса ўқувчилардан бирини ош-овқат, дори-дармон, кийим-кечак — умуман ҳисоб-китоб ишларига жавобгар қилиб қўйишади. Бу вазифа ҳам ўқувчида масъулият ҳиссини эрталоқ пайдо қиладики йўқми? Секциянинг моҳияти шунчаки тарих ўрганиш эмас, ёшларни ҳаётга тайёрлаш ҳамдир. Ўртоқ Набаков ишларни ана шундай ташкил этган. Лагерда дала совети ишлайди. Советга беш йиллик тажрибага эга бўлган Андрей Коротков бошчилик қилади.

Мен ёз давомида Шохрухияда икки марта бўлиб, ёш археологлар билан учрашдим. Уларга мактабдаги машғулотлар қизиқарлими ёки секциядагими деб савол бердим. Улар мана нима дейишди:

Умид РАШИДОВ (Умид бу йил 10-синфини тамомлади, СамДУнинг тарих бўлимига ўқишга кирмоқчи эди) — Мен секция ҳақида кечки-киброқ хабар топганимдан ҳали-ҳануз афсусдаман. Ахир мен саккизинчи синфдан археолог бўлишни орзу қилиб келардимда. Секцияда эса бор йўғи бир йилгина шуғулландим холос. Шунга қарамай кўп нарса ўргандим...

Сергей ЕВДОКИМОВ: — Биласизми, бу ерда мактабдагига қараганда анча эркинлик, мустақиллик бор. Ишнинг ўзиям қизиқарли-да.

Андрей КОРОТКОВ: — Мен археологик қазилмаларга чиқишни тўққиз ой сабрсизлик билан кутаман. Ёз мен учун байрам!

Жанна БОЛДИРОВА: — Секция машғулоти мактабдаги машғулотларга қараганда менга кўпроқ ёқади. Умуман бу ерда ҳаёт бошқачароқ. Масалан, топшириқларга баҳо қўйишмайди. Баҳоям бизни қандайдир чегаралаб қўяди-да. Ундан кейин бу ерда биз ҳаммамиз битта ишни бажарамиз. Билмаганларимни билганлардан тортинмай сўрайвераман. Мактабда бўлса танаффус бўлдим, болалар стадионга чопишади, қизлар бўлса тўп-тўп бўлиб шивир-шивирга тушишади. Мактабда гуноҳ иш қилсанг уйга қўшимча вазифа бериш билан жазолашади. Секцияда эса машғулотлардан четлатишади. Менга яна раҳбаримиз Валерий Ивановичнинг хушмуомалалиги ёқади. Улар бир қарасанг устоз, бир қарасанг ўртоқдир. Хоҳлаганча тортишиш, фикрлашиш мумкин. Мактабдаги ўқитувчи билан тортишиб, баҳслашиб кўрингчи. «2» билан кўрқитишади.

Албатта биз бу билан мактабдаги ўзига хос кенг тармоқли машғулотларни секция ҳаёти билан қарама-қарши қўймоқчи эмасмиз. Мактабдаги таълим-тарбия ишларининг ўз мурак-

кабликлари бор. Жилла курси мактабларимизда ташкил этилган кичик фанлар академияларининг тўғарак ва секциялари шу ёш археологлар машғулотидек ўқувчиларни ўзига жалб қилсин демоқчимиз.

Секция муаммолари

Бундай қараганда самарқандлик ёш археологларнинг иши рисоладагидек, бугунги қайта қуриш талабларига тўла жавоб бераётгандек, мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини намунали ташкил этгандек.

Аслидачи? Аслида секция раҳбарлари Буряков билан Набаковнинг куйиб-пишишларини, елиб-югуришларини на Самарқанд область маориф бўлими ва на область комсомол комитетидаги ўртоқлар англаб етишяпти. Бўлмаса барча муаммоларни секция раҳбарлари зиммасига ташлаб қўймаган бўлардилар. Орадан олти йил ўтибдиёки, Шохрухияда қандай ишлар қилинаётгани у ёқда турсин, ҳатто секция машғулотларининг биронтасига на область комсомол комитетининг, на ОблОНО, на ГорОНО, на РайОНО вакиллари бош суқишмаган. Бу ташкилотлар секция билан фақат справкалар орқали боғланишади. Ахир юқори ташкилотлар мактабдан ташқари болалар тарбияси ишлари ҳақида маълумот сўрашади-да. Қачонгача у ёки, бу ишга справкалар орқали қараб, хотиржам бўлиб юрамиз. Бир мисол: шу йил 4 июнда самарқандлик ёш археологлар Карелия ярим оролида ўтказиладиган Бутуниттифоқ экспедициясида қатнашишлари керак эди. Буни қарангчи чақирув қоғози область маориф бўлимидан археология институтига ўн икки кунда кечикиб етиб кепти. Натижада ҳеч ким боролмади. Ёки бўлмасам тўғарак раҳбари Набаковни Донецк шаҳрида бўладиган ўлкашунослар Бутуниттифоқ йиғилишига чақиришди. ОблОНОдаги ўртоқлар бўлса «ўзинг учун ўл етим» қабилда иш тутиб, Набаковга маориф министрлигига бориб, ўзингиз рухсат олинг, дейишди. Энг ачинарлиси район халқ маорифи бўлимининг айби билан шу йил ёзда экспедицияга ўн кун кеч боришди. РайОНО бухгалтериясидагилар бўлса молиявий харажатларни пеш қилишиб «бошга битган бало бўлдиларингку» деб экспедиция раҳбарларига кўз очиришмайди. Яна бир гап. Самарқанддаги 2-мактабнинг тарих ўқитувчиси Виктория Брикалова ҳар йили Шохрухияга бориб ишлаш хоҳишини билдиради (чунки болаларга битта тарбиячи керак). РайОНО бўлса борсангиз бораверинг, фақат ўз ҳиссангиздан, деб рад жавоби бериб келади.



Шундай қилиб, кичик Фанлар академиясининг археология секцияси мана шундай тақдир инон-эйтиёрига ташлаб қўйилган. Маблағ етишмайди. Транспортлари йўқ. Бор отанга, бор онанга деганларидек униси унга, буниси бунга тўнкаб келишади. Ахир кичик фанлар академиясининг Низоми Республика Фанлар академияси, Маориф министрлиги ва республика комсомол Марказий Комитети билан биргаликда ишлаб чиқилган эдику, Набаков мазкур Низом юзасидан ким нимага жавобгару, ким қанча пул ўтказиши керак — шуларни билиш мақсадида тегишли маҳкамаларга учрашди. Минг афсуски бундай таҳлилий ҳужжатни на академия Президиумидан, на Маориф министрлигидан ва на Марказий Комитетдан топди!

Биз ўтмишсиз бугун, бугунсиз келажак йўқлигини яхши биламиз. Ёш археологлар тарихни ўрганишдек келажакли ишга бел боғлашган экан, бу иш масъулиятини уларнинг ташаббускорлигигагина юклаб қўйиб бўлмайди. Ҳар қандай ташаббус ҳам қўллаб-қувватлангандагина самара беради. Секциянинг мустақкам моддий базаси бўлиши керак. Бу ишга ҳозиргача фақат археология институтига бош қўшиб, ёрдам кўрсатиб турибди. Бошқаларчи?

Бу йил ҳам ёш археологлар бир амаллаб дегандек амал-тақал билан ёзги мавсумини ўтказишди. Шохрухия сирларини ўрганишди. Лекин ҳозирдан келгуси йил ташвишлари бошланди. Улар яна қазил ишларини давом эттира оладиларми, уларнинг ҳаётида муҳимроқ, дурустроқ силжш юз берадимиз?

Буниси дарғумон.

В. И. ВОЛОТКО.

«Ёш куч» — «Молодая смена»нинг махсус мухбири.



РЕДАКЦИЯДАН: Юқоридаги қиссадан ҳисса чиқариб, «мутасадди» деб таъкидлаётган ўртоқларга мурожат қилмоқчимиз:

Самарқанд область халқ маорифи бўлимининг мудури ҳурматли Сулаймон ҚАРШИ-ЕВИЧ! Яна ёш археологлар ҳақидаги гап, ҳаммаси тушунарли бўлдику дейсизми? Биз бошқа нарсани — Сиз бошчилик қилаётган область мактабларидаги, пионер ва ўқувчилар уйлари, саройлари, Ёш техниклар, табиатшунослар станцияларидаги турли тўғарак ва секциялар ҳақида ўйлаб қолдик. Уларга ҳам бири математик, иккинчиси физик, учинчиси муннажжим бўлиш ва ҳоказо орзуларни юракларига тугган талабчан, тиниб-тинчимас ёшлар қатнашади. Хўш, бу ёш юраклар армони ушалармикан! Нимагадир энг яхши секцияга Сизларнинг бундай муносабатда бўлишингиз бошқаларига нисбатан бизда шубҳа уйғотиб қўйди. Сиздачи?

Самарқанд область комсомол комитетининг биринчи секретари ҳурматли Равшан ЭШИМОВ! Агарда бир мартагина Шохрухия-

га борганингизда эди ҳаммасига ўзингиз иқроп бўлардингиз. Зотан бу ерда кўп одамлар бўлади. Масалан, Ленинградда чиқадиган «Костёр» журналининг мухбири, республика радиосининг журналистлари, маданий ва тарихий ёдгорликларини муҳофаза қилиш Тошкент область жамияти вакиллари... Улар жуда кўп.

Ёшларнинг олти йилги изланишларини ўрганиб, ҳатто область Ленин комсомол мукофоти лауреатлигига арзитиш ҳам мумкин эди.

Шунингдек Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Абдусамат НОСИРОВНИ район территориясида Шохрухия сирларини ўрганаётган ёшларга ҳамма томонлама ғамхўрлик қилаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаймиз. Яна Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг инструктори Рустам ЭРГАШЕВ, Оққўрғон район комсомол комитетининг биринчи секретари Шухрат Қосимовлар ҳам ёш археологларни маънавий қўллаб-қувватлаб, ҳамиша руҳлантириб турдилар.

Кўнжум

Қисмонлар

ВЛКСМНИНГ
70 ЙИЛЛИГИ

Душманнинг қирувчи самолёти бало-қазодек ерга шўнғир, бомбалар зарбидан айқаш-уйқаш бўлиб ётган, ярим куйик дарахтлар, паст-баланд ўралар оралаб тумтарай қочаётган одамлар орқасидан ажал уруғини ёғдирарди. У ҳам бошқалар қатори жон сақлаб қолиш умидида чолиб борарди. Қаёққа? Узи ҳам билмасди.

— Тўхтанглаар! Орқагааа! — шу тўс-тўполонда кимнингдир ҳайқириғи уни ҳушига келтирди. «Орқага?.. нимага энди орқага?» Ҳамма йиқилиб-суқилиб қочиб боряпти-ку. Бу — саросима ва қурқувдан эканлигини англаб етди-ю, уяти, ори жунбишга келиб, таққа тўхтади. Бир бошга бир ўлим-да! У орқасига ўгирилди-ю, йиқилди, ўрнидан азод турди. Бу пайтда қора калхат доира ясаб, яна ўқ ёғдириб келарди. У бўлса на бекинди, на жони кўзга кўринди. Бу ёвуз куч худди якка кифт бўлиб олишмоқчидек. Қўрқоқлар ўлмади туриб ўлишади, ботирлардан ўлим чекинади!

Йигитлик мўйлаби сабза ура бошлаган, бошқалар комсомол деб чақирадиган ёш йигит илк, мустақил қадамини ана шундай бошлаётган эди...

Самолётнинг овози ўчгандек бўлди. Ҳаммаёқ жимиб қолди. «Даф бўлдиёв», — кўнглидан ўтказди у. Йўқ унга шундай туюлган экан. «Яна келяпти», — қичқиришди ён атрофдан. Самолёт бу сафар одамлар-у, эшелон устидан қуруқ ваҳима билан ўтди. Уқи тугаган эди. Йигитнинг ёнида турган, кўпни

кўрган вагон соқчиси, «қоранг ўчсин» дегандек самолёт орқасидан варанглатиб ўқ узди...

Унинг эшелон деб ном олган вагонлар тизмаси олов ичида қолганди. Бунисига ҳам олдингилари каби станокларни зич юклашган эди. Ҳаво қароқчисидан омон қолган одамлар энди ёнғинни ўчиришга ташландилар. Сувсиз, ўт ўчирувчиларсиз ўт билан олишиб кўринг-а! Нима қилиб бўлса ҳам юкни асраб қолиш керак. Эҳ, бу асраш яна қимматга тушди. Кўплар ўққа учди, кўплар олов комидан қайтиб чиқолмади. Ана шу қаҳрамонлар қатори унинг энг яқин дўсти Павел Мурашко ҳам ҳалок бўлди. Павел бор-йўғи 17 ёшда, комсомол сафига бирга ўтишган эди.

Эшелон яна йўлга тушди. Гилдиракларнинг «хавф орқада қолди» дегандек овози қулоқларга ҳуш ёқа бошлади. Юк ортилган вагонларнинг соғ жойи қолмаган эди. Уқдан, ёнғиндан илма-тешик бўлиб кетган, совуқ изиллатарди. Вагон соқчилари тишни-тишга босиб, олис Тошкентни кўзлаб боришарди...

Цех комсомол ташкилотининг секретари Славка Кедров совуқдан қоришиб қолмаслик учун вагон ичкарасида у ёқдан бу ёққа тинимсиз юрар, юк ортилаётган пайтдаги манзарани, дўстларини (уларнинг кўпчилиги энди тириклар орасида йўқ) эслар, эзилар, ўзини қўйишга жой тополмасди. Эҳ, ёвуз уруш қанчадан-қанча дўстларини, бутун бошли заводни ўз қаърига

ютди-я. Одамлар у ёқда турсин, бутун бошли заводлар ҳам эвакуация қилина бошланди-я. Ҳа, ҳатто заводлар ҳам ўз юртларидан бадарға бўла бошлади!

Славка Химик шахридаги Валерий Чкалов номидаги заводда эндигина иш бошлаган эди. Самолёт қанотлари ясаладиган цехда комсомол ташкилотининг секретари эди. Улар заводни эвакуация қилинишини сўнги соатларгача билишмаган эди. Станоклар гувиллаб ишлаётган, қисмлар тайёрланаётган эди. Аммо буйруқ келди-ю, тайёр қисмлар йиғув цехига эмас, махсус яшиқларга жойлана бошланди. Яшиқлар ортилган машиналар темир йўл станциясига қатнай бошладилар. Олдин тайёр қисмлар, сўнг станоклар... Заводни қутқариш керак! Коммунистлар, комсомоллар, партиясизлар туну кун ишлашарди. Эшелон кетидан эшелон... Москва яқинидаги бу самолёт заводини кўчириш тарих саҳифасига 15 октябрь 1941 йил деб ёзиб қўйилди. Сиз бу рақамга эътибор беринг. Инсонни нималарга қодирлигини кейинроқ билиб оласиз.

Ниҳоят эшелон душман тала тўпларини энгиб, ҳориб, куйиб-ёниб, Тошкентга етиб келди. Бу ерда илиқ куз ёмғири ёғарди. Албатта бу ёмғирнинг охири қорга уланиб кетса ҳам, қарсиллаган совуқлар олдида бамисоли қайноқ кўз ёшларига ўхшарди. Заводни ишга ярайдиган кексалар, ўсмирлар, қизлар, аёллар кутиб олди. Комсорг тушунди, бу ерда ҳам қўлига милтиқ тутишга ярайдиганларнинг

бари фронтда! У ёқда ҳам шу аҳвол, ўсмирлар заводларда ишлашяпти, партизанлик ҳаракатларига қўшилиб душман ортида қўпуровчилик ишларини олиб боряпти, разведкачилик қияпти. Бундай қараганда уруш каттаю-кичикнинг тақдирини тенг қилгандек.

Завод Лабзакдаги босмахонага жойлашадиган бўлди. Аэроплан заводи кўчиб кепти, деган хабар тезда бутун Тошкентга тарқалди. Унга ишчилар кераклиги ўз-ўзидан маълум эди.

— Бор ўғлим, бор, ҳарбийга ёшлик қилсанг ўша ерга ишга бор, у иш ҳам ҳарбий, ёвга қирон солдиган аэропланлар ишлаб чиқарилади, бор, деди «Қизил олов» артелининг темирчиси Самиг ака ўғли Зокирга.

Биз фақат биргина Самиг акани эслаяпмиз. Уша пайтда ҳар бир ота-она қўли ишга бориб қолган фарзандини худди шундай деб заводга йўллаган эди. Завод қисмлари бир ёқдан йиғилса, иккинчи ёқдан ўқувчиларни ўқитиш ишлари бошлаб юборилди. Ўсмирлар айна пайтда ҳам ўқир, ҳам завод қисмларини йиғишда иштирок этардилар. Бу завод вакили — комсорг Славканинг ташаббуси эди. Болаларнинг кўзи пишиб борар, эртага бунинг натижаси яхши бўлиши табиий эди. Иш тунлари ҳам машиналар ёруғида давом эттириларди. Ҳа, ўн кунда бажариладиган иш баъзан бир кунда ўринлатиб қўйиларди.

Уша жангужадал кунлардан баъзи рақамларни келтирамиз:

1941 йил 15 октябрда завод эвакуация қилина бошланди.

1941 йил 15 ноябрда эвакуация тугатилди.

1941 йил 20 ноябрда Тошкентга заводнинг дастлабки эшелони келди.

1942 йил 7 январда биринчи самолёт йиғилди.

1942 йил 17 январда Тошкент самолёт заводи ялписига маҳсулот бера бошлади.

Биз юқорида самолёт заводини эвакуация қилиш билан боғлиқ рақамни эслаб қолишни айтган эдик. Москва яқинидаги битта улкан заводни шунча масофага кўчириб келиб, уч ой деганда фронтга самолётлар жўнатиш ақлга сиғмайдигандек кўринади, тўғрими?

17 январь куни кумуш қанотлар тизими учини йўлагига саф тортиб турарди. Шу куни Тошкент куёши ҳам меҳнат ғалабасини қутлагандек мўл-мўл нур сочарди, унинг нурлари ёвга қирон келтиришга отланаётган кумуш қанотларда ялтираб, кўзни оларди. Заводни кўчириб келган комсоргимизнинг



ўша пайтдаги ҳаяжонларини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Евга бўлган нафрат ҳар бир ўсмирни бир неча ойдаёқ мулоҳазага, катта ёшли кишиларга айлан-тирган эди. Бу ерда ишлаётганлар мактабда ўқиши керак бўлган, аммо, ўқитувчилари урушга кетиб, бу имкониятдан маҳрум бўлиб қолган болалар эди. Улар оёқлари тагига махсус мосламалар, яшчиклар қўйиб ишлашарди. Ҳа, уларнинг болалиги уруш оловида ёнаётган эди. Бўлмаса кечагина заводга келган Самиг темирчининг ўғли Зокир ўн беш нафар қизни ёнига олиб, уларга самолёт деталларини қандай йўнишни ўргатармиди. Ун олти ёшли ўсмир ўзидан катталарга устозлик қилармиди. Завод комсомолларининг иши соат билан, процент билан ўлчанмасди. Улар охириги кучлари қолгунча ишлашарди. Худди фронтдагидек тўйиб ух-лашмасди. Ёшлар бир оз дам олсин деб мастерлар мажбуран станокларни тўхтатишарди. Уларнинг миясига битта нарса маҳкам ўрна-шиб қолган эди. Самолётни қанча кўп ишлаб чиқарсак шунчалик душманнинг кунни тез битлади!

Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам меҳнат қадрланиши, қолаверса меҳнат ўз ижодкорларини юзга олиб чиқиши керак. Шунинг учун ҳам заводга кираверишдаги кўр-газма тахтасида:

«Шура Харкова — жаҳон рекордини ўрнатди»

«Зокир Самигов энг қийин участкада бир сменада 770 фоиз иш бажарди»

«Х. Ражабов 1107,5 фоизга етказди ўз ишини...» деб ёзилганди.

Бу рақамлар, маълумотлар завод тарихида ҳали-ҳануз сақланиб келяпти. Ҳатто Слава Кедровни швед мотивида тикилган костюм билан, Зокир Самиговни ҳақиқий хромдан тикилган этик билан мукофотлангани ҳам ёзиб қўйилган.

Завод ишчилари асосан ўсмирлар ва қизлардан иборат бўлганлигини биз қайта-қайта такрор-ляпмиз. Бир кунга бериладиган икки қадоқ нон, тошбақа гўштидан тайёрланадиган овқат, юпун кийим-кечаклари ва бошқа етиш-мовчиликлар ҳақида гапирмай қўя қолайлик. Бу ҳақда ота-оналарингиздан кўп эшитгансиз. Аммо завод ёшлари 1942 йил июль ойидан бошлаб ҳар кун иккитадан самолётни фронтга жўната бошлади. Улар ясаган ЛИ-2 ҳаво лочинлари қамалда қолган Ленинград шаҳри учун ёрдамга борди, партизан отрядларининг энг яқин, ишончли кўмакчиларига айланди. Умуман, Улуғ Ватан уруши йилларида завод цехларидан 2258 та самолёт ҳавога парвоз қилди.

1945 йилдан бошлаб Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳарбий самолётлар ишлаб чиқармаёпти. У энди узоқ йўллари яқин қиладиган, оғир юкларни олиб масофаларга элти-диган самолётлар етказиб беряпти. Ҳа, ҳамон кумуш қанотлар ҳавога кўтариляпти. Улар тинч осмон тагида тинчликни муштақамлаб тинчликка хизмат қиляпти. Заводнинг кечаги қаҳрамонона кунлари эса бугун шонли тарих бўлиб қолди. Унинг меҳнат қозонида қайнаганлар эса бугун меҳнат ветерани, ёшларнинг устози.

В. УСТИМЕНКО

Журналнинг шу йилги 1-сонида эълон қилинган «Кашфиётчилар, шаймисиз?» номли мақола ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Редакцияга кўлаб хатлар келиб турибди. Қуйида ана шу хатларнинг бир қисми билан танишасиз.

Пахта теришининг «парма» усули...

Ҳурматли редакция! «Еш куч»нинг шу йил 1-сонида босилган «Кашфиётчилар, шаймисиз?» мақоласини ўқиб, бир кашфиётим ҳақида сизларга ёзмадаман. Касбим ўқитувчи бўлишига қарамадан, умрим пахта даласида ўтади, хаёлларим пахта муаммолари билан банд. Менимча, пахта териш машиналарининг мутлақо янги турини яратиш керак. Кўндан бери, мен бир усулни ўйлаб юрман, уни «парма» усули деб атадим. Мана, оддийгина кузатиш ўтказайлик. Қўлга сирти дағалроқ бўлган бирор таёқча олиб, уни пахтага теккизиб кўрайлик. Пахта таёқчага маҳкам ўралади. Энди, таёқчанинг пахтага учини қўлимизга қўйиб, тесқари томонга бурайлик, пахта жуда осонлик билан таёқчадан ажралади.

Демак, шпинделли машиналар ўрнига бурама таёқчалар (шартли равишда таёқчалар дейим) билан жиҳозланган машиналар ишлаб чиқариш керак. Бундай машинанинг афзалликлари шундаки, таёқчага пахтадан бошқа нарса ўраламайди, демак, тола узилмайди, тоза бўлади, дефоляцияга умуман эҳтиёж қолмайди.

Сайфуддин ҚАЛАНДАРОВ,
Бухоро область, Олот райони,
Файзулла Хўжаев номи колхоз.

Пахтакорнинг орзуси

Мен болалигимдан бери пахтакорлик қиладман, яғна, чопиқ, чеканка, терим нималигини жуда яхши биларман. Яғна қилаётганимизда туплар-

ни битта-битталаб юлиб чиқамиз, қўлларимиз ёрилиб, шилиниб, қоп-қора бўлиб кетади, белимиз қайишиб-майишади. Бошимизни кўтаргандан кейин кўз олдимиз қоронғилашиб, худди «маст» одамдек гандираклаб қоламиз. Бу ҳам анча вақтдан кейин тарқалади, аммо бел оғриғи тезда тузалавермайди. Ана, шундай қийинчиликлардан қочиб кетгим келадую, бошқалар, шу жумладан онам нолимай ишлаб юрганлари учун мен ҳам тишимни тишимга қўймай, чидайман. Шундай вақтларда, пахтакорларнинг меҳнатини энгиллатиш ҳақида хаёлларга берилиб кетаман. Қани энди, сеҳргар бўлсаму онам учун битта ихчамгина машина ясаб берсам. Тўртта гилдирағи бўлса, белни оғритмай, ўтириб олиб гўзаларни яғна қилаверса, тепада жазирани офтобдан сақлайдиган соябони ҳам бўлса! Бу, эҳтимол, амалга ошириб бўлмайдиган машинадир. Аммо, наҳотки чопиқни бажарадиган машина ўйлаб топши мумкин эмас! Кетмон билан ҳамма ёқни чопиқ қилиб бўлмайди, ундан ташқари кетмон барбир, гўза барги яқинидаги бегона ўтларни ўлдирмайди, аксинча сақлаб қолган тупни жароҳатлаш хавфи бор. Мен мана бундай машина яратиш мумкин, деб ўйлайман. Унинг учта ишлов берадиган қисми бор: биттаси эгат ичини гўзаларга яқинлатиб чопайди, иккинчиси, чопилган тупроқда жўяк очади, ва энг охириги — учинчиси — жўякларнинг кесанини майдалаб, чопилган ўт-ўланларни тупроқ юзасига чиқариб кетади. Бир йўла учта иш бажарилади.

Терим масаласига келсак, ҳозирги машиналар талабга жавоб бермайди: толани узиб ташлайди, пахтани ҳар ёққа сочади, очилмаган кўсақларни гажийди. Эҳтимол, пахта териш машиналари ерда юрмай, пахтазор устида учиб юргани маъқулдир. Бундай машиналар ерни шиббалаб ташламайди, бункери тўлгандан сўнг, аравалар тепасига келиб, тўкаверади.

Улуғбек квадранти

Мутахассислар улуғ аллома обсерваториясини ўрганаётиб бир нарсага эътибор қилдилар. Улуғбек ер юзидан биринчи бўлиб йилнинг 365—366 кунлигини ҳам аниқлаган. Ҳисоблашда у бор-йўғи ўн минутга адашган холос. Бундай аниқ хулосага эга бўлиш учун бугунги кунда замонавий қурилмалардан, шу жумладан квадрантдан фойдаланишга тўғри келарди. Бу ўлчов асбоби билан ҳар қандай қурилмаларнинг ерга нисбатан қай ҳолатда турганлиги аниқланади. Агар машҳур алломада шундай ўлчов бирлиги бўлмаганда у обсерваториядаги плиталарни ерга нисбатан аниқ бир ҳисоб билан териб чиқолмасди. Демак, унда албатта шундай ўлчов асбоби бўлган. Ҳозир у қаердадир ётган бўлиши ҳам мумкин. Лекин у қаерда экан-а?

Электр «кунгабоқарлар»

Токиодаги уйлардан бирининг томида яқинда пайдо бўлган экспериментал қурилмани шундай аташ мумкин. У офтоб нурларини йиғиб олишга мўлжалланган. Йиғилган шуъла махсус нур йўналтиргичлар орқали бинонинг

ичига юборилади. Хўш, бундан бирор фойда чиқармикан?

Ҳа, деб жавоб беришмоқда мутахассислар, бу ёруғликдан кўп жойда фойдаланса бўлар экан. Масалан, бугунги кунда Японияда йил давомида маҳсулот етиштирадиган гидропоник сабзавот фирмалар кўпаймоқда. Одатда уларга кўп электр қуввати сарфланади.

«Кунгабоқарлар» эса электр қувватини тежашда қўл келади. Янги ёритиш услубидан ерости савдо марказларида, гаражларда, метро станцияларида фойдаланиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Бердоснинг сеҳрли чироғи

Францияда шундай чироқ яратилди. Уни ёқиш учун қўлингизни яқинлаштирсангиз шунинг ўзи кифоя. Агар қўлингизни чироқ қаршида сал кўпроқ вақт ушлаб турсангиз у ёрқинроқ нур тарата бошлайди. Сеҳрли чироқнинг сирини ёритгичнинг колбасига жойлаштирилган, инсон ҳароратига нисбатан ўта сезгир элементдир.

Бундай чироқ, деб ҳисоблайди унинг ихтирочиси М. Бердос, интенсив фойдаланиш қулай бўлгани учун одатдагисидан тежамлироқдир, сиз хонани тарк этсангиз нур ўз-ўзидан сўнади.

ИХТИРОЛАР САНДИҒИ

Хуллас, ўйлаб қарасак, пахтакорлар орзуларини амалга оширса бўладиган замонлар келди.

Манзура АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент область, Бекобод райони,
«Авангард» совхоз.

Мевани қандай териш керак? Қим бригадир бўлиши керак?

Ҳурматли «Еш куч» журналы редакцияси! Мен сизларнинг 1988 йил 1-сон журналингизни ўқиб, ундаги «Ихтиролар сандиғи» рубрикангиздан беҳад хурсанд бўлдим.

Инсон эсини танганидан буён бирор нарсени ихтиро қилиш иштиёқида яшайди. Сизлар журналда берган баъзи мавзулар ҳақида ўз тақлифимни айтишга қарор қилдим.

1. Дарахт тепасидаги меваларни заҳа қилмай териб олишда дорбозларнинг «ёғоч оёғи»идан фойдаланса бўлади. Бунинг учун болаларни ёшлигидан ана шундай ўйинга ўргатиш керак. Ҳам спорт, ҳам фойдали машғулот бўлади.

2. Белоён пахтазорларни текшириб чиқишда бригадирга мадад бўладиган учар машиналар ўйлаб топилгунча, бу ишни, яъни бригадирликни тракторчиларга юклаб қўйса бўлади, чунки улар ўз вазифаларига кўра пахтазорнинг ҳамма ёғини айланиб чиқадилар. Бунинг учун тракторчиларни ўқитишда деҳқончилик технологиясидан ҳам баҳардор қилиб қўйиш кифоя, деб ўйлайман.

Тошпўлат АҲМАДЖОНОВ,
Сурхондарё область, Денов райони,
Ульянов колхозы аъзоси.

ФАН ВА ТУРМУШ ОЛАМИДА

Самовий «радиокўз»

Яқинда Украина Фанлар академиясининг Радиофизика ва электроника институтида самовий «радиокўз» яратилди. Ўзининг ўткирлиги билан энди у Шимол йўлларида ҳар қандай навбатчининг ўрнини бажариши мумкин. Бу йўл билан кемалар кузатувини ҳам таъминласа бўлади. Ер сатҳининг тузилишини масофадан ўрганадиган радиолокацион системанинг янги, sanoат учун мўлжалланган нусхаси ернинг «Космос—1766» сунъий йўлдошига ўрнатилди.

«Радиокўз» қоронғида ҳам, қалин булутлар оронлаб ҳам қутб кечасини кўра олади. Радиотўлқинлар ер сатҳидан бир хил бўлиб қайтмайди. Сигналларнинг интенсив оқимидан қуруқлик ҳам сувни, ҳар хил қалинликдаги музликларни, ёриқларни, тепаликларни, муздаги каналларни аниқ илғаш мумкин. Янги локатор биринчи синовдаёқ Антарктида музликларида йўқолиб қолган Михаил Сомов номи дизель-электроходни қутқаришда катта ёрдам бериб ўзини оқлади.

БОҒКЎЧАДА ТЎКИЛГАН ҚОН

МУАЛЛИФДАН. Тошкентнинг кўҳна маҳаллаларидан бирида жиноят содир бўлди. Жиноятчи қонунга биноан жавобгарликка тортилди. Хўш, шу билан масала ҳал бўлди? Йўқ, яна жиноят содир бўлмаслиги, яна беҳуда қонлар тўкилмаслиги учун биз ҳар бир жиноий ҳодисанинг иллизини ўрганмоғимиз, жиноятчию жабранувчининг руҳий оламини заррабин орқали назардан ўтказмоғимиз лозим. Мен воқеани ҳолис баён этиб «Нега шу қотиллик юз берди?» деган саволга ўзимча жавоб изладим. Журналхонлар менинг мулоҳазаларимни эътироф этиши, уларга эътироз билириши ёхуд фавқулудда фаразлар билан хулосаларни бойитиши табиий. Буни Сизлардан келажак мактубларда ўқиймиз...

I

Маъруф жажжигина ўғилчасини аравачага ётқизмаганда шу мудҳиш ҳодиса юз бермасмиди?.. Ия, чақалоқни аравачага ётқизишнинг қотилликка не даҳли бор? Тўғри, даҳли йўқ, лекин...

Хотини ўғилчасини эрининг қўлидан олмоқчи бўлиб қўл чўздию, «Маъруф ака, қозонга сув солиб юборай, ҳозир оламан!» деб ошхонага кириб кетди. Келинчак тушмагур-эй! Ошхонага кириб кетгани етмагандай ёғлогини сувли пақирга ботираётди:

— Ўғлини аравага ётқиза қолинг, дадаси! — деди.

Маъруф чақалоқни аравачага ётқиздию, ундан узоклашмай ўғилнинг бодғокдай кўзларига термилди. Шу пайт шапалоқдай ёстиқча кўзига юпқароқ кўринди, оталик меҳри жўшиб болишча остидаги кўрпача чеккасини қайирди. Шунда Маъруфнинг тирноғи орасига нимадир игнадек санчилди, кўлини беҳос силтаб тортиди.

Сўнг кўрпача қатидан силлик ва қаттиқ қоғозни — таклифномани олиб ўқишга тутинди. Хотини ошхонада турган жойида, «Вой, эсим курсини!» — деб юборди кафтини чеккасига босиб. — Урғонингиз ташлаб кетган эди. Жуда тайинлагандия!..»

Маъруф бошқа пайт хотинини бундай паршонлик учун койиған бўлар эди. Лекин ўша топда унинг кайфияти чоғ эди. Ота-онаси, акалари, ҳатто кеннойилари ҳам қаёққадир кетишган, ҳайҳотдай ҳовлида хотини, ўғилчаси билан ёлғиз қолишганди. Улар камдан-кам ҳоли қоладиган шундай кунларда Маъруф ўзини оиланинг бошлигидек ҳис қилар, хотини ҳам катта рўзгорнинг бекасидек яйраб-яшнаб юрарди. Аксига олиб бугун...

— Борасизми? — деди хотини ялинчоқ оҳангда бўйини қисиб. У «Борасизми?» эмас, «Бормай қўя қолинг» демоқчи эди. Маъруф эса мулоҳазага берилди: «Мактабни бирга битирганмиз, ортиқча борди-келдимиз йўқ. Одилни ўн кун бурун кўчада учратиб қолганим, «уйланипман, тўйга албатта таклиф қиламан», деганди...»

Мабодо Одил атай келиб таклифнома ташлаб кетмаганида Маъруф тўйга бормасди. Айниқса, одамни лоҳас қиладиган саратонда ялангоёқ бўлиб олиб ҳовлига кўлоблатиб сув сепмоқчи, сўнг кўлбола шакароб тайёрлаб, рўмолчани гарданига ташлаб супада жажжи оиласи билан овқатланмоқчи бўлганди...

Хуллас, тўйга бориш малол келаятган бўлса-да, хотинига сўз қотди:

— Ҳар қалай, бирга ўқиганмиз, кўз кўзга тушадди.

Маъруф шундай деб хотинига яқинлашди, унинг пешонасига тушиб турган жингала кокилини сийпаб туриб, эркалади:

— Бирров кўринаману, қайтаман. Овқатни сузмай турасанми?

Маъруф гўё ён қўшнисиникига чиқиб кетаётгандай дарвоза тавақасини ёпмади ҳам, у қўшни кўчадаги тўйхонага бориб, куёвга кўрингач изига қайтишни дилига тугди.

У Боғкўчага бурилдию, узокда думалоқ стол ёнида Одил жўралари билан қўл қовуштириб турганини кўрди. Яқинлашди. Ногоранинг «трактака» сидан қулоғи битиб Одил ва унинг икки жўраси билан сўрашди. Ўзи истамаган ҳолда қуюқроқ сўрашиб юборди.

Майли, сўрашди ҳам дейлик. Шундан сўнг ҳовлига кириши, нари борса ярим соатда куёвнавкарларга келинникига бориш учун фотиҳа берилган талотўп пайтида уйга жўнавориши мумкин эди. Минг афсуски, ўша чоқ Маъруфнинг ширинсуханлиги тутди. Одил билан кўришаётди:

— Сен уйланасану, мен келмайманми, ўртоқ. Бугун хизматдамиз, дўстим, — деди.

Уйланаётган одамдан бир оғиз ширин сўзни аямаслик — фазилат, лекин Одилнинг қайрилиб қолган кўйлақ ёқасини Маъруф тузатиб қўйиши шартмиди?.. Эҳтимол, худди шу иши учун Одилнинг кўзига қадронроқ кўришиб кетгандир у? Агар шу тахмин асосли бўлса, Одилнинг:

— Шу ерда ўтира қол, дўстим. Менга ўзинг қараб турмасанг, манавилар куёвжўраликни эплашолмапми, — деганига Маъруфнинг ўзи сабабчи эмасми?..

Киши ўз қилмиши туфайли ишнинг пачавасини чиққанини сезса кўнглининг аллақаерлари ожизона орзиқиб кетади. Одилнинг гапини эшитган Маъруф шундай ахволга тушганди. У «кўлга тушганини» сезиб юраги шув этиб кетди. Сир бой бермаслик ниятида куёвнинг ёнидаги йигитларга ўғирилди. Йигитлардан бири танишроқ, чеккадаги учинчисини эса қаердадир кўргандек. Одил ўша чеккадаги йигитга гап қотди:

— Окам, болаларга айтинг, битта қайноқ чой олиб чиксин.

Чеккадаги йигит — Жамил — «ҳозир» деб столни айланиб ўтиб, ҳовлига кирди.

Орадан икки пиёла чой ичарли фурсат ўтмай маҳалла оқсоқоли ҳовлида ўтирган йигитларга келинникига жўнаш учун рухсат берди. Куёв тўрт-беш жўраси қуршовида онасидан оқ фотиҳа олиш учун уйга кирди. Ҳовли говур-говур бўлиб кетди. Куёвни хотин-халаж, бола-бақра ўраб олди. Маъруф боядан бери шу лаҳзани кутаётган эди. У тўдудан сирғалиб чиқиш ниятида ёнидаги йигитни Одил томон ўтказди. Шунда... тўйхона туйкус жимжит бўлиб қолди. Ҳатто сурнай ноласи ҳам аллақаёқларга улоқиб кетганди. Маъруф беихтиёр Одилнинг онасига, унинг кулиб турган юзларидан дума лаётган кўз ёшларига қараб қолди. «Ўғиллари улғайиб, куёвлик либосида келинникига отлан-

ганида оналар нега йиғлашади?» деган ўй ўтди хаёлидан. Шу таъсирчанлиги устига Одилнинг онаси титроқ кўллари билан Маъруфнинг елкасига қоқди ва... у худди ўз онасига ачингандек юраги эзиллиб кетди ва тўсатдан уйга қайтгиси келмай қолди...

Бир кунда неча марта тасодиф юз бериши мумкин? Одам тасодифлардан устун кела оладими ёки уларнинг измидан чиқиб кетолмайдими? Наҳотки, арзимаган бўлмагур тасодифлар қурбонига айланса одамзод?! Ахир Маъруф лоқал келин келиб никоҳ бошланиши арафасида — биров биров билан иши бўлмай қолганда уйга қайтиши мумкин эди-ку! Айниқса, у келин-куёвлар номига айтиладиган чучмал табрикларни эшитишга тоқат қилолмас, бинобарин ортиқча асабийлашмаслик учун ҳам тўйхонадан жўнаб қолиш доимий одати эди.

Аксига олиб биринчилар қаторида Маъруфга сўз беришди. У микрофонни қўлига тутиб алмисоқдан қолган табрик сўзларини айтди. Сўзини тугатар-тугатмас тўйхонада қарсақ янгради. Маъруф хижолатдан ҳали ўзига келиб улгурмаган ҳам эдики, келинга яқин ўтирган қизлардан бири қадаҳ тутган қўлини Маъруфга чўзди. Маъруф гайри-ихтиёрли раъватда қизга рўпара келди.

Қадаҳлар қаттиқ ва ёқимли жаранглади. Қиз ёқимли жилмайиб, «бошқача гапирар экансиз» деди бошини қийшайтириб. Маъруфнинг кўз ўнгидан уйда овқат сузмай ўтирган хотини ўтди. Ва, дабдурустдан, «Яқинда уйланганман, чақалоқ ўғилчамиз бор» деб юборди.

Кўҳлик қиз тушмагур шаддод экан — шарақлаб кулиб юборди.

— Намунча кўрқасиз, сизни олиб қочмаймиз! — деди у муғамбирона чимирилиб.

Қизнинг дам кулиб, дам гапириши Маъруфни уйга қайтиш ниятидан яна бир бор қайтарган эди. Бу ёғи одатдаги тўй кечасидаги одатдаги манзаралар: қуй, қўшиқ, рақс устига рақс... Беш-тўртта одам йиғилган жойда ўртага чиқишга ийманадиган Маъруф ўйин-кулги айни забтига олган чоқ ўша меҳмон қиз билан рақсга тушди. Қараган ҳам, қарамаган ҳам икки ёшнинг рақсини суқланиб томоша қилди.

Рақс тугагач, жойига қайтаётган қиз ҳолсизланиб, «Вой, қўлларим толиқиб кетди-ей, — деди эркаланиб. — Бир чойнак чой опкелтирсангиз-чи».

Кеча бошлангандан буён даврадагилар диққат марказига айланган Маъруф ўзи сезмаган ҳолда ички бир мағрурликдан маст бўла бораётган эди. Назарида кимга нима деса сўзи ерда қолмайдигандек, меҳмону мезбонларнинг эркасидек тутаётган эди у ўзини. Эҳтимол, Маъруф буни онгли равишда ўйлаб кўрмагандир, бироқ ўсмир йигитнинг хатти-ҳаракатларида, кўз қарашлари, гап-сўзларида — ҳамма-хаммасида шу маъно англашилди турганди. Худди шу боис ҳам у шаддод қизнинг илтимосини ўша захоти бажо келтириш ниятида унинг олдидаги бўш чойнакни олдию, ёнидан ўтиб бораётган дуч келган кишига тутқазди:

— Битта чой опкелинг, окам! — деди.

Маъруфнинг қўлидан чойнакни олган йигит Жамил эди!..

II

Жамил кўра-била туриб тубсиз жарга сакрагандек бўлди. Лекин унинг оёқ-қўли бут, ҳеч ери



шикастланмаганди. Лекин нега гарангсиб, довди-раётганини сира тушуниб етолмади. «Нима қилиб кўйдим?» Кўз ўнгим қоронғилашиб кетяпти... Ҳеч қачон бунчаллик кўрқмагандим... Қалтираяпман... Ҳам даҳшатга тушяпман, ҳам енгил тор-тапман. Нега?.. Пичоқни қаердан олдим ўзи?.. Намунча одамлар шовқин кўтаришмася?!»

Жамил бошида гужгон ўйнаётган бу саволларга жавоб излайдиган аҳволда эмасди. Бунинг устига товушлар, бақиряк-чақиряклар...

- Жамил!
- Жамил, деяпман!
- Менга қара, Жамил!
- Тўхта-а!..

Жамил тумонат ўзи томон бостириб келаётганини, ўзини қуршовга олишяётганини пайқайди. Ҳайрон бўлди. Ахир, тўй бўлаётган эди-ку. Одил қани? Келин-чи? Дугонаси чой сўраган эди — меҳмоннинг хурмати бор. Куёвнинг хурмати бор, Маъруфнинг хурмати бор. Фақат унинг хурмати йўқ! Йўқ эмас, бор. Ахир Маъруф «окам» деди-ку. Шунинг ўзи хурмат эмасми? Ёш бўлгач, «окам» дейди-да. Одил ҳам шундай деди.

...Одил пича ёш бўлса-да, қўшничилик, болаликдан бирга ўсгани туфайлими, Жамилни сенсирайди. Жамил бунни оғир олмайди. Лекин, боа... «Окам, болаларга айтинг, битта қайноқ чой олиб чиқсин» деди. Жамилнинг исмини атамади, бирон марта «ака» демаган Одил «окам» деди. Демак, кесатди. «Болаларга айтинг» деди, демак, «болалар бўлма-са ўзинг олиб чиқ» деди. Маъруф янги келди, майли, лекин Одил чойнакни ёнидаги икки жўрасидан бирортасига тутқазяши ҳам мумкин эди-ку. Улар ҳам менадан ёш-ку...

Жамил шу қабилидаги хаёлларга боришининг ўзи ҳам тасодиф эмасми? Ахир у йигирма икки ёшга чиқиб шу чокчака инсоний қадр-қиммат, иззат-нафс ҳақида ўйлаб кўрмаганди! — Узаги-ни англаш туйғуларч анча кеч кўз очган эди...

У ҳали қалбида, шурида кўтарилаётган тўфонни дурустроқ англаб етмаган — тушунмаётган эди. Бинобарин, Одил ва унинг жўралари муносабати ўзига оғир ботганини сездирмади. Сир бой бермай Одилнинг қўлидан чойнакни олди. Уқаси тенги йигитлар қаҳ-қаҳ отиб кулиб ўтиришар, унга қайрилиб қарашмас ҳам эди.

Жамилнинг ичиди нимадир «тирс» этиб узилди. Узини босди. Чойнак кўтариб кетаётиб Одилнинг, «манавилар куёвжўраликни эплашолмаяпти» дегани яна қўлоғи остида такрорлангандек бўлди. Одил уни куёвжўраликка таклиф этмади, лоақал кўнгил учун ҳам унинг олдида ўтмади. Ҳатто «манавилар эплашолмаяпти» деб икки жўрасини кўрсатди. Жамилни ҳисобга қўшмади. Демак, «манавилар» дейишга ҳам аризмади Одил. Унинг ўрнига чой келтиришни буюрди. Шунини раво кўрди унга.

Ҳали келин келади, базм қизийди, Одилнинг жўралари, Маъруф куёвнинг қаторида ўтиришади, Жамил эса уларга чой ташияди. Чунки Жамил чой ташишдан бошқага ярамайди!..

...Дадасининг таъбири билан айтганда эса Жамил тўйда чой ташишга ҳам ярамайди!..

Бир ҳафта илгари дадаси касалхонага жўнай туриб «қўшнимизнинг тўйида хизмат қилолмайди-ган бўлдим» деди афсусланиб. «Жамил бор-ку, — деди онаси. — Йўқлигини билдирмайди». Дадаси туюқиб кетди. «Хизмат қилмася ҳам майли, нагма кўрсатмася бае!» деди.

Жамил чурқ этиб оғиз очмади. Дадаси эса кейинги вақтларда асаблари бўшашиб қолган — бир жаҳли чиқса ховурдан тушиши қийин эди.

— Ану, лаънатидан ўзингни тийгин, бола, сен ҳам тўйда одамларга ўхшаб тинч юргин!..

— Ичмася бинойидек юради, дадаси, — деди онаси мулойимлик билан.

— Сендан сўраётганим йўқ!.. Озгига олса менга хабар қилларинг. Тушундларми?!

Дўмбайган қоринни яширмоқчидек хийла нарида турган Жамилнинг хотини қайнотасининг гапини ўзига ҳам тааллуқли деб билиб «хўп» деган маънода бош ирғади...

Мана, Одилнинг тўйи бошланиб ҳам кетдики,

Жамил «лаънатидан» тортинмади. (Суриштириб келганда, у ичкиликка муккасидан кетмаганди. Йқин-орада икки-уч сафар қиттак-қиттак қилишга тўғри келди. Фақат ўзининг ношудлиги панд бериб алжираб, ичганини ошкор қилиб кўйди. Кўча кўрмай ўсгани, одамлар орасида ўз ўрнини топа билмаслиги туфайли гўё ичкиликбоздай кўриниб қолди.) Бугун ҳам дадасининг суяк-суягидан ўтиб кетган койиши ичкиликка бўлган ҳирсидан устун келган эди. Аммо... мана, у ҳозир ўласи бўлиб ичгандан баттар аҳволга тушганди. Гўё ақл-ҳушидан айрилгандек, гўё одамлар, деворлар, чироқ ва қоронгуликлар кўз ўнгига чаплашяётгандек, гўё тубсиз жарга чалқанчасига ағдариляётгандек...

Жамил қоқилиб-суқилиб югурди, уйининг дарвозаси кўринди, ҳовлиси... гулзор... Унинг ўртасидан кесиб ўтди. На ҳовли, на уйда одам кўринмас — кимсасиз эди. Зина қолиб, айвон лабига тиззалаб тирмашди. Уй эшигини силтаб тортиди — хона зимистон эди. Жамил ёп-ёруғ тўйхонадан зулмат оғушидаги уйига қочиб кирган эди.

У ҳарс-ҳарс нафас олар, орқасига ўгирилиб қарашга юраги бетламас, ҳомилдор хотинини кўргиси, унинг оёқлари остида гужанак бўлиб яширингиси келарди. Жамил жон талвасида бошини кўтардию кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди: башаралар, кўзлар, қўллар, гавдалар... сон-саноксиз кишилар унинг устидан босиб тушди. Елқаси эзилди, қўллари синиб кетгудек орқасига қайрилди. Султон печкачи ютиб юборгудек вазоҳат билан унга ташланди ва ёввойи ғазаб билан чинқирди: — Нима қилиб кўйдинг, ҳайвон!!!

...Нима қилиб кўйди Жамил? Нима бўлди ўзи? Одил уни куёвжўраликка лойиқ кўрмади, холос. Келин-куёвлар дастурхонига уни таклиф қилишмади, холос. Еб-ичиб, ўйнаб-кулаётган меҳмонумезбонларга чой ташиди, холос. Чиройли қизлар уни ўртага таклиф қилишмади, қадаҳ тутишмади.

У фақат чой ташиди.

Келиннинг шаддо дугонаси унга эмас, чой келтиришга буйруқ берган Маъруфга миннатдорчилик билдирди, холос. Маъруф Одилга ўхшаб боғиянда кесатди, «ака» дейишга тили бормади «окам» деди... Энди унга «окам» деб хушига келган юмушни буюраверишади... Ҳа-да, Маъруф тортинмай-нетмай, сўзи ерда қолмаслигига имони қомил бўлиб айтди. Жамилда ҳам оддий инсоний, оддий йигитлик нафсонияти бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрмади...

Маъруф чойнакни тутқазганда унинг бошига биров гурзи билан туширгандек бўлди. Чойнакни тутганча, икки қадам юрмай оёғи чалишиб кетди. Маъруф билан қиз бараварига шарақлаб кулиб юборишди. «Мени мазаҳ қилишяпти!» деди ўзича Жамил... Шу телба ҳаёлда қўшни ҳовлига ўрнатилган самоварларга яқинлашар экан ўша телба хаёл измига тушди. Чойнакни хонтахтага қўйди. Чўқайди. Бошини тиззалари орасига олиб сиқимлади. Мияси тўла қайноқ сув — тинимсиз виқирлаб-шақирлаб қайнар, кафтларини чеккасига босгани сайин сув қайнашдан тўхтагандек бўларди. Шунда бир зум эс-ҳуши тиниклашгандек бўлганди. Лекин чойнак қайноқ сувга тўлаёзганда чойхоначилик қилаётган болакайлардан бири алангага мой сепди:

— Жамил ака, нима, тўйда чой ташиш кафиллигини олганмисиз?

Узини арағ босиб турган Жамилни шу бир оғиз гап, кесатик тамомила мувозанатдан чиқариб ташлади, энди у кўр ғазаб измига тушган эди.

У сапчиб қад ростлади, тишларини гичирлатиб болакайга ўшқирди:

— Ўчир, жиприк! Чой ташиш қандай бўлишини ҳозир кўрасан!

Башарти, Жамил шу шитобда этиб борганида чойнакни ё Маъруфнинг, ё ўша қизнинг башарасига отарди. Чой ташишдан бошқага ярамайдиган одам яна нимага қодирлигини кўрсатиб қўярди. Бироқ деворнинг эшикча учун очилган жойидан тўйхонага ўтиши ҳамоно рўпарасида Одилнинг опаси пайдо бўлди. У дастаси бесўнақай, катта пичоқни унга узатиб турарди.

— Меҳмонларга шу пичоқни қўйиш уят-ку, Жамил, — деди у таъна ва танбеҳ аралаш, — Ихчамроғини топиб ке, бор.

— Уят бўлса менга беринг, — деди Жамил пичоқни чангаллаб. — Нима уят бўлса менга тутқазаверинглар, менга!

Жамил атлас қўйлаги ял-ял яшнаб турган жувон рўпарасида ортиқ тўхтамади. Пичоқ ва чойнакни тутганча келин-куёв ўтирган жойга яқинлашди. Яқинлашяётиб чойнакни Маъруфнинг башарасига отиш ниятидан айнаган, қарори ўзгарган эди.

У чойнакни столга дўқиллатиб қўйди. Маъруф ҳамон қувнок, ҳамон қиз ва унинг дугоналари билан ҳангомалашар, нималарнидир ҳикоя қиларди. У чойнакни ола туриб, «Яшанг, окам!» дегани Жамилнинг қўлоғига кирмади. Жамил бор ирода-сини жамлаб унга:

— Оканг чақириб кебди, кўчада, — дея олди, холос...

III

Маъруф Жамилнинг гапини эшитдию, бирдан хушёр тортиди. «Ҳа-я, хотиним кўзи тўрт бўлиб ўтирган. Ҳавотир олиб акамни жўнатган буюққа» деган хаёлга борди. Жамилнинг кетидан югуриб чиқдию, кўчада ҳеч зогни кўрмай дарвоза ёнида тўхтади. Аланглади.

— Бу кўчада, — деди Жамил тор ва қоронғи боши берк кўчага имо қилиб.

Маъруф ўша ёққа бурилди. Бурилиб улгурмай каттиқ «их» раб юборди. Икки қўллаб ўнг биқинини чангаллади, Жамилнинг телбавори афтига анграйди. Унинг қўлидаги пичоқни кўриб қулдими ёки бақирмоқчи бўлдими — фарқлаш қийин эди. Тўсатдан оёғи мадорсилзаниб «шилқ» эздию, чўқкалаб қолди. Бу сафар бесўнақай пичоқ тиши унинг гарданига санчилди. Жамилнинг шимига тариллаб қон отилди...

IV

Бесўнақай пичоқни меҳмонлар дастурхонига қўйиш уят саналса, бун Маъруфнинг тақдирига не даҳли бор?! Даҳли бўлмаса, бир ҳовли одам орасида Одилнинг опаси нега Жамилга дуч келди, нега пичоқни унга тутқазди? Йигирма икки йил ўз шахси, шаъни ҳақида қайғурмаган Жамилнинг гурури нега худди шу бугун кўз оча қолди? Жамил кишилар билан муомалани билмася, сирқаси сув кўтармаса, яъни ҳали ҳаётнинг оддий ва мураккаб чигалликларини англаб етмаса Маъруфда не гуноҳ? Не боисдан бир-бирига даҳлсиз тасодифлар қотиллик билан Маъруфнинг ёш жонига қасд қилиб қолди шу бугун?..

Агар Маъруф тасодифан таклифномани кўриб қолмаганида, агар у тўйхонада бирров ўтириб сўнг уйига қайтганида, агар чойнакни Жамилга тутқазмаганида, лоақал Жамилнинг гапини эшитиши билан кўчага ошқимай унинг бежо кўзига, қўлидаги пичоққа эътибор қилганида, агар... етар эди, «агар»лар! «Агар»лар зомин бўлмадими Маъруфнинг ёш жонига! Нега энди инсон бемаъни «агар»лар қурбони бўлмоғи керак?! Бир навқирон умрнинг бевақт сўнмоғи учун қанча «агар» керак, ахир!..

Қон тўкилди. Қотиллик юз берди. Айбдор ким: Жамилми? Маъруфми? Одамларми? Тўйхона соҳибларими? Бемаъни тасодифларми?.. Ким?! Нима?!.

Тошкентнинг кўхна Богкўчасига қарашли маҳалла клубида бўлган суд уч кун давом этди. Жуда кўп гаплар, айбномалар, нутқлар ирод этилди. Ҳукм ўқилди... Лекин ҳеч ким ҳодисага бу ерда баён қилинган нуқтаи назардан ёндашмади. Сукут сақлаб ўтирибману буюк Фёдор Достоевскийдан ўқиганларим ёдга тушаверди: «Ҳатто беихтиёр таҳқирланган тақдирда ҳам киши ўз инсоний нафсониятига тил теккизмасликларини талаб этади... Жиноятни тайёр қарашлар асосида идрок этиб бўлмайди, жиноят фалсафаси одамлар ўйлагандан кўра чуқурроқдир...»

Хуришд ДУСТМУҲАММАД



„...Бу чирчиллар очилур“

Агар жамият хотин-қизларнинг табиат ато этган ўткир ақлини рад этмаганида эди, инсоният тарихи ўн баробар жадалроқ борган бўлар эди.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ.

Авлодлар яратган илгор маънавий бойлигимиз тарихини илмий ўрганиш, бугунги кунимиз учун аҳамиятли бўлган анъаналарни тўғри белгилаш ёш авлодни ўтмишнинг илгор традицияларига ҳурмат руҳида тарбиялашда, интернационал тарбия масалаларини такомиллаштиришда ёрдам беради, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди. Маънавий бойлигимиз сарчашмаларини яратган улуг сиймоларимиз орасида мўътабар аёлларимиз ҳам борки, улар мероси қайта-қайта ўқишга, ўрганишга араирлидир.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Ўзбекистон (собик Туркистон)га хос бўлган ижтимоий фикрнинг илгор тенденциялари Анбар отин ижодида ҳам ўз ифодасини топган. Бу илгор ғоялар бугунги кунда ҳам тарбиявий-маънавий восита сифатида катта аҳамиятга эга. Ижтимоий тузумдаги адолатсизлик ва унинг келиб чиқиш сабабларини, ўлкадаги икки ёқлама зулм ва ундан қутулиш йўллари излаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги аҳволи ва уларнинг тақдирини, рушнинг ланатловчи ва сулҳни улуғловчи фикрлар, халқлар дўстлиги, энг аввало, рус-ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик каби ўз даврининг муҳим ижтимоий масалалари ҳақида Анбар отин изчил фикр юритди.

Шоиранинг фикрий доираси кенг бўлиб, у ўз ижодида ўтмиш адабий меросига муносабат, улуг даҳолардан ўрганиш, ундаги қолоқ элементлардан эса воз кечиш зарурлигини уқтириб, адабиётнинг ижтимоий вазифаси ва шоирлик бурчи масалаларини меҳнаткашлар манфаати позициясида туриб ҳал этди:

*Хизмат этсанг эл учун холис қило кўр доимо,
Кўб кирокашлар илан кўрқмай мубориза қил.*

Анбар отин дунёқарашининг аҳамиятли томони шундаки, у рус буржуазияси (муштамлакачилар) билан яхши хулқ, илгор традицияларга эга бўлган меҳнаткашлар Россиясининг фарқига ета олди. У рус буржуазиясининг миллий ўлкалардаги зулмига қарши, миллий адоватга, тенгсизликка қарши норозилик кайфиятларини баён этди, сарт миллатлари ҳам бой маънавий тарихга эга бўлган, ҳурматга лойиқ халқлар қаторида эканлигини таъкидлади. Шоира «Ўзбеки райрия бу деб, миллат исён этмагил, сарт миллатларни хўрлаб, чашма гирён этмагил» дея, рус халқининг вакилларига мурожаат этиб улардан ҳурмат талаб қилади ва дўстликка чақиради:

*Ўзбек аҳлидин нечанд олим чиққандир
билсангиз.*

*Шак келтуруб илмимизга, феъли шайтон
этмагил.*

Шоира икки ёқлама зулм остида эзилаётган, «жоҳил шайхлар ва сўфийлар» таъсирини бериб, ҳар қандай зулмга чидаб келаётган меҳнаткаш халқни зулм ва зулматдан қутқаришни оруз қилди, ана шу оруз йўлида фикран изланди.

1905 йиллардан кейинги янги тарихий шароитда ўзининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва адабий-ижодий масалалардаги илгор қарашлари билан ижтимоий фикрни юқори босқичга кўтарган Анбар отин 1910 йилда «Фалсафий сиёҳон» («Қаролар фалсафаси») рисоласини ёзди.

Рисоланинг ғоявий мазмунини шундан далолат берадики, махсус таҳсил кўрмаган асар муаллифи ўз даврининг муҳим ҳаётий муаммоларини, ижтимоий-сиёсий масалаларини тўғри ва чуқур англаган, илгор ижтимоий фикр нуқтаи назаридан туриб, мутафаккирона фикр юрита олган.

Шоиранинг «Қаролар фалсафаси» рисоласи ўзбек меҳнаткашларининг оруз умидларини ифода этувчи, уларни зулмдан қутқариш йўллари изловчи, фақат ўзбекларнинггина эмас, балки қора танли — араб, эрон, ҳинд, кашмир ва бошқа халқларнинг ҳам муштамлакачи — оқ танлилар билан тенг ҳуқуқли эканлигини эътироф этувчи, ирқчиликни қораловчи фалсафий асардир. Шу маънода рисоланинг мазмунини ва ғоявий йўналишини интернационал маъно касб этиб, муҳим маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Рисолада шоиранинг ижтимоий-сиёсий фикрлари кенгроқ кўламда, оригинал мулоҳазалар воситасида баён этилгандир.

Рисола кичик муқаддима ва тўрт қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми — қара бахт, қораният, қаро тусли халқлар таърифи бағишлангандир. Бу қисмнинг асл социал мазмунини меҳнат-

каш халқ ва унинг манфаатлари, халқлар ўртасидаги тинчлик масалалари хусусида фикр юритишдан иборатдир. Шоира оқ танлиларни муштамлакачилар тарзида тасвирлаб, меҳнаткашлар қонини зулук каби сўрувчи, ўзгалар меҳнати самарасини ўзлаштирувчи текин томоқлар сифатида таърифлайди. Қаролар меҳнати эса «яхшилик манбаи» эканлиги, эл-улус манфаатига сарф этилиши таъкидланади. Аммо ана шу машаққатли меҳнати билан жамиятнинг ризқу рўзини таъминлаб турган меҳнаткаш халқ ғарбадаги муштамлакачи оқ танлилар томонидан эксплуатация қилиниши адолатсизлик эканлигини шоира ачиниш билан тилга олади: «...баъзи аблаҳлар ўзлари сояда ўлтуруб, лоғар оқ пўстинларига бино қўюб, қаро пўстларни ҳақир кўрурлар, аксар Мағриб тарафлардаги оқ танлар жануб ва машриқ халқига ҳақир назар ташлаб, аларга жабрини лойиқ кўруб ноҳақ зулм қилурлар».

Анбар отин томонидан муштамлакачилик зулми остида эзилаётган Жануб ва Шарқ халқларининг манфаатларини ҳимоя қилиниши, улар озодлиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатилиши умуминсоний маъно касб этадики, бу ҳол ажабланарли эмас.

Биринчи қисм сўнггида Анбар отин шундай социал ҳукм чиқаради: молу мансабга эга бўлган оқлар қаролар эга бўлган фазилатлардан бирортасига ҳам эга эмас. Бу билан шоира барча инсоний фазилатлардан маҳрум бўлган ҳукмрон синф вакилларининг ахлоқий сифатларини аниқ баҳолай олган, тўғри ижтимоий хулосага келган.

Рисоланинг иккинчи қисмида оналар, оналик



шарафи ва унинг қаро зулмат ҳукмрон (эксплуаторлик жамияти) бўлган жамиятдаги эрксиз, ҳуқуқсиз ижтимоий аҳволи, хотин-қизлар тенгсизлиги ва озодлиги ҳақида ақлу заковатга, ҳимматурайратга эга бўлган меҳнаткаш зот. Иккинчидан, аёл — вафоли ёр, дўст, ўз ёрининг куну тун ажралмас ҳамдамидир. Лекин ана шу фазилатларга эга бўлган мўътабар зот синфий жамиятда ўзига яраша обрў ва эътибор топмади, замонасидан озор кўрди, оналик ҳуқуқини ҳурмат этмадилар.

Шоира қатъий ишонадики, хотин-қизлар ҳуқуқсизлиги узоққа бормади, вақтлар келадики, қизлар дунёвий илмларни ўрганиб, бошқа эллар ва улуглар қаторига қўшилиб, эркалар билан тенг меҳнат ва ғайрат қилиб, ҳурмат ва иззатга сазовор бўлурлар. Бу фикрий жасорат ва ғоявий юксалишда Анбар отинга яқин бўлган рус шифокорларининг, ўлкадаги илгор зиёлиларнинг ғоявий таъсирини аниқ сезамиз.

Рисоланинг учинчи қисмида бахти қаролар ва ана шу бахти қароликдан қутилиш йўллари ҳақида фикр юритилади. Шоиранинг гувоҳлик беришича, дунёда фақат ўз меҳнати билан кун ўтказувчи, тоат ва ибодатни маромига етказма олмайдиган, пир хизматини адо эта олмаганларни дин пешволари бахти қаро деб атайдилар. Лекин шоиранинг фикри юқоридаги ақидага тамомила зид бўлиб, меҳнат ва машаққат чекиб яшаганлар, халқ бахти ва орзуси йўлида машаққат чекканлар бахти қаро бўлмай, меҳнатдан йироқ, беш кунлик умрини роҳатда ўтказиш учун ҳийла-найранг билан

ишбоши бўлиб олган, ўзгалар меҳнати ҳисобига бойлик ортирувчилар — ҳақиқатан бахти қаролардир! Улар хоҳ шох бўлсин, хоҳ золим мулла бўлсин, хоҳ амалдор бўлсин жафокор номи билан дунёдан ўтару, ҳеч кимнинг ёдида қолмас, беному нишон ўлиб кетар, ҳеч ким улар ҳақида дoston ёмас. Шоиранинг эътирофича, дostonлар меҳнаткаш халққа, уларнинг яратувчи меҳнатига бағишланиши керак. Анбар отин адабиётнинг вазифасини ана шундай белгилайди.

Анбар отин таркидунёчиликни тарғиб этган, бу дунё қийинчиликларидан қутилиш йўлини ахтармаган, тун кетидан ёруғ кун келишини сезмаган, халқни ўзидан бездирган шоирларни ҳам қаро бахтликда ўтиб кетувчилар деб атайди. Шоира, одам ўзини бахти қаро деб ҳисоблаб, азобга чидаб юрмасдан, бахтиқароликдан чиқиш йўллари излаши зарурлигини уқтиради, фаол ҳаётий позицияга ундайди. Бахтиқароликдан чиқишнинг йўли руслар билан дўстлашишда эканлигини таъкидлайди: «Бу йўлни фақат ўруслар тадорикчи ила ва ичкаридаги пешволар ортидан қадам босиб ҳаракат қилмоқ даркор... ақл ва идрок қилурки, ичкари рус музофотларида улуг раҳнамолар маҳфий ҳаракат қилуб, ҳалойиққа нажот йўллари фаҳмлатмоққа қодир эканлар... мазкур ўруслар ила муштамлакачи алоқа қилмоқ лозим бўлур».

Учинчи қисмнинг сўнггида Анбар отин файласуфона фикр юритиб ёзади: гарчи рисола қаролар фалсафаси деб аталса-да, бу унинг ташқи кўринишигина холос, аслида ички мазмунидан оқ нур, ёруғлик шуълаланиб, яъни озодлик ғоялари нур таратиб турибди. Чиндан ҳам шоира озодликка эришишнинг мураккаб йўллари тўғри кўрсата олди.

Рисоланинг тўртинчи қисмида қаро зулмат, зулмат турлари, зулматдан қутилиш, ҳуррият (революция) ҳақида ва бошқа кўплаб ижтимоий масалалар тўғрисида фикр юритилади. Анбар отин зулматнинг турлари ҳақида фикр юритиб, зулматнинг йўқ бўлиши, бартараф этилишини сезиш қийин эмаслигини эътироф этади. Лекин социал маънодаги зулматдан — золимлар томонидан содир этилаётган қоронғу турмушдан, эксплуатациядан қутулиш муддатини (ҳурриятни) белгилаш қийин, анчагина мураккаб эканлигини таъкидлайди. Шоира синфий жамиятда одил шохнинг бўлиши мумкин эмаслигига, подшоҳ бўлган шахс ҳеч қачон адолат ўрната олмаслигига ишонади.

Шоиранинг фикрий доираси ва фалсафий мушоҳадаси шу қадар кенги, у фақат Ўзбекистон (Туркистон)дагина эмас, балки бутун дунёда — ер ва кўкда зулм ҳукм суриб турганидан зорланади, ана шу зулмдан қандай қилиб қутулиш йўллари излайди. Зулмат ҳукмрон бўлган бир пайтда кишининг ақли беғараз ва бетараф тура олмаслигига, зулмнинг қаердан ва нима сабабдан келганлигига, яна қанча давом этиши мумкинлигига, бундан халос бўлишнинг имкони борлигига шоира қатъий ишонди. Бунинг учун одамлар бирикти, кенгашиб, ақллари (онглилик демоқчи) суяниб иш тутсалар ҳавони соф ва оламни равшан қилишга муяссар бўладилар, қаро зулматни бартараф этадилар, дея, қатъий эътироф этади.

Анбар отин меҳнаткаш оммага мурожаат этиб, қуйидаги саволни беради: золимлардан кўрқиб, жоҳил шайхлар ва сўфийлар алдовига қулоқ солиб, ҳар қандай зулмга чидаб, дунё неъматларидан воз кечиб, оламдан ҳайвондек ўтиб кетмоқ зарурми?

Қўйилган саволга шоиранинг ўзи жавоб беради: «ақлу идрок ва жамоатга таъя қилиб (суяниб), барча шайх ва сўфийлардан йироқ бўлиб... золимларга қарши мубориза қилмоқ, яқкаликдан ҳазар қилмоқ... зулмини нобуд этиб, зулматни бартараф қилмоқ зарурдир».

Ва ниҳоят, шоира ўз фалсафий қарашлари, ҳаётий тажрибасига асосланиб, қатъий хулосага келади: «вақтики илм даража қилуб, фалсафа равноқ топса... фалсафа ибораси ила қарши ва зид сўзаларини муқойиса қилғонда бу чигаллар очилур».

Қўп ўтмай ижтимоий ҳаётга шоира тадбиқ этмоқчи бўлган диалектиканинг қарама-қаршиликларини бирлиги ва қураши қонуни ўз кучини кўрсатди. Улуг Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси билан Анбар отин томонидан кўтарилган ижтимоий муаммолар ўз ечимини топди.

Марат ОШПАХУЖАЕВ,
Наманган Давлат педагогика
институтининг ўқитувчиси,
фалсафа фанлари кандидати.

«ЖОНКУЯРЛАР

ИЧРАМЕН»



ЧУСТИЙ

Қаҳқаҳамдир бу

Улуғ даврон, улуғ кунлар ажойиб яхши дамдир бу,
Улуғ давронни бахш этган улуғвор партиямдир бу.

Қуёш сарлавҳа-ю, олам саҳифа унга тўлган хат,
Туганмас бахту иқбол сонидан заррин рақамдир бу.

Фалакми, ою юлдузларми кўз олдимда барқ урган,
Ўзи бой, хирмони ой, халқи юлдуздек даламдир бу.

Фазода партиям фарзандлари миррихга чой тутди,
Ватандан ойга, ойдан Зухрага қўйган қадамдир бу.

Ана илму ана қудрат, ана ҳикмат, ана бирлик,
Фазода, ер шарида, ҳар нафасда мунтазамдир бу.

Эмас бомба садоси, вайсама жанг истаган душман,
Менинг тинчликсевар халқ бирла қаттиқ қаҳқаҳамдир бу.

Улуғ Ленинга ҳурмат дейди юлдуз сонидан кўп халқ,
Агар ҳар қанча ҳурмат бўлса оздир унга, камдир бу.

Фидоси мен шу халқимнинг, фидоси мен шу давримнинг,
Эшит виждон садосин жисми жонимга қадамдир бу.

Уруш вақтида найзам эрди, ҳозир янграган созим,
Қўлимда партиям берган қаламдир бу, қаламдир бу.

Мингга кир

Езди тарихнинг қуёш заррин қалам-ла бирма-бир,
Тўлди кўк лавҳи-ю, ер саҳни-ю, дарё, тоғу қир.
Қолмади сен очмаган мушкул тилсимот, махфий сир,
Юмшади темир, пўлат кафтингда гўёки хамир,
Қудратингни мақтамоқ элга хамирдан бир патир,
Навқирон, етмиш яшар қутлуғ замонам, мингга кир.

Мункиринг¹ даъволари дарёда мавҳ бўлган ҳубоб,
Ерда бўлса зилзила, тушмас қуёшга изтироб,
Чунки сен одил, ҳақиқатлар кўкида офтоб,
Сен билан халқинг аро нур бор фақат, йўқдир ҳижоб
Сендаги тўрт ҳарф тўрт фаслингга ўшар, СССР!
Навқирон, етми яшар қутлуғ замонам, мингга кир.

Ким бало бўлди сенга ўз жонига бўлди бало,
Парчаланди эски бўз янглиғ қутурган аждаҳо,
Турли эллар бўлди сенга ёру, дўсту ошино,
Омадинг булбуллари сайраб деюрлар марҳабо,
Доимо майдонда ютдинг қилмадинг ҳеч бирга-бир
Навқирон, етмиш яшар қутлуғ замонам, мингга кир.

Сенки бор, эл қалбида даҳшат олови ёнмагай,
Сенки бор, уйқудан авлодинг чўчиб уйғонмагай,
Сенки бор, содиқ кўпайгай, элга эл ёвланмагай,
Сенки борсен ғайр меҳри дил аро сақланмагай,
Тинч-омонликнинг либоси ҳеч қачон бўлмади кир,
Навқирон, етмиш яшар қутлуғ замонам, мингга кир.

Юлдузинг иссиқ, ширин сўзсан, камолнинг беқиёс,
Шубҳасиз фикринг тўни олам элин қаддига мос,
Мўъжизот дунёси сен, солди сенга Ленин асос,
Манзилингдир коммунизм, олга босил, олга бос,
Бу сўзим таърифларинг мингдан бирдан лавҳа бир,
Навқирон, етмиш яшар қутлуғ замонам, мингга кир.

Сен билан олган нафас бир янги оламдан дарак,
Эл сенга тандек керак, элларга сен жондек керак.
Тўхтамай юргай қуёшдек сен билан урган юрак,
Элни минг табрикламоқ Чустий билан эзгу тилак,
Бу муқаддас қомати бошдин-оёқ кийди ҳарир,
Навқирон, етмиш яшар қутлуғ замонам, мингга кир.

¹ Мункир — яхшиликдан тонувчи

САВОЛ

Ҳурматли редакция! Халқимизнинг кўнгли мулкига айланган домла Чустий газаллари билан айгиладиган қўшиқларнинг чин шайдосимиз. Шоирнинг Улуғ Ватан уруши даврида яратган газаллари руҳ бағишлаган эди. Яқинда биз — ветеранлар Чустий ҳақида билганларимизни тўкиб солдик: биримиз шоирнинг турғунлик даври қурбони бўлган десак, биримиз...

Илтимос, шоир Чустийнинг сўнги йиллардаги ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумот берсангиз.

Салом билан

Боғдод район, Боғдод қишлоғида яшовчи
Улуғ Ватан уруши иштирокчилари номидан Омон НОРМАТОВ.

Ветеран журналхонлар саволига шоирнинг ўғли,
шарқшунос Музаффар ХУЖАЕВ жавоб беради.

ЖАВОБ

Отамизнинг жўшқин илҳом эгаси ва ниҳоятда ҳозиржавоб шоир бўлганликлари кўпчиликка маълум. Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори ва Фарход ГЭСи қурилишларида, Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги йилларда бир-икки соат ичида ёзилиб, ўша кунгидея куй басталаниб, халқнинг сеvimли қўшиқларига айланган газаллари бирмунча. Шунга оид бир воқеа ҳануз ёдимда: 1949 ёки 1950 йил, ёз ойлари эди, ҳовлимизга Ёзувчилар союзидан бир таниқли шоир кириб келди ва отамизга ўртоқ Усмон Юсупов «тездан етиб келсин» деб айтириб юборганини таъкидлади. Отамиз дарҳол кийиниб, у киши билан чиқиб кетдилар. Кейинчалик отамиз ўша куни Марказий Комитетга эмас, Мирзачўлга боришганини айтдилар. Чақириб келган киши нима сабабдан чақирганликларини Мирзачўлга етиб боргуяларича айтмабди. Етиб келишгач, «Бойсунда дон топшириш ва бажарилибди, шу муносабат билан шеър ўқишингиз керак», — дебди. У киши бу билан отамизнинг ҳозиржавоб шоир эканликларига яна бир карра ишонч ҳосил қилмоқчи бўлган бўлса керак. Отамиз, йиғин очилиб, Усмон ака ўз нутқини тугатгунича, бир газални мияларида пишитиб қўйибдилар. Газал жуда катта мамнуният ва олқиш билан қарши олинган экан.

Маълумки, отамизнинг номлари ҳамда ижодлари она диёримиздагина эмас, айрим хорижий мамлакатларда, жумладан Хитойдаги Уйғур автоном районида ҳам машҳур. Чунки 40—50 йилларда у ерда уйғур тилида чоп этилган «Шарқ ҳақиқати» журнали ва бошқа вақтли матбуотда отамизнинг газаллари тез-тез эълон қилиниб турган. Қаҳқадарёдан келган айрим уйғур ўртоқларнинг айтишларича, отамизни у ерда «ўзимизнинг шоир» деб айтишар экан. ТошДУнинг Шарқ факультетида уйғур адабиёти ва адабётшуносликдан дарс берган марҳум доцент, филология фанлари кандидати Усмон ака Мамадохунов бир куни қизиқ воқеани ҳикоя қилиб бердилар.

Ўзбекистонга келиб қолган бир гуруҳ уйғур ўртоқлар отамиз билан учрашиш ниятида Ёзувчилар союзига боришибди. (Бу воқеа тахминан йигирма беш йиллар чамаси илгари бўлган экан). Союздагилар уларга таассуф билдириб, «Чустий вафот этган», деб жавоб беришибди. Орадан бир неча йил ўтгач, маасур уйғур ўртоқлар тасодифан Усмон ака Мамадохуновни учратиб қолиб, бўлган воқеани айтиб беришди. Шунда Усмон ака, «Чустий домла билан учраштирайсиз» деб илтимос қилишибди. Усмон ака бажонидил бўлиб, учрашувни ўз уйида ўтказишни таклиф қилибди. Ваъдалашилган куни отамиз Усмон аканикига бошқалардан эртароқ бориб қолибдилар. Усмон ака, «Домла, мен сизни меҳмонларга ТошДУнинг адабиёт ўқитувчиларидан бири, деб таништираман, Чустий домла бироз кечикиб келадилар дейман», — дебди. Отамиз рози бўлибдилар. Меҳмонлар қилишгач, Усмон ака отамизни ўқитувчи деб таништирибди. Бир мунча вақт ўтгандан кейин меҳмонлар сабрсизланиб, «Чустий домла қачон келадилар?» — деб сўрашибди. Усмон ака, «Сизлар орзиқиб кутган шоир Чустий қаршингизда ўтирибдилар, дебди. Меҳмонлар бир зум ҳайратда қолишибди, кейин ўрниларидан туриб, отамиз билан қайтадан кучоқлашиб кўринишибди. Шундан сўнг отамиз янги газалларидан ҳам ўқиб берибдилар. Меҳмонлар ҳам отамизнинг ўша даврга оид шу мазмундаги кўплаб шеърларини ёддан айтиб беришибди. Шу тариқа суҳбат алламаҳалгача давом этибди.

Бу уринда шунга айтишни истардимки, 1948 йили отамизнинг қайиоталари бўлмиш ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Аҳмаджон Умурзоқов (Аҳмаджон Қўшнаёв) бошқа набиралари билан бирга менинг укам Бахтиёрни ҳам суннат тўйи қиладилар. ЎзССР Ёзувчилар Союзидея баъзи мутасадди шоир ва ёзувчилар 1948 йилда бўлиб ўтган ўша тўйни қарийб 3 йилдан кейин, 1951 йили отамизга рўкач қилиб (тўйда маасур кишиларнинг ўзлари ҳам қатнашган) Союз аъзолигидан четлаштиришга эришадилар. Шунга қарамай отамизнинг қаламлари тўхтаб қолгани йўқ, шеърлари маълум муддат эфир ва матбуотда эълон қилинмади. Тахминан 60-йиллардан бошлаб отамизнинг газаллари матбуот ва эфирда эълон қилинадиган бўлди. 1969 йили отамизнинг «Гул мавсуми», 1978 йили эса «Газаллар» шеърый тўпламлари нашр этилди. Бундан ташқари отамизнинг қаламларига мансуб кўпгина таржима асарлар ҳам чоп этилган.

Отам умрининг охиригача шеър билан, шеърят мухлислари билан ҳамнафас бўлдилар. Вафот этадиган кунлари — 1983 йил 13 августда ҳам яқин улфатлари билан шеърхонлик қилиб ўтирганлар, уларга бир кун аввал битган газалларини ўқиб берганлар.

Отамиз тўғриларида батафсил хотиранома ёзиш ниятидаман, бу борада бойбона мухлислари, ёру дўстлари ҳамда бирга ишлаган ҳамкасблари ёрдамларига муҳтожман, албатта.

Отамиз сўнги нафасларигача халқ орасида бўлиб, унга хизмат қилиб ўтидилар, улар доимо, ҳатто оғир кунларда ҳам тушкунликка тушмай «Жон фидо дўстларга, Чустий, жонкуярлар ичрамен, Минг ташаккур, минг ташаккур, менга халқим жонкуяр» дер эдилар...



ни икир-чикиригача қолдирмай ўқувчиларига тақдим қила бошлади. Унинг ҳар бир қўшиғи, ҳар бир чиқишлари қизгин муҳокама қилинадиган бўлди. Шу тахлит у эстрада юлдузларининг катта даврасига дадил қадам қўйди.

Америка матбуоти у ҳақда турли фикрларни баён этмоқда. Мана, масалан унинг «Қиз бола каби» қўшиғи 80-йиллар биринчи ярмидаги чинакам шов-шувларни уйғотган асар, деб баҳоладди. Мадоннанинг ўзи чўлпонюлдуз, янги ахлоқ рамзи, аёл мустақиллигининг ва тажовузкорлигининг рамзига айланди.

Бу гаплар тўғрими? Бу ахлоқ, қандай намуна бўлди ўзи?

Мадонна Чикконе. У 1958 йилнинг 6 августида Детройтда туғилган. Беш нафар фарзанд бўлган ўртаҳол оилада (отаси — завод инженери эди) ўсди. Хусусий католик мактабида ўқиди. Уша ерда ўзини кўрсата олди. Мактаб театрида қатнашиб, у ерда қўшиқ айтди. Кейинроқ балетга мукасидан кетиб, ҳаттоки балет студиясида ҳам иштирок этадиган бўлди. Коллежни тугатгач, чўнтагида 35 доллар билан «ўз бахтини излаб» Нью-Йорк шаҳрига равона бўлади. Иш излай-излай, кўпчилик билмайдиган бир хореографик гурпуга раққоса бўлиб жойлашади. Кейинчалик мўъжазгина театрда қўшиқчига номзод бўлиб ишлайди. Кейин дискотекага ўтади. Сабаби — тирикчилик, яланғоч бўлиб расмларга тушади. Доимо ярим оч, ярим тўқ умрининг бу қора кунларини у ҳамон алам билан эслаб юради.

...Ва кунлардан бир кун Мадонна қўшиқчи Патрик Фернандес билан танишади. У билан Парижга йўл олади. Бу ерда ҳам унга омад кулиб боқмайди. «Бир тийинсиз яна АҚШга қочиб келдим» деб эс-

лиф ва ижрочи сифатидаги истеъдоди тўлиқ инкишоф бўлмоқда. Мадоннанинг номи жаҳон матбуотида ҳам танилиб қолган. Бунга унинг Япония ва ГФР, Англия ва Италияга қилган халқаро ижодий сафарлари ҳам сабаб бўлган албатта. Ушбу мамлакатларда «Бу кизалоқ ким бўлди ўзи?» деб номланган концерт-спектакли намойиш қилинди. Спектакль ҳар бири мустақил бўлган 16 қўшиқдан иборат. Спектакль давом этишига қараб саҳна ўзгара боради. Деярли ҳар бир қўшиқдан сўнг қўшимча либосини ўзгартиради.

Техник жиҳатдан бу спектаклнинг миқёсини шундан ҳам кўrsa бўладики, умумий оғирлиги 375 тонна бўлган реквизитнинг ўзи 23 юк машинасига жо бўлади. Бу 8 та махсус экран, ўнлаб прожекторлар, 120 та колонка ва бошқа жиҳозлардир. «Команда» оркестрдан, 50 нафар техник ходим, саҳна иштирокчиларига мувофиқ гримчилар, сартарошу, либосчилардан иборатдир.

Буларнинг ҳаммасини айтиш шартми, деб ўйларсиз... Бусиз ахир саҳна чўлпонюлдузини тасаввур қилиб бўлмайди ҳам...

Мадоннадаги қизгин иштиёқ билан ирода кучини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юқорида айтиб ўтганимиздек у ўз пайтида ишратга берилган эди. Саҳна туфайли бу ярамас одатларини ташлади. Лекин кутилмаганда қанд касалига чалиниб, бадани кунжара егандай шишиб кетди. Ирода кучини ишга солиб спорт билан жиддий шуғулланган эди, икки йилда 15 килога озди. Бир кунда у саккиз чақирим масофага югурар, кейин бир соат чамаси велосипед ҳайдар, машгулотларнинг сўнггиси — дам олмасдан 800 метрга сузди. Тушлукдан кейин анча вақт пиёда сайр этар, кечкурун гимнастика қилмасдан ётмас эди. Ва албатта парҳезга

80 -

ЙИЛЛАР

ЧўЛПОН

ЮЛДУЗИ



Бу дилбар юзли аёлнинг сурати наинки Америка Қўшма Штатлари, балки кўплаб мамлакатларнинг матбуотини беазаган. Мадонна Луиза Чикконе, таги италиялик бу америка эстрадасининг чўлпонюлдузи бир неча йилдан буён мухлисларининг ўзига бўлган ҳайратини бир дам сусайтиргани йўқ.

У саҳнани 1982 йили забт этган эди. Бир йил ўтар-ўтмас унинг биринчи диск-пластинкаси салкам 3 миллион, кейингиси бундан ҳам кўп 4,5 миллион тиражда чиқди. Ҳозир, орадан 5—6 йил вақт ўтгач, сарҳисоб қилсак унинг сотилган пластинкаларининг сони 40 миллиондан ошибди.

Ҳеч кимга сир эмас, аввалига Мадоннанинг репертуари камбағалгина эди. Ҳаттоки матбуот унинг «Дада, мени айбситма» қўшиғини паст баҳолаган эди. Бироқ Лос-Анджелесдаги конкурсда айна шу қўшиқ биринчи мукофот соҳиби бўлди. Устига-устак баъзи журналлар қўшиқчига «86-йилнинг энг мафтункор аёли» унвонини бериб ҳам қўйишди. Ана ундан кейин бошланди — газеталар Мадоннанинг таржимаи-ҳолига оид маълумотлар-

лайди у кейинчалик. Яна дискотека, яна бахтини излаш... Бу сафар у таниқли овоз ёзиш фирмалари билан доимий алоқада турувчи дискжокей Жон Бенитез билан танишади. Бу унинг кейинги тақдир йўлини белгилаб беради. Бенитез туфайли у биринчи пластинкасига шартнома тузишга муяссар бўлади. Пластинка 1983 йили чиқади. Ундаги «Чегара», «Бахтли юлдуз» ва «Байрам» қўшиқлари оммага жуда манзур бўлади. Иккинчи пластинканинг шов-шуви бунисидан ўн чандон ошиб кетади.

Шундай қилиб қўшиқчининг бошига бахт куши қўнади, у шуҳратга бурканади. Мадоннага шуҳрат олиб келган нараса фақат истеъдоди ҳам омадли танишувиими? Америкача ўзига хослик» деган тушунча мавжуд. Америкадаги саҳна талаби шафқатсиз — кўп қўшиқчиларнинг саҳнадаги умри — гарчи улар истеъдодли бўлсалар ҳам — капалакдай қисқа бўлган. Чиконне эса...

Мақоланинг бошида айтганимиздек, у сабаби тирикчилик, «ҳалигидай» расмларга тушган. «Бунақа» расмларга тушадиганлар фақат шунинг учунгина машҳур бўла олмайди, нари борса тирикчилигини бир амаллаб тебратиши мумкин ҳолос. Мадонна эса қўшиқчиликда танилиб олгач, унинг илгари тирикчилик важидан тушган боғидай суратлари кўринадиган жойларда, журналларнинг биринчи бетларида чиқа бошлайди. Мадонна ўзи ҳақидаги турли гийбат аралаш гапларга бе-парво муносабатда бўлади. Унинг шуҳрати йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шуҳрат баробарида унинг профессионал маҳорати ҳам ўсмоқда. Муал-

риоя қиларди — гуручли бўтқа, олма, сабзавот, кўклар, сутли овқат истеъмом қиларди ҳолос.

Мадонна кинода ҳам роль ўйнаган. 1984 йилда «Ўзлигини қидираётган Сюзен» фильмида тақдир ўзиникига ўхшаш қаҳрамон родини ўйнайди. Бу фильмда у нисбатан муваффақиятли роль ижро этган бўлса, иккинчи — «Шанхай воқеаси» фильмида ўйнаган ролни ҳам, учинчиси — «Ким бу кизалоқ»даги иштироки ҳам «таназул»га учиради. Бироқ у тушкунликка тушганича йўқ. Ҳамон янги фильмда роль ўйнаш иштиёқида.

Мадонна ҳақида яхлит бир фикр юритиш қийин. Шубҳасиз у истеъдодли, лекин шу билан бирга зиддиятли шахс. У ўз қадди-қоматини сақлаш учун ҳар қандай азобларга дош беради. У пулга ҳам маҳкам — шартномалар тузаётганда бир тийинга ҳам қаттиқ туради. Лекин... етим-есирларга, СПИДга қарши кураш йўлида, оч қолган Африка болаларига ҳайр-аҳсон қилишда жуда саховат ҳам кўрсатган. Унинг санъатдаги пири — Мерилин Монро, «Моддий кизалоқ» фильмида унга атай тақлид қилиши ҳам шунинг учун бежиз эмас.

Энг охириги масала. Нега уни ҳозиргача экранларимизда кўрмаганмиз? Гап шундаки ўртада турадиган — бу актрисанинг даллоллари қисқалина роллари учун ҳам олам-жаҳон пул сўрашади. Шунгами, унинг баҳосини арзонлаштиришга ҳафсала қилинмайди. Ҳолбуки, у ҳафсала қилишга арзийдиган қўшиқчи...

А. РОШАХОВСКИЙ.

ЭТДАН МИХИЧЛУРИ, МАРҲАБО!

МУЗИКА ВА БИЗ

Замонавий музика доимо ёнимизда, биз уни уйда, кўча-кўйда, концертларда, меҳмондорчиликда доимо эшитиб тураемиз. Вутун жаҳонда, айниқса ёшлар орасида унга қизиқиш жуда кучли. Зеро бу икки сўз — музика ва ёшларни бир-бирдан ажратиб қийин.

Шу туфайли биз болалар билан баҳс уюштирдик. Унда замонавий музика кайфиятга таъсир қилишдан ташқари, у кишига фақат кўнгилхушлик учун керакми, деган масалани муҳокама қилдик.

Биламизки, поп ва рок музикалари ёшларнинг маданий эҳтиёжини қондириш бўйича биринчи ўринларда туради. Лекин улар ҳар доим ҳам ижобий роль ўйнайди, деб айта олмаемиз. Албатта, музика илмидан беҳабар ўқувчи Ғарб музика маданиятининг энг яхши намуналарини паст савиядаги асарлардан фарқлаши жуда қийин. Шунинг учун биз болалар билан рок музикасини икки қатъий йўналишга бўлиб ўрганишга келишдик. Биринчидан — ижрочилари фақат моддий фойда олишга интиладиган коммерция музикаси. Лекин рок музиканинг прогрессив формаси ҳам мавжуд. Бу урушга қарши, тинчлик, ижтимоий тенглик, апроф-муҳитни сақлаш учун курашдир.

Ғарб музикасини тинглаб ўтириб, мазмунини таржима қилишга ҳаракат қилдик. Маълум бўлдики, кўпинча Ғарбнинг «оммавий маданияти» зўравонлик, шахсиятпарастликни тарғиб қилар экан.

Шундай қилиб бизнесменлар замонавий музиканинг маънавий томонига путур етказиб, унга фақат ўйинлар ёки вақтичоғлик, бекорчиликка ритмик фон берувчи сифатида қарайдилар. Лекин биз музикани, «онгимизни ташқи дунёдан узиб қўйувчи наркотикдир» деган фикрни тарғиб қилувчи ишқибозлар унча кўп эмаслигига амин бўлдик. Улар фақат ҳозирги кун билан яшайдилар.

Классик рок-музиканинг асосчилари «Битлз» ансамблининг ижодини ўрганаётиб, қандай қилиб унинг аъзолари шоу-бизнеснинг итоткор кўнгирчоқларига айланиб қолган даврини аниқлашимиз мумкин. Лекин «Битлз» ўзгара бошлади. Унинг репертуаридаги кўшиқларда, аввало уруш, зўравонлик, пул кетидан қувишга қарши кураш руҳи пайдо бўлди.

Бир вақтнинг ўзида сиёсат «Битлз» ижодига янада кўпроқ суқилиб кира бошлади. Бу давр АҚШ президенти Жон Кеннедининг ўлдирилиши, полиция томонидан демократик съезд вақтида Чикаго намоёнчиларининг қонли жазоланиши каби даҳшатли воқеаларга тўлиб тошган эди. Инсоният шафқатсиз, онгсизларча қилинган зўравонлик билан тўқнаш келди. АҚШ маъмурияти Вьетнамда олиб бораётган уруш қўрқув соясини ташлади.

«Битлз» Вьетнамдаги тажовузкорликка қарши ошкора чиқа бошлади. Бу даврда Леннон тинчликни ёқлаб бир неча кўшиқлар ёзди.

Кейинчалик биз «Абба», «Энималз», «Прокол харум», «Пинк Флойд», «Кинкс», «Чикаго», «Ирапшн», «Спейс», «Металлика» каби группалар билан танишдик. Бу ишда бизга ота-оналар кўшиқ текстларини таржима қилиб, уларни тўғри тушунишда яқиндан ёрдам бердилар.

Ишимизнинг иккинчи босқичи янада қизиқарли ва ижодий бўлди, чунки бу ўзимизнинг замонавий музика билан танишув эди. «Автограф», «Машина вақти», «Земляни», «Форум», «Секрет», «Аквариум», «Браво», «Сага» группалари билан бўлган биринчи учрашув болаларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўқувчиларимиз, ҳали бу ансамбллар ҳозирги талабларга унчалик жавоб бера олмаса-да, лекин, «Земляни», «Форум» бизнинг фахримиз, дея қайд этишди. Улар янги электрон музикали асбоблар ёрдамида «компьютер-рок» услубини тарғиб қилган ҳолда совет кўшиқчилиги аъёналарига содиқ қолишмоқда. Шундай қилиб кўшиқ ёшларнинг ҳозирги кундаги позициясини белгилаб беради, шунинг учун мазмунга талаб юқори бўлиши керак.

Ансамбллар ижро этаётган кўшиқларда кўпинча сиёсатга оид муаммолар, жамиятга муносабат, ўз-ўзини англаш ва ҳаётдаги бутун қарама-қаршиликлар куйланапти.

Болалар билан ўтказилган суҳбат, баҳс ва музикали асарларни тинглаш сўнггида, улар ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Камола Содиқова: — «Бўш вақтларимда айниқса замонавий музикалар тинглашни яхши кўраман. Чунки у мен яшаётган даврга ҳамоҳанг... Музика эшитиб ўтириб, мулоҳаза юритаман, эслайман ва тасаввуримда ҳаётдан лавҳалар ҳосил бўлади. Тинглаб дам оламан. Яхши музика одамни поклайди.»

Муниса Ҳақимова: — «Мен ғарб музикаларига кўр-кўрона эргашмайдиганлар қаторига кираман. Тўғри менга «Битлз», «Модерн Токнинг» ансамбллари ёқади, лекин ёввойи қичқирқилар тўлиб-тош-

ган америкача музикаларни тушунмайман. Аммо ана шундай музикалар бутун дунёни эгаллаб олиши кўрқинчлик...»

Шавкат Комилов: — «Замонавий музика яшашга, меҳнат қилишга, ёвузликка қарши курашга даъват этади...»

Болалар айтган бу фикрлар бизни қувонтирди, чунки бу уларнинг ўзлари таҳлил қилиб чиқарган хулосалари эди.

Сиз ҳам ўзингиз ўқиётган мактаб, хунар-таълим билим юрти ёки ҳовлингизда ана шундай клуб, адабий-музикали салон, тематик дискотекалар уюштиринг. Бу ишга озгина ижодий ёндошилса, ҳақиқий замонавий музикани таниб, унга меҳри уйғонган кишилар давраси янада кенгайди.

Дилбар КАМОЛОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институтининг ўқитувчиси.

ИШҚИБОЗЛАР

ДИҚҚАТИГА

Бу йил охири март эстрада гуллари рўйхатини эътиборингизга ҳавола қилаемиз. Сиз улар орасидан ўзингизни мафтун қилганларни танлаб бизга ёзиб юборишингиз мумкин.

Ҳурматли эстрада мухлислари! Агар сиз «Еш куч» журналининг биринчи бор варақлаётган бўлсангиз, ушбу рўйхатда «Машина вақти», «Ялла», Валерий Леонтьев, Аманда Лир, Борис Гребенников ҳамда «Битлз» группасини учратмасангиз ажабланманг. Биз улар, қолаверса яна кўплаб юлдузлар ҳақида журналимизда ҳикоя қилганмиз.

Кейинги суҳбат ким ҳақида боришини ҳал қилишни ўзингизга ҳавола қилаемиз.

1. «Автограф».
2. «Ария».
3. «Вайт».
4. «Блэк Сэббет».
5. «Браво».
6. «Бригада С».
7. Григорий Пушен группаси.
8. «Дау — металл».
9. «ДДТ».
10. Майкл Джексон.
11. «Диалог».
12. «Дип Перпл».
13. «Дорз».
14. «Инсам».
15. «Калинов мост».
16. «Кино».
17. Владимир Кузьмин.
18. Наргиза Зокирова
19. «Наутилус — помпилиус».
20. «Вулутли ўлка».
21. «Пикник».
22. «Роллинг стоунз».
23. «Рондо».
24. «Садо».
25. «Телевизор».
26. «Форум».
27. «ЭХМ».
28. «Оғир кун».
29. «Қора қаҳва».
30. Эмерсен, Лейк ва Пауэлл.



ЗҰРАКИ ЧЕМПИОН

Хажвия

зиб олапти,— деди кадрлар бўлимининг бошлиги.

Орадан беш минут ўтди.

— Зўр шахматчи деганингиз ростга ўхшайди,— директорга хушомад қилди муовин.— Қаранг, ўзига хос ўйлаш санъатини намойиш қилапти!

Аммо директор ўйлаш санъатининг қадрига етмас эканми, қовоғини солиб олди.

Орадан ўн минут ўтди.

Директор соатига бир қараб, ёнида ўтирган бош иқтисодчига ўшқирди:

— Тежамкор девдингиз... Вақтни совурапти-ку!

— Аммо у ўз ҳуқуқидан фойдаланяпти,— секингина деди юрисконсултант.

Шу пайт директордан тортиб оддий ходимгача ҳамма қотиб қолди: янги ходим юриш учун қўл чўзди! Аммо ҳеч қандай мўъжиза рўй бермади: у Раҳматов қилган юришни такрорлади, холос.

Раҳматов отни ўйинга олиб чиқди. Рақиб ҳам шундай қилди. Аммо бунинг учун унга роппа-роса чорак соат вақт керак бўлди.

— Уртоқлар, вақт тугади, ҳамма — ишга! Ўйин ишдан кейин давом эттирилади! — эълон қилди директор.

— Йўқ! — совуққонлик билан эътироз билдирди янги ходим.— Мен галаба қозонмагунимча ўрнимдан турмайман!

Матч ташаббускорлари одамларни бир амаллаб залдан чиқаришди ва енгил нафас олишди: мана энди Янгибой хоҳлаганича чўзаверсия, цехларда иш кетяпти-ку! Аммо орадан қирқ минут ўтгач, яъни янги ходим Раҳматовнинг учинчи юришини такрорлаётган пайтда иккинчи цех бошлиғи ҳовлиқиб кириб келди.

— Чаток! — шивирлади у директорга.— Кўпчилиكنинг қўли ишга бормапти. Матч натижасини кутишяпти.

Ҳамма ташвишга тушиб қолди. Бош инженер Раҳматовни имлаб чақирди. У гоят улугвор қиёфада ўйланиб ўтирган рақибини истар истамас ҳоли қолдириб, раҳбарлар ёнига келди.

— Ишчиларнинг қўли ишга бормаётганмиш,— деди директор.

— Ҳозирок матчга яқун ясанг!

— Ташаббус менда турибди-ку? — қўрқ-писа эътироз билдирди Раҳматов.— Яна мен таклиф қилайми...

— Роза бўлаверинг,— кўз қисди касабасоюз комитетининг раиси.— Квартира масалангиз...

— Розиман,— бўшашди Раҳматов.— Фақат дурангга!!

Аммо янги ходим дурангга рози бўлмади. У Раҳматовнинг тўртинчи юришини такрорлаётган вақтда, яъни эллик минутдан сўнг биринчи цех бошлиғи ҳовлиқиб кириб келди.

— Ҳамманинг хаёли бу ерда,— деди у шахматчилар томонга ишора қилиб.— Ишда унум бўлмаяпти! Брак кўпайди!

Директор ўридан туриб кетди. Бош инженер Раҳматовни имлади.

— Коллектив манфаати Сизни мотга рози бўлишингизни талаб қилаяпти,— деди у.

Раҳматов қовоғини солиб ортага қайта бошлади.

— Сочига пўтёвка! — шивирлади касабасоюз комитетининг раиси.

Раҳматов тўхтади. Аммо иккиланиб қолди.

— Юз сўм пул мукофоти,— жаҳл билан қўшимча қилди директор.

Раҳматов рози бўлди. Аммо янги ходим бу имтиёздан фойдаланишни истамасди.

— Менга текин галаба керак эмас! — деди у.

Шу пайт учинчи цех бошлиғи кириб келиб, ишчилар ким голиб чиқиши тўғрисида қизгин баҳслашайтганликларини маълум қилди.

— Шартингизни айтинг! — янги ходимга газаб билан тикилди директор.

У камсуқумлик билан секингина деди:

— Навбатсиз квартира, ёзда Ялтага пўтёвка, икки юз сўм пул мукофоти!

— Иложи йўқ! — кескин эътироз билдирди касабасоюз комитетининг раиси.— Ахир ўзингиз бугун иш бошлаяпсиз-ку!

Янги ходим елкасини қисиб қўйди-да, яна улугвор қиёфада шахмат тахтасига тикилди.

— Иложи бор,— деди директор аламли истеҳзо билан.— Бу кишининг «Шахмат бўйича заводимиз чемпиони» бўлиши ҳар қанча тақдирлашга асос бўла олади. Хуллас, бир йўлини топармиз!

Сўнг янги ходимга хотиржам қиёфада тикилди:

— Хўш, энди айтинг-чи, Раҳматовга юз сўм берганимиз ҳолда нима учун сизга икки юз сўм беришимиз керак?

Янги ходим чинакамига ажабланди:

— Ахир мен — голиб, у эса мағлуб. Наҳотки бу ерда голиб билан мағлубни бир хилди мукофотланса?!

Янги шахмат чемпионининг бу мантиқли гапига қарши ҳеч ким бирон нарса дея олмади.

Мухтор НОСИР,
Гулистон шахри.



КУРАШ ПАЙРОВИ

(аския)

МУҲИДДИН — Ҳакам келиб кураштириб қўйсинми ёки ўзингиз келиб ушлайверасизми?

ИҮЛДОШХОН — Ҳа, кураш шунақа-да, бир-бирини ушлаб курашади-да. Сиз ҳам тайёрланиб турибсизми, ё бориб устингизга ташланаверайми?

МУҲИДДИН — Курашга тўн кийиб, белбоғларни ростлаб тушади. Маҳкамроқ боғлаб олинг, тагин атайлаб ечворди деб юрманг.

ИҮЛДОШХОН — Муҳиддинжон, сиз ҳозирги полвонларнинг полвонисиз, сиз билан курашиш кийин. Фақат, сизни йиқитиб қўйсам, орқангиздан ким чиқар экан, деб ҳаяжонланаяпман.

МУҲИДДИН — Курашда шошилиб бўлмайди. Мен доим белбоғдан ўнг қўлимни икки марта, чап қўлимни бир марта айлантириб оламан. Чиқиб кетмасин, дейман-да.

ИҮЛДОШХОН — Сизни шу ушлашингиз ёмонда. Икки марта қисганингиздаёқ мен тамом бўлганман.

МУҲИДДИН — Белбоғимни олдин кўриб қўйинг. Ўтган сафаргидек ҳакамга арз қилманг — тугунини қадаб олди, деб.

ИҮЛДОШХОН — Сиз ҳам ўшанда белимни ушлаб, қўйиб юбордингиз, «ёғлаб келган экансиз, қўлимда турмаяпти», деб. Энди қайиш ремен тақсаммикан?

МУҲИДДИН — Майли тақинг, бўлмаса «бермен» дейишади.

ИҮЛДОШХОН — Кейин ўтган галгидек хом кетиш экан, эшилиб кетяпти деб курашмай қўясиз-да.

МУҲИДДИН — Мен-ку, курашардим, ўзингиз оёқнинг орасида чалворинг йўқ, деб жириллагингиз. На фарғоначага чидайсиз, на бухорчага.

ИҮЛДОШХОН — Уша кунини ўзингиз ҳам худди умрида белини ушламаган одамдек туриб олдингиз-да.

МУҲИДДИН — Белим нозикроқ, аҳтиёт қиламан. Мана сиз йўғонсиз, белингизга қўл етмайди. Доим нолиганингиз нолиган — белдан пастига ёпишади, деб.

ИҮЛДОШХОН — Белдан пастига ёпишганингиз ҳеч гап эмас, эндигина йиқитганимда оёғингизни бўйнимга чирмаб олганингиз ёмон.

МУҲИДДИН — Аччигимни келтириб қўйдингиз. Энди кўтариб туриб гумбурлатиб ураман.

ИҮЛДОШХОН — Полвон танти бўлади. Йиқитиб қўйиб кетаверманг. Мард бўлсангиз тургизиб қўйинг.

МУҲИДДИН — Тургизиб ҳам қўйман, елка шилмадимми, деб орқангизга шапиллатиб ҳам қўйман.

ИҮЛДОШХОН — Ушанда жуда каттиқ олишдик, тиззаларим арчилганимга сезмабман.

МУҲИДДИН — Сизни кейинги пайтда ҳунарларингиз кўпайиб қолди. Богдаги йиғинда жуда чиройли қилиб йиқитдим-у, ўрнингиздан туриб, ҳакамдан соврин талаб қиляпсиз-да, пастда ётганда келишиб олганман, деб.

ИҮЛДОШХОН — Тўғри, мен кам йиқитаман. Мен кўпроқ томошабинларнинг таърифига ишқивозман. Улар Иўлдошхон Муҳиддинжонни айлантириб-айлантириб қўйворди, дейишайтганмиш.

МУҲИДДИН — Уша мухлисларингизнинг бошқа гапиниям эшитдингизми? Иўлдошхон жуда бахтли-да, Муҳиддин полвонга тушди-я, деб юришибди.

Тўловчи Иброҳим БЕКМУРОДОВ.



МАКТУБЛАРИДАН

ДУСТЛИК

САТРАЛАР

Мен мактабимиздаги Саманта Смит номли интернационал дўстлик клуби аъзоси сифатида тенгқурларимдан тез-тез мактублар олиб тураман. Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистон ССРнинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшаётган тенгдошларимдан ҳозиргача 200 дан ортиқ дўстлик мактублари олдим. Улардан айрим сатрларини беғараз самимият билан журналхонлар эътиборига ҳавола қиламан.

«Ассалому алайкум хат!»

«Менинг ўртоғлари Рамазонов Азим ва Эрқаев Фахриддинлардан сенга хат бордим. Борган бўлса мени ҳам хатимни ол».

«Визинг мактабимиз А. А. Андреев номли 5-ўрта мактабида ўқияпман».

«Бир шеър ёзмоқчиман:
*Поезд юли улама,
Уламаси булама,
Нотаниш дўстимга
Хат ёзмаса бўлама».*

«У ёқда қандай кинолар бўляпти? Бизга «Тансур диска» деган кинони олиб келмади».

«Ассалому алайкум нотаниш дугонам, Улуғбек».

«Улуғбек, мен сизни 11 февраль, сешанба кuni «Ленин учқуни» газетасидан топиб олдим».

«Менинг каспим рассомликка қизиқаман».

«Яқинда бизнинг синфимиз «Унг қанот» номини олди».

«Улуғбек, мен ҳам сендек кулиб аъзосиман».

«Мен бу хатни пионер хонасига ёздим».

«Янаги хатда учрашгунча хайр».

«Мен бу хатни математика дарсида ёзганлигим учун, расм юбора олмадим».

«Кейинги хатда кучоқ очиб кўришгунча хайр».

«Бизда об-ҳаво ўн тўртинчи кuni ҳаво ёғди. Саҳал ёғди. Тишда иссиқ бўлди».

«Мен расмга тушаман деб юрибман, лекин расмга ҳали тушаман».

«Хатом бўлса резинка ўчиринг».

«Мен шундай газеталарнинг ичидан сизга қизиқиб хат ёздим».

«Ассалому алайкум дўстим, Улуғбек. Мана танишиб ҳам олдик».

«Ёзувис хунук бўлса кечир, чунки қўлимни кесиб олган эдим».

«Катта опам уйланган, у ҳозир фабрикада ишлайди».

«Менинг ўқувчиларим ва дўстларим сиз билан танишишни тилакдоши бўляпти».

«Менга ҳам редакцияга хат ёзиш йўлларини ёзиб юборсангиз».

«Битта илтимос, мен сизга расм юбораман».

«Мен сенинг «Ленин учқуни»га ёзган «Бир умр фахрланаман» деган мактубингни ўқиб, жуда хурсанд бўлдим».

«Ассалому алайкум нотаниш дўстим Улуғбекка деб ўйладим».

«Онам, отам, укаларимнинг ҳаммаси яхши баҳор билан ўқиб юрибди».

«Хурматли ва азиз, нотаниш синфдошим Улуғбек».

«Дружинамизнинг номи «Қорин Ниёзий».

«Хайр, соғ бўлинг, нотаниш ёзувчи Ганишер».

*«Мен ёздим ручка билан,
Хатим кетди почта билан,
Мен қолдим ручка билан».*

«Отим Улуғбек, исмим Нортोजиев».

«Ижозат берсангиз, мен 26-мактабнинг 10 «А» синфида ўқияпман».

«Мақолангизни ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Чунки укамнинг исми ҳам Улуғбек».

Улуғбек АБДУСАЛИМОВ,
Андижон шаҳридаги М. Горький номли
27-мактабнинг 8 «А» синф ўқувчиси.

Фактлар тасдиқланди

Редакция томонидан текшириш учун юборилган «Юлғич мудир» сарлавҳали шикоят колхоз правлениясида муҳокама қилинди. Кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди. Арзимаган беш минг сўм камомад учун тажрибали омбор мудир Ошар Тошаровни обрўсизлантиришга ҳаракат қилган шикоят муаллифи Бердивой Озодов қаттиқ огоҳлантирилди. У бундан кейин бунақа шикоят ёзмасликка сўз берди.

Ҳаммомдаги юлғичлик

Молия бўлимининг ишчан ревизорлари томонидан Шерюррак қишлоғидаги ҳаммомнинг кейинги икки йиллик молиявий иши кўриб чиқилди. Ута синчковлик билан ўтказилган ревизия натижасида ҳаммом мудир Сувсар Ташнаев уч тонна иссиқ сувни ўзлаштиргани маълум бўлди.

Ревизия актида мазкур камомад мудирдан ундирилиб, иши тергов органларига оширилиши кўрсатилди.

Ажойиб ташаббус

Тошқин кварталидаги ЖЭК маъмуриятининг ташаббуси билан ёрдамчи хўжалик ташкил этилди. Бу ерда ҳозир юздан ортиқ ўрдак боқилмоқда. Шуниси қувончлики, илма-тешик трубадан сув оқиб подвалда тўпланиши ёрдамчи хўжалик учун асос бўлди.

Юбилей кечикмоқда

Ашаддий бюрократ Сарсонкул Гапўтмасовнинг 50 йиллик юбилейи мана олти ойдирки бошқа кунга кўчирилиб келинмоқда. Чунки шу масала юзасидан бошлиқ олдига кирган юбилей комиссиясининг раиси Ҳозир Нозиров ҳали оғзини очмасиданоқ олаётган жавоби битта: «Эрта келинг, кўрамыз!»

Эълон

«Шошмай тур» кинотеатрига фаррошлар керак. Тўлиқ справкаларни олиш учун кинотеатр ёнидаги Бозор пистафуруш ёки Эшвой носфурушга мурожаат қилинсин.

Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ,
Ленинбод области.

Шингил ҳажвлар

ГУГУРТ ВА СИГАРЕТА

(қиссача)

— Мен бор — сен бор! — деди Гугурт мужмал қилиб.
— Ишқилиб алдамайсизми? — деб шивирлади Сигарета.
У Гугуртнинг кимлигини яхши билмасди.

Фалсафа

— Илтимос, ишқаланманг... Қўрқиб кетяпман, — дея безовталади Сигарета.
— Бир нарсани билиб кўй, жоним, — деди Гугурт, — ҳар қандай мураккаб ёниш ҳам оддий ишқаланишдан бошланур.
Сигарета шўрлик на фалсафадан хабардор эди, на мантиқдан. Жим тураверди, қизарди...

Турмуш

— Сал эгилгин энди, — деди Гугурт. — Қанча кўп эгилсанг, шунча ловуллаб кўринасан. Чўпимдан ўрнак олсанг-чи.
Сигарета нозланиб эътироз билдирди:
— Ҳо-о, ёқмай кетсин... Лабимга лаб тегди дегунча шундай ҳам ёнавераман.
Аммо у тутар эди холос.

Ади-бади

— Йўк, кўриб турибман, бари бир менчалик ёнмапсан, — деб тундланди Гугурт. — Писмиқсан!
Ажаб бўпти! — дея чимирилди Сигарета. — Балки гугурт чўпидан кўра узокроқ ашамоқчидирман.
Орага совуқчилик тушди.

Хиёнат

— Бу қанақа уятсизлик? — бирдан аъзойи бадани чўгганиб ўшқирди Сигарета. — Ҳали шунақами?!
У Гугуртнинг бошқа Сигаретани ёндираётганини кўриб қолганди.

Қисмат

— Мен алдандим, адоий тамом бўлдим! — жиззакилик билан бодиллай кетди Сигарета. — Ун гулимдан бир гулим очилмай туриб, куйдириб кул қилдингиз.
Гугурт безрайганича уни жеркиб ташлади:
— Нега битта менга ёпишсан? Бор, ўша кунингни очганга осил!
Сигарета димикқандек туриб қолди... Озиб-тўзаверди...

Хотима


Дайди шамол қанчадан-қанча сигареталар кулини кўчама-кўча учуриб юрибди. Гугуртнинг чўплари эса ҳали тугагани йўқ...

Абдумалик ИСОМИДДИНОВ,
ТошДУ талабаси.




Машҳур совет шахмат мастери ва психологи Б. Блюменфельд ўқиган лекциялар билан танишишда давом эта- миз.

Рубинштейн — Ласкер партияси (Пе- тербург, 1909) қораларнинг 15-юриши- дан сўнг шундай позиция юзага келган эди:




Юриш оқлардан. Қоралар Ле8:е3 ва Фg5:g2х тахликасини туғдирмоқда. е3 даги от — позициянинг таянчи. Рубин- штейн соддагина 16. Лс1 ўйнайди. Уйин шундай давом этди: 16... Л:е3 17. Л: с6+bc 18. Фс1! Комбинациянинг мағзи шу — е3 даги рух очмасда қолди. У қайтариб олинади ва оқлар ғалаба қо- зонади.

Нимцович — Рубинштейн
Сан-Ремо, 1930, йил.



Оқлар рухи билан с6 хонасига бос- тириб бормоқчи. Афтидан, а6 даги пиёдани ҳимоялаш зарурдек кўринади, бироқ Рубинштейн 19... b4! ўйнаб, фил- ни қамайди. 20. Лс6 Лb5 21. Л:а6 Лс8 (суръат билан) 22. о-о Лbс5 ва оқлар ютди (23. Сb6 га 23... Лс6 — фил ўлди). 21. Сb6 га 21... Лb8 22. Са7 (22. Сd4 бўлса, 22... Ла5 — қоралар пиёда юта- ди) 22... Ла8 23. Сb6 b3! 24. аb Л:b3 25. Сd4 е5 26. Сс3 бор — қоралар катта устунликка эга (27. ба??Лb1+!).

Алаторцев — Гольдберг
Ленинград, 1932 йил




Юриш қоралардан. Уларнинг 20... Лb8 юришига оқлар 21. Сf5 жавобини қилди. d7 даги от очмас, юришу уриш кучидан маҳрум. Бинобарин, f6 даги от ҳимоясиз. Оқлар 22. С:f6 тахлика- сини туғдиради.

21... С:d7 22. С:d7 С:c4 23. Л:g7+ (жуда шиддатли юриш) 23... Кр:g7 24. Фg4+ . f6 даги от буткул очмасда, у йўқ, у урولмайди ҳам, юролмайди ҳам. 24... Крh8 25. Сс3! Лg8 26. Фh4 Лg7 (26... Лg6 бўлса, 27. f5!) 27. Ф:f6 ва оқлар эндшпилда юриб чиқди.

Пиёдани очмас қилиш ҳам худди сипоҳни очмас қилишдек роль ўйнайди.

Тарраш — Россели
Баден—Баден, 1925 йил



Юриш қоралардан. Улар 21... К:g2 22. Л:g2 дан сўнг 22... Ле:е5! ўйнади. От қурбони билан очмас мотиви яра- тилди. Энди f4 пиёдаси уриш кучидан маҳрум. Тарраш шу йўл билан бир пиёдани ютиб олди ва отларни алмаш- тиришга ҳам эришиб катта устунликка эга бўлди. Агар оқлар отини d3 га олиб ўтишга улгурганда уларнинг му- дофаасини ёриб ўтиш осон бўлмасди.

Очмасдан қандай қутулса бўлади? Бунга асосан очмас қилиб турган сипоҳни ҳайдаш, очмасдаги сипоҳни ра- қибга зарба берган ҳолда олиб кетиш... йўл билан эришилади.

Тахтага теринг.
Оқлар: Крг1, Фd3, Ле1, Ле2, Се3, Кf1, пп: а4 b2, c2,f4, g3, h2 (12);
Қоралар: Крh8, Фе6, Ле4, Ле8, Са8, Кg4, пп: с5, с7, d6, g7, h7 (11)

Бу позиция Шаллоп — Вальбротд партиясида (Нюрнберг, 1986) оқлар- нинг 31-юришидан кейин вужудга кел- ган.



Уйин шундай давом эттирилди: 31... d5 (32... d4 суриб сипоҳ ютиш ҳавфи туғдирилди): 32. с3d4 33. cd cd 34. f5 Фе5 35. С:d4 Л:е2. Оқлар таслим бўлди.

Фикрингизни шундай бир нарсага қар- татмоқчиманки, у жуда катта эътибор- га лойиқдир. Томонлардан бирининг сипоҳлари иккинчисининг очмасда қол- ган сипоҳига тазийқни кучайтиравера- ди. Ногоҳ ана шу очмасдаги сипоҳ ке- тиши билан уни очмас қилиб турган сипоҳлар зарбада қолади.

Хўш, очмаснинг ноқулайлиги нима- лардан иборат? Бу, биринчидан, очмас- даги сипоҳ ҳужумга йўлиқиши, иккин- чидан, очмасдан қутилиш учун вақт ке- тиши, учинчидан, очмасдаги сипоҳнинг зарба бериш кучи йўқолишидан ибо- ратдир.

Мана бу мисол ҳам ибратлидир.
Оқлар: Крh1, Лb7, Ка8, п. а3;
Қоралар: Крf5, Лb5, Лb5, Сb6, п. h5;
Қоралар сипоҳидан ажрайдиганга ўх- шайди. Бироқ уларнинг ихтиёрида қут- қарувчи ажойиб маневр мавжуд: 1... Лb1+2. Крг2 Лb2+. 3. Крh3 Сd4.

Навбатдаги топшириқлар



Иккала позиция ҳам амалий партия- ларда рўй берган бўлиб, икковида ҳам юриш оқлардан. Хўш, сиз қандай ўй- нардингиз?

Жавобларни почта откриткасида қис- қа ва лўнда тарзда 30 сентябргача юборинг.



Ёш куч

Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий бодини
безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 10 (28) октябрь, 1988 й.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти.

- Бош редактор**
Худойберди ТУХТАБОЕВ
- Редколлегия**
Шохруҳ АКБАРОВ
Владимир ВОЛОТКО
(бош редактор ўринбосари)
Евгений ГРЕВЦОВ
Хуршид ДУСТМУҲАММАД
Мирза КЕНЖАБОВ
Эркин МАЛИКОВ
(масъул секретарь)
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Латиф МАҲМУДОВ
Мирвосил ОДИЛОВ
Ҳақимжон ПИРМУҲАМЕДОВ
Йўлдошали ТОЖИБОВ
Александр ФАЙНБЕРГ
Александр ФРОЛОВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Техредактор Файбулла БАРИМОВ

«Ёш куч («Молодая смена») — ежемесячный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:

78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар кўлөзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена», 10. Октябрь, 1988 йил.

«С. «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмаҳонага туширилди 16.08.88 й. Босишга рух- сат этилди 15.09.88 й. Офсет усулида чоп этилди. Р—11935. Қоғоз формати 70×108¹/₈. Қоғоз ҳажми 4 лист. Шартли босма листи 5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 187512 нусха. Буюртма 4090. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.





ЭЪТИРОФ

...— Навбат Муҳаммаджон Шокировка!
Зални тўлдириб ўтирган санъат шинаван-
даларининг юзларида қувонч пайдо бўлди.
Боядан бери бепарвороқ ўтирган томошаби-
лар ҳам бир кўзголиб олишди-да, диққат
этибор билан саҳнага кўз тикдилар. Ана
ўрта бўйли, истараси иссиқ йигит — Муҳам-
маджон Шокиров, елкада қадрдон аккордеон,
саҳнага чиқиб келди. Чиқиб келди-ю, саҳна
билан зални бир-бирдан ажратиб турган
тўсиқ бирдан, кутилмаганда йўқ бўлиб қол-
гандек туюлди менга. Томошабинлар аккор-
деондан таралаётган шўх садолар остида хо-
нанда билан баробар хиргойи қилишар эди.
Ижрочи билан томошабинларни кўзга кўри-
мас иплар бир-бири билан мустаҳкам боғлаб
турар эди. Бу нимани аңлатади! Ҳурматини
меҳр-муҳаббатини ёки бўлмаса эътирофни.
Бунда ҳурмат ҳам, меҳр-муҳаббат ҳам, ва
албатта, эътироф ҳам зоҳир эди.

Эътироф...

Унинг санъат соҳасидаги йўли бундан
йигирма бир йил олдин бошланган. Санъат-
севар оилада туғилиб ўсган Муҳаммаджон
устози Раҳим отадан куй чалишни ўрган-
ди. Оилавий концертларда, мактабдаги санъ-
ат байрамларининг фаол иштирокчиси эди
у. Бир кунни... унинг учун бахтли тасодиф юз
берди. Андижонга моҳир санъаткор, «Ба-
ҳор» халқ рақс ансамблининг бадий раҳбари
Мукаррама опа Турғунбоева ташриф буюрди.
Опадан ўсмир Муҳаммаджон ижро этган му-
зикаларни тинглаб кўришни илтимос қилишди.
Муҳаммаджон чалган куй опага манзур бўлди.

— «Баҳор» ансамблига таклиф қилсан,
йўқ демасанми, музикачи бўласан! — сўради
опа ёш чолғучидан.

«Баҳор» ансамбли... Мукаррама опа...» Энг
дадил орзуларида ҳам номи дунёга таралган
ансамблда ишлашни хаёлига келтиришга
ҳам журъат эта олмаган Муҳаммаджон шу та-
риқа 18 ёшида «Баҳор» ансамблида ишлаш
бошлади, ўқиди, ўрганди, устозлар тилига,
халқ тилига тушди, меҳрини қозонди. Мана,
Муҳаммаджон Шокиров бугун суҳбатдоши-
миз. Мавзу эса, табиийки, санъат...

— Сиз биринчи марта кўшиқчи сифатида
қачон саҳнага чиққансиз!

— Кўшиқ айтишга кўп вақтдан қизиқар-
дим, дастлаб ўзим кўшиқларга музика ёздим,
гоҳо уларни ўзимча куйлардим ҳам. Лекин
кўшиқчи сифатида саҳнага 1984 йили чиқ-
қанман. Ушанда «Карима кўйлак княди» де-
ган кўшиғимни айтган эдим.

— Сизга қайси эстрада кўшиқчиларни
ёқади!

— Ботир Зокиров! Улар эстрада санъатини
жуда юксакка кўтарганлар. Ҳозирги ёшлар
дан Насиба Абдуллаева ёқади. Янги, ўзинг
хос услубда куйлайди.

— Нималар ёқмайди!

— Тақлидчилик! Афсуски, ҳозир ёшлар
орасида тақлидчилик кучайган. Ашуласи ўз
бекча-ю, музикасини аниқлай олмайсан. Ёки
аксинча... Тақлидчиликдан қочиш керак.

— Сизнинг репертуарингизда ҳажвий, са-
тирик кўшиқлар кенг ўрин олган. Бунинг са-
баби нимада!

— Халқимиз ҳазил-мўтойибани яхши кўра-
ди. Ҳазил-мўтойиба орқали ҳаётимизда учраб
турадиган айрим камчиликлар танқид қили-
нади. Мен ҳам шу йўлдан бориб ҳажвий ва
сатирик кўшиқлар яратиш устида ишляпман.

Мен унинг гапларини тинглар эканман,
муҳлислар эътирофининг, муваффақиятлари-
нинг калитини топдим. У ижодининг ўзинг
хослигида, бировга тақлид қилмасликда экан.

Ш. АКБАРОВ

А. КУДРЯШЕВ фотос